

Норқобил ЖАЛИЛ

# ҚУЁШГА ТИК ҚАРАБ БЎЛМАС

ЁХУД «ХУРРИЯТ ДАФТАРИ»ГА БИТИКЛАР

*(Бадиалар, мақолалар, суҳбатлар)*

Тошкент  
«Истиқлол» — 2001 йил

## ҲУРРИЯТ... ОЗОДЛИК...

Аслида икки сўзнинг-да маъноси бир, моҳияти бир. Қадим ўзбек тилимининг қонун-қоидаларига асосланиб, «Ҳуррият» сўзининг ўзлаги-ни излаймиз: «хур», «хурлик». Лугавий маънолари ҳам минг битта, лекин моҳияти ягона: ОЗОДЛИК деган улуғ сўзга келиб қўшилади.

Ва яна ёдимизга такрор ва такрор улуғ Чўлпоннинг ўтли сатрлари гушавсради:

Кипан кийма,  
Бўйин эгма.  
Ки сен ҳам хур тугилгөнсен...

Энди, шу ўринда молийга бир назар таштайлик. Биз минг бор хуррият, озодлик ҳақида баҳс-мунозара юритмайлик, барибир ўтган асрнинг бошларидаги талотуми қирғинбаротлар, мудҳиш истибод манзаралари кинотасмаларидай кўз олдимиздан ўтаверди. ОЗОДЛИК етмиш йил тўрт тарафимизда саратон саробидай айланиб юрди. Аср давомида ташиниб интилган хурриятимиз не тонгки, аср сўнгида бизга насиб этди. Бу буюк толеъни, улуғ неъматни қадрламоқ керак. Хурликда кечаётган ўн йиллик сабоқлар бизга бу шарафли бахтни қадрламоқни ўргатди. Вақтнинг яна бир оғир синови — АНГЛАМОҚ фурсати етганини ҳам кўрсатяпти.

Озодлик туйғуси нима дегани?

Биз бу туйғунини қандай тушунамиз?

Озодликнинг ўн йил бизнинг юрагимизда қандай улғайди? Ким эдингиз ким бўлдингиз?

Бугунги кун қаҳрамонлари кимлар?


Шоир, публицист Норқобил Жалил Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Кўёшга тик қараб бўлмас» деб номланган ушбу тўпламида Ватан ва миллат тақдирига эш бўлган инсонларнинг руҳий кечинмалари ва бу буюк ҳодисани англаш йўлида сизу бизга елкадош бўлиб янаётган замондопларимиз ҳаёти ўз ифодасини топган.

Муаллифнинг ўн йиллик кузатувлари меваси — «Ҳуррият» дафтари»га битиклар»и ҳам ушбу китобдан жой олган.

© «Истиклол» нашриёти, 2001 й.

*Аёнким, Ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар то имкони бор...*

*Алишер НАВОИЙ*



- Қирқ йиллик ҳижрат ҳикояси
- Бизга энди «кул»лар эмас,  
«бек»лар керак
- Зайнобиддин отанинг байроғи
- Рўмолчага ўралган соғинч



## МУҚАДДИМА

ЎЗБЕК бир кунда юз марта дуога қўл очиб, аввало Оллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг юртига, Ватанига, халқига тинчлик, хотиржамлик, омонлик тилайди.

Бу кўпчиликка оддий ҳолдай туюлади. Дунёнинг жамики ҳузур-ҳаловати ва ҳақиқати аслида ана шу улғу илғижоларда мужассам. Афсуски, буни биз ҳар доим ҳам англайвермаймиз.

ЎЗБЕКнинг ҳар куни тонгда кўз очиб айтадиган сўзи — «Ассалому алайкум» — уйингизга тинчлик тилайман, дея бошланиши бежиз эмас. Мана, ўн йилки, ЎЗБЕКнинг елкасида офтоб нурлари чарақлаб турибди.

Демак, дунёга бераётган саломимиз ҳам ўн йилдан бери бусбугун жаранглаётир.

Ишонинг, бу улкан юракнинг зарби ўн йилдан бери жуда кучли ва ўктам. Бу ўктамликда қанча юртдошларимизнинг соғинч-изтироблари, шодлик ва азоблари, сўз билан ифодалашга-да ожиз ҳис-туйғулари яширин.

**Азиз замондошим!**

Ушбу китоб орқали Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган битикларим — ҳаётий кузатувларим, ҳурликда кечган ўн йиллик шамс даврининг нурли парчаларидир.

Ўтган бетакрор ўн йилнинг юракларга берган ғурур-ифтихори, шарафи-шони чексиз. Зеро, озодлик туйғуси инжа адиб, нафис мунаққид Иброҳим Ғафур айтганидек, «одамни енгилмас қилди». Зеро, менинг ярим кўнглимни тўлдирган ҳурриятнинг ўн йиллик бебаҳо туйғуларини ёзмоғим қарз эди.

Қуёшни кўрган одамлар аслида Сизлар — муҳтарам қондошларим!

**ҲУРРИЯТ** — Қуёш каби порлайди,

**ОЗОДЛИК** — Қуёш каби бетимсолдир!

Сизга яна бир бор таъзим қиламан, қуёшни кўрган **ОДАМЛАР!**

## ЭНГ КАТТА ЮРАК

Юрагимнинг зарби ўзидан катта. Тафти қуёшдан-да иссиқроқ, ўтмиши узоқ. Ёшани... айтишда хато қиламан. Унинг йигирма милдан кўпроқ томирлари бор. Исми — жисмига мос. Айтайинми? Кейин...

Ҳозир бошқа бир ҳикоя эшитинг.

**КҰНФИРОҚ:** Сунбуланинг охири — энг қутлуғ байрамимиз — Истиқлолимизнинг беш йиллиги арафаси эди. Телефон жиринглади. “Алло, Тошкентми? Ассалому алайкум! Саудия Арабистонидан саломлар бўлсин. Қутлуғ куп муборак, ватақдош!” “Куллуқ, куллуқ, ташаккур! Сизларни ҳам қутлаймиз!” Бироз жимлик чўкди. Гушакдан ҳалиги одамнинг ҳаяжонли энтиккани шундоқ эшитилиб турарди. Сўнг маҳзун товушда “Биз опа-Ватақдан олисдамиз. Аммо битта сўз кўрагимизни осмовдай кўтариб турибди. У Ўз...” Ул ёқдан ҳазин-ҳазин йиғи овози эшитилиб турди. Сўнг...

Ўн кун ўтиб мактуб келди. Устига арабий имлода бизнинг манзил битилган. Ҳайрон бўлдим. Хорижда, бунинг устига Саудияда танишларим йўқ. Лекин икки йил бурун Марғилонда ёши саксонлардан ўтган бир мадиналик отахон билан суҳбатлашган эдим. Ушанда у киши кўп гаройиб хотираларидан айтиб, менинг манзил-телефонимни ёзиб олувди. Узоқ ўйладим. Шу одам бўлса нега телефонда ўзини танитмади? Аксинча, фақат ўқсиб-ўқсиб...

Хатни шошилиб очдим. Нафисгина қорозга бир қалима сўз битилган: “Ассалому алайкум! Узр, шул топишмоқнинг жавобини тез ёзиб юборинг. Мукофоти...” 10 та катакчага билинар-билинамас қилиб доира шаклидаги ғалати чизма жойлаштирилган. У ёққа олиб қарайман, бу ёққа олиб қарайман. Ҳеч тополмайман. Бир ой ўтди. Яна хат келди. Яна ўша топишмоқда ўн та катакча ва ўша айлана шаклидаги чизма. Ниҳоят, яқинда кекса ватандошимнинг жумбоғига жавоб топдим. У...

Шошилманг, дўшани қўлга олинг. Айлантинг. Яна айлантинг. Энди кундуз бўлса осмонга — ёруғ Қуёшга, тун бўлса — тўлин Ойга қаранг. Улар ҳам айланяпти. Соат милларидай. Умр ҳам шундай кечаяпти. Ҳар биримизнинг умримиз ўтаяпти, умримиз...

Ер шарининг Ой, Қуёш кўпроқ ёритадиган бир буржида ўн йилдан бери ёрқин НУР пайдо бўлди. Бу Нур тўрт тарафга ўзидан чақноқ шуълалар сочаётир. Унинг номини сўраяпсизми? У...

Тўғриси, дунёда нечта тил борлигини билмайман. Лекин қанча давлат борлигини тахминан айтиб беришим мумкин. Эшитишимча,

ҳозирги кунда янги дунё харитаси тузилиб, ҳамма ёққа тарқатилаётган экан. Ана шу харитада Яратган бизларнинг пешонамизга ёзиб қўйган бир жарангдор ва ёруғ сўз энди ўзининг салобатли ва малоҳатли бўйини таратиши муқаррардир.

**ТУШЛАРИМИНИНГ ЎНГИ:** Ишонинг, сизга ёлгон, ўзимга чин. Ўн йилки, фақат тушларим ўнгидан келади. “Бойси не?” — дерсиз. Билмадим. Фақат Ёруғлик, Оқликка ўралган уйдан Мағрибу-Машриққа гоҳ учиб, гоҳ сузиб чиқаман. Таъбирини... Ўзимча шундай англаяпман:

Худо ёрлақаган бизнинг замин лаҳза сайин ёришиб борапти. Айниқса, одамларининг кўнгли шу муқаддас тупроқ янглиғ тоза-риб кетаётгандай. Унга осмон ҳам очиқ, дунё ҳам. У ёғида катта-кон Манзил кўриняпти. Соф ўзбекча талаффузда бир қўшиқ куйланяпти:

**Мангу ёруғ масканим маним,  
Ўзбекистон — Ватаним маним!**

Э, энди топдим, азишлар! Ўша, бор умри бўйи битта қутлуғ сўзга талпиниб, уни соғиниб яшаган ва яшаётган ватансиз ватандошимнинг гошишмоғидаги ўша ўнта катакка Ў-З-Б-Е-К-И-С-Т-О-Нни жойладим. Қарасам улкан, чиройли шаклдаги Юрак пайдо бўлди. Топдим! ЮРАК — ЎЗБЕКИСТОН экан.

Ўйласангиз у шул муборак заминда яшаётган милён-милён қалбнинг кўксиди тинмай уриб турибди. Ўзга юртларда яшаётган қондошларимнинг кўксиди-чи? Эҳ-е, саноғини топмоқ осонми-кан унинг?

Томирларга туташ вужуднинг ҳар бир заррасида оқаётган қонимизга сингиб кетган Ватан бу — Ўзбекистон!

\* \* \*

... Булар юракдаги ёзувлар. Уларни ҳар ким ҳар хил тарзда ўқийди, ҳар хил талқинга солиб тушунади. Негаки, ер юзида неча миллиард одам яшаса, шунча миллиард дунёқараш ва тасаввур борлигини инкор қилолмаймиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Ватанда туриб Ватан нима-лигини англамоқ осонми? Ҳамма гап ана шу саволнинг мазмун-моҳиятини қандай идрок этишга боғлиқ. Чунки ҳар биримиз ўзимизни шу Ватанинг бир парчасиман, дея ҳисобламоққа арзигулик ишга қўл урдикми?

Ўтаётган ўн йиллик синовлар бизларни ана шу залворли ва шарафли саволга жавоб топмоққа ундаяпти.

## ВАТАННИНГ БИР ПАРЧАСИ

Уттан йилнинг кеч кузаги эди. Зукко адиб, фидойи инсон Аҳмад Аъзам одатдагидай ярим чин, ярим ҳазил оҳангида жилмайиб:

— Эски шаҳарнинг Чорсу бозори орқасида бир отахон бор. Абдулазиз ҳожи дейишади. Кўплар у кишидан дуо олади. Ўтиб келмайсизми? — деди. Сездим. Талмовсираш фойдасиз. Иши бўлса керак. Аҳмад акани алдаб бўлмайди. Демак, съёмкаси бор. Бунинг устига отахоннинг исмиям танишдай туюлди.

Чорсунинг пастқам уйлари чўзилган... зах босган қадим тор кўчасидан бориб, дуч келган йўловчилардан сўрадим: “Ҳожи домланинг уйлари...” Ҳали гапим тугамасиданоқ ишора қилишарди: “Машина боролмайди. Боши берк кўчанинг охиридаги оппоқ дарвоза».

Эшик ортидан оққўнғил қариянинг мулойим овоз келди:

— Марҳамат, кираверинг.

Оппоқ соқолли отахон таҳорат олаётган экан. Бошлари билан сўрига ишора қилди. Дастурхон устида қалин бир китоб, чойнак-пиёла, чинни косада эса эзилиб пишган шотут бор эди. Улгурмадим. “Ассалому алайкум, келинг-келинг”. Кўш қўллаб кўришдик. Дуога қўл очдилар.

— Ҳойнаҳой Аҳмаджон юборгандир. Умри узоқ бўлсин шу йигитнинг. «Ўзлик»дан кўп дуо-савоб олаяпти-да. Фақат сал ошириб юбораётганлар ҳам чиқиб қолаяпти. Шулардан эҳтиёт бўлсин. Ишониб бўлмайди ундайларга.

Секин соатимга қарадим. Пешин намози тугаганди. Ҳожи домла сездим. Изоҳ берди: “Ҳозир сиз билан бораётган жойимизга, ўғлим, ўн марта таҳорат-ғусл қилиб, покланиб борсак ҳам кам. Нега дейсизми? Ҳақиқий шаҳидлар шулар ўзи. Қани, нега тут емадингиз? Чойдан ичинг...” Кўлимни кўксимга қўйдим. Отахон дуо ўқидилар.

— Илоҳо, зиёратимиз қабул бўлсин!..

Қалқиб кетдим. Юрагимда исмсиз туйғу жонланди. “Зиёратимиз қабул бўлсин!» Юнусободга — “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуига боришимизни билардим. Лекин ўша куни Ҳожи домла тасаввуримни битта сўз билан ўзгартириб юборди. Шундан бери “ЗИЁРАТ” деган сўз юрагимни ўртайверади.

... Абдулазиз ҳожи домла билан йўлда кетяпмиз-у, у киши тасбеҳ ўгириб, пичирлаб ҳар-ҳар замонда менга қараб қўяди. Хиёбонга қадам босдик. Одамлар кўп эди. Узун зинапоялардан отахонни пастга етаклаб гушдим. Отахон ҳар зинапояда бир-бир тўхтаб шивирлайди: “Оллоҳ раҳмат қилсин! Икки дунё саодатини берсин!”



Сўнг пастда тўхтаб, жўшиб сўзлай кетди: “Биринчи келишим, болам, ҳеч юрагим тортмади. Ҳозирам сизни қўлтиқлаб келяпману, ҳар бостан изимдан битта овоз эшитилаётгандай. Эҳ, бу ернинг ҳар қаричи муқаддас. Оёқ босолмаяпман. Телевизордан шу майдонда ўтган маросимни кўриб йиғладим. Президентнинг отасига раҳмат! Худо шу инсоннинг кўнглига солган экан. Халқим ўз тарихидан огоҳ бўлсин, эртасини қадрласин, деб шу савобга қўл урди. Эл-улус келиб бир дуо қилиб кетадиган зиёратгоҳ бино қилди. Бўлмаса, шунча йил ётди-ку, зор қақшаб. Кимлар ўтмаган бу юртдан?

Отахон оғриниб, ёниб гапиряпти-ю, менинг нитохим тасвирчи билан тортишаётган заҳматкаш режиссёр Хайрулла Ҳусандан узилмайди. Ҳамма унинг доимий жиғибийронлигига ўрганиб кетган. Аҳмад Аъзам бизларни имлади. Мен тасвирга олиш бошланганда нари кетдим. Майдоннинг ўртасидаги кўприк устига бориб ўйланиб қолдим. Отахоннинг гаплари... наҳот тўғри бўлса-я? Шунча одамнинг гуноҳи не эди? Ўша куни яна олис хотиралар уйғонди. Катта-кичик, ҳамма бир-бир йиғлаб олди. Чунки отахон ва онахонлар айтган даҳшатли воқеалар юракларни эзди.

Ҳали энди йигирмани тўлдириб-тўлдирмаган маъмур йиғит Носирбек ҳам ниҳоят юрагини очди:

— Ака, ану дода роса йиғлади. Юзга кираётган чолнинг йиғисини кўрмовдим. Шунча минг одам отилган жой дейишса, мен ишонмасдим. Бугун эшитиб манам йиғладим...

Ҳожи домла зиёратдан қайтаётиб яна дуога қўл очди:

— Илоё, шул тупроқда ётганларнинг охиратлари обод бўлсин. Ҳаммаларини Оллоҳ раҳмат қилсин. Ҳаммамизнинг зиёратимиз қабул, муродимиз ҳосил бўлсин, омин!

Абдулазиз ҳожи домлани “Шаҳидлар хотираси” майдонидан яна қўлтиқлаб олиб чиқдим. Келгунимизча оғир-оғир нафас олиб, қадамлари зишай бўлган инсон энди анча енгиллашгандай сезарди ўзини.

\* \* \*

...Шу йилнинг бошида яна ҳожи домлани йўқладим.

— Умрадан келиб, сал шамоллаб қолувдилар, бир-икки кундан кейин кўнғироқ қилинг, дейишди набиралари.

Барибир яна кўргим, бир оғиз сўзларини эшитгим келаверди. Негаки, шу ёшга кириб ҳали бундай хизрсифат, дуоғуй ва фариштали отахонни кўрмаган эдим. Ўша кунги ҳикматнамо сўзларини соғинавердим. Яна сим қоқдим. “Чиқиб кетувдилар...” Демак, кўчага чиқибдими, тузалибди. Йўлга отландим. Борсам энди келиб турган экан. Келинлари кириб, руҳсат олиб чиқди. “Зиёрат-

га олиб борган болам бўлса, майли, кираверсин” дебди. Кучюк очиб кўришдик. Сўнгра хонгахтага ёзилган дастурхон атрофига таклиф қилди. Дуо қилдишар, гапни кўп чўзмай, менинг кўнглимни англаб тургандай ҳикояларини бошладилар:

— Ватан қалдрини ватансиздан сўранг, айтади. Айтгандаям зор-зор йиблаб айтади. Мен ҳам ватандан жудо бўлганман, болам. Қирқ йил ҳижратда яшадим. Ҳозир 96 ёшга кирдим. Бизни ҳисобимиз осмонда чиқиб ботаётган ой билан ўлчанади. Кеч киради, тонг отади. Тонг отади, кеч киради. Мен бу гапларни бекорга айтмаяпман. Қирқ йил кун санадик. қирқ йил тун санадик. Қачон Ватанга қайтарканмиз, деган умидда яшаганмиз.

...1928 йили чиқиб кетганмиз. Ситлар билмайсизлар, 1933 йилгача, шўролар ўзини қўлга олгунича гинч турди. Кейин бошланди ҳамма ўйин. Катта-катта боиларнинг мол-қолини, ҳовли-жойини хат қилди — текширишди. Бу коммунист деганида лин бўлмас экан. Даҳрий-да. Динни тушунганни, саводи чиққанни, савдогарни, баравар қувғин қила бошлади. Ғалати кунлар келди. Бу камбағал дегани бойга қараганда ҳар қаерда кўп-да. Икки ўртада қандай бўлмасин низо чиқариш керак эди. Бойларни, савдогару диндорларни уй-жойини камбағалларга олиб бера бошлади. Энди ора бузилди. Мен диний мактабда ўқирдим. Мударрисларим билан Хитойга кетдик. У маҳаллари тўпланиб кетилмасди. Одамлар чилни боласидай тўзғиб кетди. Жон ширин-да. Ота болага, бола отага қарамай қоча бошлади. Ҳамма шаҳарма-шаҳар тарқалди. Чегаралар жуда мустақкам эмас экан-да шу маҳаллари. Тоғма-тоғ юриб бўлсаям қочиб кетишарди. Кўз олдимда 30-йилларнинг тирик манзаралари. Айтсам, ишонмайди ҳозиргилар, қоп-қоп тиллоси бор бойлар тиллосини кўмиб, ўзи кетиб қолди, жоним омон қолсин, деб. Бировни қўлида нон кўрса тортиб, обқочиб кетишарди. Битта нон учун ўлдириб кетишдан ҳам тоймасди. Сўрайдиган одам йўқ.

Биз Ёркентга борганмиз. Хитойда шу пайтлар коммунистлар йўқ эди. Мўмин-мусулмонлар илиқ кутиб олиб, нон берди, жой берди. Кейин Хитойдаям бизга муносабат ўзгарди. Уларни ҳам шу коммунистлар бузди-да. Шўролар ҳукумати бизларни қайтариб берилишимизни сўради. Улар кафолат сўради. Кўнишмади. Билмадим, бу коммунистлар Хитойни ҳам чув гуширди шекилли. Белул завод курамиз, фабрика курамиз, олтин берамиз деб аллади. Сталин замонида биз — мусофирлар масаласида Хитой ҳукумати билан турли можаролар бўлди. Яъни, шўролар бизларни фуқаролик ҳуқуқи олишимизни талаб қилди. Кўпчилигимизнинг советлардан оғзимиз куйган эди. Рози бўлмадик. Охири икки орада худди шу масалада низо чиқди. Энди у ёқдан қочиб бошланди. Минг-минглаб одамлар тўғри келган тарафга кета бошлади. Чегаралар очик

эди. Лекин улар бизларни кетишга мажбурламаган бўлсаям қурқиб яшардик. Коммунистлар ҳар қандай разилликдан қайтмасди. Хитойда юки оғирлар, бола-чақаси кўплар қолди. Аста-секин барибир ортимизга қайтдик. Кўшлар яна қопқонга тушди. Қамалди, отилди, Худонинг марҳамати билан мен тирик қолдим...

Э, болам, қандай кушларни кўрмадик. Ҳар тарафга сочилиб кетган ўзбек болалари бугун Ватан озод бўлганидан Ватаннинг қадри қанчалар буюк эканлигини англаяпти. Бу келаётганлар эмас, уларнинг ота-оналари, авлодлари Ватандан айрилганлар. Аммо мусофир қаерла бўлсаям, ҳатто юз йил яшасаям барибир мусофир-да. Уларнинг ярми ўз қариндош-уруғларини тонаяпти, ярми тополмай йиғлаб кегаяпти...

Мен муборак Ҳаж зиёратига 1991 йили бордим. Икки бор Умрага борганимнинг сабаби, раҳматлик отам бой одам бўлган, лекин Ҳаж қилолмаган. Шуларни арвоҳи шод бўлсин деб Умра қилдим. Кўчада кетаётсак, бизларни бир киши тўхтатиб “қаердан келдинглар?” деб сўради. “Тошкентдан” дедик. Кучоқлашиб кўришди. Ўзини таништирди. Отаси асли Шаҳрисабдан бўлиб, у 7 ёшида Максага бориб қолган экан. Унинг исми Нуриддин ҳожи эди. Кўқонлик 75 ёшли Раҳматулло қори иккови бизларни ўз уйларига меҳмонга чорлади. Ватандошларни чақириб суҳбатларимизни эшитишди. Бу чорловлар кейин билсак бежиз эмас экан. Дунёнинг ишларини қаранг, биз бўлсак бу ёқдан минг-минг чақирим йўл босиб, бир умр йигиниб, муборак жойларга зиёратга интиламиз. Улар бўлса, ҳамма ишени, ташвишини кўйиб бизни кучоқлаб, йиғлаб Ватан ҳақида айтган ҳикояларимизни жимгина тинглашарди. Ҳаммаси ёши бир жойга бориб қолган одамлар. Лекин улар ўз Ватанларини кўзи очқлигида бир ЗИЁРАТ қилмоққа талпинади.

\* \* \*

...Абдулазиз ҳожи домла билан суҳбатлашаётиб, XX асрнинг беназир шоири Хуршид Давроннинг “Ватанни англамаслик жасорат эмас, аммо усиз жасоратнинг ўзи бўлмайди” деган сўзларини эсладим. Дарвоқе, қирқ йил хижратда, мусофирликда яшаб, бугун сал кам бир аср умр кўраётган, қолаверса, сизу бизга Ватан қадрини англаш дарсидан сабоқ бераётган бул хизрназар отахоннинг мана бу ҳикматли ўғитлари юракка кўёшнинг тафтидай ботади:

— Мен ҳикоям аввалида Ватан қадрини ватансиздан сўранг, деб бежиз айтмадим. Мен дунё кўрлим, камим йўқ. Худога минг қатла шукур, жоним Ваганда, таним Ватанда. «Бу дунёда яхшилик қилишдан ўзга яхшилик йўқ» деб Вагандан айро тушган улуғ Бобур Мирзо ҳам айтган эканлар.

Яхшилик қилинг, Ватанни севинг, деган қуруқ сўз, насиҳат билан Ватанни севдириб бўлмайди. У руҳга, шуурга сингса, севилади. Озодликда ўтаётган ўн йилнинг бор ҳақиқаги, ҳикмати — шу! Ватан қолади, Ватан абадий. Биз шу Ватаннинг бир бўлаги, бир парчасимиз!

## ОЗОДЛИК СУРАТИ

*Озодлик, ким сенинг тотингга қонар,  
Ким сенинг меҳрингши айлағай завол?*

*Хуршид ДАВРОН*

### “ҲУРРИЯТ ДАФТАРИ”ГА БИТИКЛАР

... Авваллари кўп эшитганман: “Ер шарининг фалон буржида қон тўкилди... Қамоққа олинди... Байроқлар ёндирилди... “Узимча нима кераги бор экан... шу одамлар тинчгина яшаб юришмайди-ми-я?” — деб қўярдим.

Йиллар ўтди. Энди сайёрамизнинг у тарафидан эмас, бу томонидан, УЙИМИЗнинг ёнгинасидан овозлар эшитилди: “Бизга эркинлик керак. Хур яшашни истаймиз. “Яна ўқлар отилди, танкларнинг оғир-оғир садолари эшитилди. Бизлар эса Худодан яхши кунлар сўрадик. Яратган қўлади. Қонсиз, қурбонсиз озод бўлдик.

Ана шундай фараҳли кунларда ҳам ОЗОДЛИК СУРАТИни биров кўрди, биров кўрмади. Мен эса...

... Қалин бир дафтарим бор. Ранги оппоқ. Ўзимам билмайман. Шу ранг негалир кўларимга нур бағишланверади. Ўн йилча бўлиб қолди бу дафтарни тутганимга. Гоҳ-гоҳ ҳушим келса, ул-бул нарса қоралаб қўяман. Яхшиси, ундаги илк битикларни сизга ўқиб берайин.

\* \* \*

“1991 ЙИЛ, 1 ОКТАБР. Бу Тоғай ака (Тоғай МУРОД — муаллиф)нинг ғалати феъли бор-да. Сентябрьдаям кўчат экадими одам? Кўкармайди ака, десам, кулиб-кулиб “ҳали соясида соялайсан, ана шунда айтасан раҳматни” деб қўйди. Тушунмадим. Бугун ишонмай бориб кўриб келдим. Ниш урибди...”

\* \* \*

“1992 ЙИЛ, 29 АВГУСТ. Ҳарбийда бирга бўлган литваллик дўстим Парейгисдан хат олдим. У ёзибди: “Эсингдами, ўзинг айтувдинг,

Ўзбеклар фарзандини армияга кузатаётиб, нон тишлабтиб қолади, келсунича уйининг тўрида асрайди”, деб. Менам утаи йили юртим озод бўлган куни атайлаб нон пиширтириб, тишлаб илиб қўйдим. Устида “умрим етгунича асрайман” деган ёзув бор. Озодтигингиз муборак бўлсин, ошна!” Бошим осмонга етди. Сира кўзим илинма-япти...”

\* \* \*

“1993 ЙИЛ, 1 СЕНТЯБР. Тоғай ака уйига чақирди. Боғини айландик. Энди эсласам, ўшанда ҳайронлигимдан қандай кўчат экканиниям сўрамаган эканман. Бугун кўрдим. Ўзи изоҳ берди: “Булар — тераклар. 50-100 йил яшайди. Буниси — тут. Энг сархил. Насиб этса апрелда бир тўясан. Мана бу... Ичида қийғос бўлиб очилиб ётган гуллар ҳам бор экан. Атиргул, настарин. “Куз кира-япти, қандай асрайсиз?” дейман ҳайратдан. Кўл силтайди. “Айт-майман”.

... Уйга қапишимда бир кучоқ гулларидан тутқазди. “Мен бугун саҳармардонда ОЗОДЛИК майдонига сочиб келдим. Сенам кечқурун болаларинг билан бориб, сочиб кел...”

\* \* \*

“1994 ЙИЛ, 15 ИЮЛ. Кеча Қашқадарёдан келдим. Озод ака-нинг қувончи бир дунё. Германияга бориб келибди. “Э, бу биздаги шароит немислардаям йўқ. Агар бўлганида эди, улар ярим дунёни боқарди. Лекин ҳали кўрасиз, 10 йилга бориб-бормай Ўзбекистон энг бой мамлакатга айланади” деди-да, хайрлашаётиб “яқинда ис-мимга атаб тўй бераман. Чунки уч йилдан бери одамлардан исмим-ни эшитсам, кўксимга ғурур тўлиб кетаяпти” деди кулимсираб...”

\* \* \*

1995 ЙИЛ, 3 НОЯБР. Таваллуд куним. Ҳамма қутлади. Кечқу-рун учдан ўтган қизим Моҳинур қўлимга катакчали қутича тутқа-зиб “ичида II катакка II та қушнинг суратини чиздим. Улар ўнга ҳарфдан иборат бўлган оппоқ рангли уйдан КУЗнинг биринчи куни учиб кетади. Топинг-чи?” деди.

Узоқ ўйладим. “Тополмадим денг, шаҳар беринг бўлмаса” ту-риб олди у. Йўқ, деёлмайман. Охири... Унга сездирмайгина ҳалиги қутичани очдим. Ичида “ЎЗБЕКИСТОН — 1 СЕНТЯБР — МУС-ТАҚИЛЛИК” деган ёзувлар ва устида оппоқ атиргул турарди...”

\* \* \*

“1996 йил. Кечаги якшанба (22 декабр)нинг гурунги. Гузорлик Бегимкул ака қизиқ гап айтди: “Қагта бир йиғилишда элдошларимдан илтимос қилдим. Оғайнилар, менинг исмига “қул” қўйилган. Бу энди эски замонда қўйилган. Лекин янги туғилаётган чақалоқларга “қул” эмас, фақат “бек” деб қўшинлар...”

## ОЙ ЁНАДИ ОСМОНИМДА

(1996 йилги кўзатув)

...Марғилонда — Мустақиллик кўчасида Баҳрин деган маҳалла бор. Куну-тун одамлар билан гавжум бўладиган бу манзилга ҳамма кулиб ўтади. Аслида, бу ернинг ҳеч қандай сир-синоаги йўқ. Фақат...

Одатда сизни бир инсон қаршилайди. Танишмисиз, бегонамисиз, барибир. Кучоқ очиб куришади. Сунг бу гавжум маскан деворига ишора қилиб: “Меҳмон, байроғимизни бир тавоф этиб кирасиз!” дейди кулиб. Юраклар жимираб кетади. Хиёлатлигимизни сездирмай, астагина отахонга қўшилиб Ўзбекистон байроғини юз-кўзимизга суртамиз.

Шундан кейингина ичкарида танишамиз:

— Тўғриси айтмайми, Зайнобиддин Сайдамов деб сўрасанглар ҳатто ўз маҳалламдаям билишмайди, — дейди у киши. — Лекин “Обком тақсир” десанглар...

Бошқа мақтанмайди-да, байроқ ҳақида сўзлай кетади:

— Ўзим асли миробман. Ҳозирам сув ҳагдайман. Менинг гапларим сизга ғалати туюлар, лекин рост. Тўрт-беш йилдан бери узоқроққа кетгим келмайди. Бир кундаёқ қайтаман. Келаману эшигимиз тепасига қарайман. Байроқ турибдими? Катта кўча, ҳар хил одамлар, бу ёғи шўх болалар кўп-да. Бирортаси... Йўқ, ҳатто бу ерга ичкилик деган балониям яқинлаштирмасликларини тайинлайман. Уйимиз ана, маҳаллақўмнинг ёнида. Ичкарида тўқсон ёшли отам Юсуфвалихон гақсир ҳар-ҳар замонда сўраб қўядилар: “Зайнобиддин, болам, маҳалла-қўй тинчми, байроғинг қилпираб турибдими?” Бош силкийман: “Худога шукр, ота, юрт тинч — маҳалла тинч...”

Бу ўз кўзим билан кўрганам. Биламан, киноя аралаш “бунчалик эмасдир-ов” дейдиганлар ҳам топилади. Йўқ, биз бундан ажабланмайлик, аксинча, гурурланайлик азизлар. Ахир энди кечаги ҳаво билан яшамаямиз-ку! Мустақиллигимизнинг бешинчи йили яқинлашяпти. Ишонаверинг, ҳали орамизда мамлакатимиз байроғидаги рамзлар ифодасини ҳам гула айтиб бера олмайдиганлар бор.

**ЭНДИ ЭШИТТАНИМНИ АЙТАЙ:** Бундан икки йилча аввал олис Америкадан Қашқадарёга меҳмон келди. Оталари “шўро”лар

таъқибидан қочиб кетган экан. Етмишларни қоралаб қолган ватан-дошимиз дарду ҳасратга тўлиб сўзларди: “Эсимни зўрга таниган маҳалларимда ҳам отам раҳматлик Ўзбекистон ҳақида йиғлаб-йиғлаб армон билан “юз йил ўтса ҳам барибир бизнинг юрт озод бўлади” дерди. 1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ... биз бир турух ватан-дошлар дунёга сифмалик. Ҳар куни, ҳар саҳар Яратганга дуолар ўқиб, миллатимизни, Ватанимизни шарафладик.

Сўнг... ҳар бир хонадонга энг азиз ва муборак совға сифагида биттадан **ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ** улашдик. Болаларимиз, набираларимиз ана шу байроқни ўлиб, кўзларига тавоф қилишди. Энди биз ҳар йили **1 СЕНТЯБРДА ЎЗИМИЗНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИМИЗ** ўрнида **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЗОДЛИК КУНИНИ** нишонлайдиган бўлдик...”

## СОҒИНЧ ПАРЧАЛАРИ

\* \* \*

...Сизни билмадим, лекин менинг қирқ бўлакка бўлинган умр дарахтимнинг ҳар шоҳида **СОҒИНЧ** гуллайди, **СОҒИНЧ** яшайди. Унинг ранги оппоқ, зангори, яшил... Мен-да, сиз-да гоҳ ажратиб, гоҳ ажратолмайдиغان ранглари ҳам бор унинг.

Саксонинчи йилларнинг ўрталари эди ўшанда. Тақдирнинг кутилмаган «ўйин»ларидан толиқиб, эзилган юракдан шундай бир эзгин сатрлар тўкилган:

**СОҒИНЧ...**

мен саккиз йил сенга термулиб,  
Олс-олсларда кўз ёшлар тўқдим.  
Қоғозларда келдиг  
юрагим тўлиб,

**«СОҒИНДИМ»...**

бир сўзни кучоқлаб ўшдим...  
Бугун севинчларим рангин бир олам,  
Кўксимда  
энг ёруғ ҳисси туямав.  
Фарзандим қизми ё ўғил бўлса ҳам  
Исминин албатта **СОҒИНЧ** Қуямав...

Йиллар ўтди. Умр ҳам йилларга қўшилиб оқаверди. Кунларни, тунларни санаб яшадим, йиғладим. Тангри суйган бандасига «ол, қулим» деса бўлар экан. Озодликнинг иккинчи баҳорида бир умр соғиниб кутган кунлар келди. Қизим **МОҲИНУР** туғилган эди ўшанда. Мен эса исм изладим. Бирдан эсимга **СОҒИНЧ** келди. Аммо...

Ўшанда муборак Рама зоннинг ой чиқадиган лаҳзлари эди. Ой ўз нурини ёрқинроқ сочадиган кун эди... Кўнглида бир умр яхшилик яшайдиган қадрдон дўст маслаҳат солди: «Ойна, исмини.. Ўзи кўйиб қуйибди-ку!» Ой нури — Моҳинур деяверинг. Худо суйган экан...»

СОҒИНЧ эса ўшанда эндигина ўттиз бўлакка бўлинган эди. Сўнг...

\* \* \*

Ҳали шу пайтгача қандай туш кўрган бўлсам бировга дoston қилмаган эдим. Лекин энди қоғозга гушираяпман. Биринчиси шу...

Кўп йиллар бўлди. Тушимда қадим Бухорога ўзим билан ўзим юз марта бориб келдим. Ҳар боришимда икки байт шеърни қайта-қайта ўқиб кетаверардим. Нега шундай, билмайман.

Соат чиққиллайди деворда ҳорғин,  
Соат чиққиллайди — ўтиб борар вақт.  
Йиллар ҳам қувлашиб ўтмоқда,  
лекви

Йиллар билан ўтар мев влагал БАХТ...

Бухорода минораларни томошга қиламан, Бухорода осмонни кузатаман. Ҳеч бири на юратимга, на кўзларимга сиғади. Одамларни-ку, айтмай қўя қолай. Айланаман, айланаман...

Уйғониб кетаман. Тош шаҳарнинг зил-замбилдай ҳавоси кўксимни эзиб ётган бўлади. Юракка кулоқ тутаман. Юрак... Ундан яна бир эзгин-эзгин нило келади:

Қадим-қадим мияпораларнинг  
Дардларига шивирлайман.  
Мияг йил ортгап чипорларнинг  
Баргларига шивирлайман:  
Кунлар ўтснв, йиллар ўтснв  
Жоп фидога айлапай.  
СОҒИНЧ сени кўрмоқ учуп  
Бухорога айланай...

## ҲИЖРАТДАГИ КЎЗЛАР КАТТА БЎЛАРКАН

1997 йили қишлоғимнинг биринчи муаллими Темир домла ЮСОН ўгли Умра сафарига бориб келди. Тошкентда куғиб олдик. Каттаси Нафас ака раҳматлик айни қирчи.лама йигит ёшида фожиали ҳалок бўлган эди. Ёлғиз ўгли Рамазонни кучоқлаб йиғлай-



верди. Менам чидолмадим, секин бурилиб кетдим. Сўнг тун бўйи сафар хотираларини айтиб берди.

Муаллим тўлқинланиб сўзлади. Ҳамдўстлик давлатларидан борганларнинг ўзбекистонликларга ҳаваслари келганини мақтаниб гапирди. Негаки, Саудия подшоҳининг, айниқса бизнинг ҳамюртларга муборак Ҳаж мавсумида кўрсатган марҳаматларини ҳамма давлатларда эътироф этишганини айтишибди. Президентимизнинг кўрсатаётган ҳимматларини роса алқашибди. «Қайтишимизда бир қаршилиқ ватандошимиз мени четта имлади. Бир-икки кундан бери ҳеч даврамизга қўшилмаётганди у. Ниҳоят сўз очди: «Ватандош, мен етмишдан ўтдим. Олтмиш беш йилдан бери мусофирман. Агар юз йил яшасам ҳам бу тупроқда мусофир бўлиб қолавераман. Истайсизми, истамайсизми бу ернинг ёзилмаган қонуни шу!»

Отам раҳматлик васият қилувди. Ўзлари 20-йилларнинг охирида ҳижратга кетган экан. Қарши тарафларда қариндошларим қолган, дейишарди. Қайси қишлоқлигини билмайман. Мана, сиз шул ёқдан экансиз. Сизга бир омонат бериб юборсам...»

Сўнг рўмолчага ўралган тупроқни очиб кўрсатди. Ва ялтироқ матога ўраб қўйди-да, «бу тупроқ отам раҳматликнинг қабридан олинган, шунини ўзингиз тарафлардаги қабристонларга сочиб юборинг. Зора, руҳлари шод бўлса. Ҳеч бўлмаса, тупроқлари қўшилар...»

У киши йиғлаб-йиғлаб қаттиқ тайинлади: «Ватандош сизга ишондим-а...»

Муаллим бу воқеани жуда берилиб ҳикоя қилди ва қишлоққа қайтаётган «Ватанни, тупроқни соғинган кўзлардаги изтиробнинг нақадар маънос ва катта эканлигидан юрагим қалқиб кетди. Чунки биз ўз Ватанимизда яшаб Ватаннинг қадрини унчалик теран анламас эканмиз» деди.

Ўтган йили эса Темир муаллим Ҳаж сафарига бориб келди. Зиёратга бордим. Домла ниҳоятда шодмон эди: «Эсингдами, бир ватандошнинг тупроқ бериб юборганини айтиб берувдим. Қарзимни узиб, у ёққаям тупроқ олиб бордим. Ватандошни йўқлатдим. Афсус, бандаликни бажо келтирибди. Болалари суюниб юрт тупроғини кўзларига суртиб-суртиб йиғлади» деди ҳаяжон билан.

Ўтган йили истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги байрами кунини шарафига Темир муаллим бутун қишлоқдошларимиз номидан Юртбошимизга оқ от совға қилганини «Ахборот»да кўрсатишган эди. «Бу йил насиб этса ўн йиллик байрамимизга алоҳида ҳадямиз бор» деб юрувди. Шу йилнинг бошида... Кутилмаганда муаллимимиз чин дунёга сафар қилдилар. Аёли Зиёда хола муялги овозда

«Ҳар куни сени сўраб қўярди. Бизга айтмаган хотираларини сенга илинарди. Шунгами, кўп йўл қаради» деди.

Афсус, бу хотиранинг ёруғ қўчаларига кириш менга насиб этмади...

## ЮРАГИМИЗДА ЯШАЙДИГАН БОЙЛИК

Тўрт йиллар бурун бир йиғинда ижодкор дўстимиз ёзгириб қолди: “Кеча америкаликлар иштирокида ўтган мащваратда галатти воқеа бўлди. Келишилган вақтда ҳамма ҳозир унози эди. Бир пайт эшик очилди-да, америкаликлар кўринди ва ... лаҳза ўтмай бирдан ортларига қайтишди. Ҳамма ҳайрон. “Нима гап, тинчликми?” Аввалига ҳеч ким изоҳ бермади. Сўнг бир йигит тўрға ўтиб Америка байроғини секин тузатиб қўйди. Бизлар бўлсак эътибор қилмабмиз. Кейин билдик, меҳмонлар залга киришлари биланоқ ўз байроқларига қарашибди. Сал эгилганроқ қилиб қадалган экан. Бир-бирларига шивирлашиб, тузатиб қўйишса учрашув бошланишини айтишибди...

Бу айримлар учун арзимасдек туюлар. Лекин бизлар учун аччиқ сабоқ эди. Мана, ўз байроғига, давлат рамзига бўлган ҳурмат-эҳтиром қандай бўлади?

Шундан бери қаерга борсам бизнинг бетакрор байроғимиз қадалган бўлса бирдан қарайман. Яқинда эса Туркистоннинг ХХ асрдаги тирик “байроғи” Чингиз Айтматов билан бўлган гурунгда ҳам Ўзбекистон туғи ҳақида гап бўлди.

Чингиз оғадан секин сўрадим:

— Ўрта Осиё давлатларининг байроқларидан уйингизда бордир? У киши самимий жавоб берди:

— Бўлмасам-чи? Қондошлик рамзлари менинг Бишкекдаги уйимдаям, Брюсселдаги элчихонамизда ҳам бор. Билмадям, уларнинг ҳаммаси гўзал ва латофатли, ҳайратланарли. Лекин негадир кўзимга Ўзбекистонники жуда иссиқ кўринаверади. Табиатимда юлдузларга алоҳида меҳр борлиги учунми ё бошқа мен сезмаган сеҳр зоҳир этилганми, хуллас, жуда фаройиб-да байроқларингиз.

Дунёда, лоф бўлмас-ов, мен кўрмаган мамлакат қолмади ҳисоб. Аммо қайга борсам байроқларга кўп эътибор қиламан. Кўпми, озми? Жуда кўп ул ёқларда! Бизда кам. Нега? Ҳеч сабабини излаб, ўйлаб тополмайман. Ахир пўролар замонини эслайлик. Етмиш йиллик омонат байроқларнинг ҳисоби йўқ эди-ку! Бугун энди ўзимизнинг асл миллий қиёфамиз бўлмиш бундай ноёб рамзларимизни наҳот кўпайтириш қийин бўлса?

Ўйлаб қолдим. Бизда кейинги пайтларда ғалати бир одатми ё қусурми пайдо бўлаяпти. Мамлакатимиз ёки миллатимиз ҳаётида катта тарихий ўрин тутувчи саналарни белгили кунлардагина эслашга ўрганиб қолдик. Олайлик, байроқ ҳақида нега энди йил ўн икки ой фахрга тўлиб сўзлаш ва ёзиш мумкин эмас? Гербимиз ё малҳиямиз, тамғамиз ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Чунки улар ҳар лаҳза, ҳар кун ғурурга тўлиб эсланадиган воқеалар-ку!

Бир ой аввал ўзим ўқиган мактаб муаллими Қўчқор домла олис қинлоқдан Тошкентга байроқ излаб келди. “Биз тарафларда каттаси ҳам, кичиги ҳам йўқ. Бориниям олдиндан тайинлаб қўйишар экан шекилли, олиб кетишибди. Мана бугун пойтахт дўконларини айланиб тополмадим. Энди ўқувчиларимга нима дейман?”.

Ишонгим келмади. Дўконларни курдим. Расталарни айландим. Ҳақиқатдан ҳам камчил экан. Шунда бошқа бир ман зара кунглимга оғир ботди. Ҳаммамиз ҳар куни кўча айланамиз. Ўзимизнинг ёки хорижликлар билан ҳамкорликда очилган дўкон-фирмаларни томоша қиламиз. Бозорларга йўлимиз тушади. Автобус-трамвай-троллейбус, таксиларга чиқамиз. Жаҳондаги машҳур ва номи энди танилаётган фирма, компанияларнинг рамзий белгилари туширилган ёзувлари ҳамма ёқни босиб кетаётир. Қайси бир ошхона ё савдо растаси эшигидан бошлаб ичкарасигача “XON”дан тортиб “MARLBORO”гача, “ADIDAS”дан бошлаб “NIKE”гача, хуллас, ўнлаб ажнабий номлар... Балки булар ҳам керакдир. Лекин меъёр бузилса нима бўлади? Нима, ўзимизнинг миллий рамзларимизни асл ўзбекчада ёзиб қўйсақ, ҳақимиз кетадимми?

Яна бир томони, бугун истасак-истамасак, Бозорнинг шафқатсиз қонунари кўпларни эсанкиратиб қўйди. Энг ачинарлиси, телевидение ва радиогача, ҳатто кўча-кўйларда ҳам ғалати қиёфадаги рекламалар ёхуд миллатимизга ҳеч ярашмайдиган қилиқлар, тасвирлар туширилган расм-плакатлар зўр бериб тарғиб этилаяпти. Булар сизу бизнинг руҳиятимизга, миллий маънавиятимизга мос келармикан?

Яна байроқларга қайтаман. Кеча кечқурун қизим қаттиқ тайинлади. Боғча опаси байроқ ясаб келинглар, депти. Мигти байроқчанг бор-ку, (1 сентябрда, Мустақиллик майдонига улашилган энг янги совға) шуни олиб боргин, десам, у бош силкиди: “Ҳо-о, бермайман, уни ёстигимнинг остига яшириб қўйибман, юлдузларни яхши кўраман, бошқа опкеласиз”.

Биз катталар болалардан ибрат олсак арзир экан-а. Ўзбекнинг дилбар шоирларидан бири айтганидай: “Болалар соддалиги билан

каттадир биздан”. Ватаннинг азиз рамзларини ҳар куни суюб, ардоқлаб юз-кўзларимизга минг бора суртсак кам.

1997 йил

\* \* \*

Яшириб нима қиламиз, кеча ҳамма бойлякни гўё ўзимизники деб юрардик. Ёлғон экап. Умумники умумга кетди, қайтиб келади деб кутиб туриш — гумроҳлик. Лекин биз истасак-истамасак-да, барибир аввал Кечани яшаймиз. Ундан ҳеч ким воз кечолмайди. Фақат юракка тарозу қўйиб, тўғри ўлчаб олсак бўлди.


Катта дунёнинг катта гефирмони айланиб турибди. У тухтамайди. Бироқ бир хавотир доим қўнгилни эзади. У ҳам бўлса, сизу бизнинг орамизда ҳамон кечани соғинаётганлар учрайди. Уларнинг шиори битта: «Аввал қозонимиз, ўчоғимиз бир эди, яхшигина яшаб юрувдик. Бугун...» Ана шулардан қўрқиш керак. Энг даҳшатлиси, бундайларнинг икки қўлини боғлаб, икки кўзини беркитиб, нон-сув тутсангиз бемалол еб-ичиб, ҳазм қилади. Сиз эса фожеани узоқдан излайсиз. У ёнимизда, биз билан бирга-бирга нафас олаётми.

Яна бир хавотир бор: катта-кичик машваратларда фақат Кечани сўкиб, бугунги тинмай мақтаётганларга ҳам ишонилш қийин. Энди эсланг, у кечагина кутубхоналарда 50-60 томлик китобларни варақлаб, нималарнидир ёзиб-қўчириб, бизга маърузалар ўқиган, ора-сирала телеэкран ё радиода чиқиб, газета-журналларда «изм»лардан сабоқлар ҳам берган эди. Унинг усти ўзгарди, ичи...

Майли, не бўлса-да, келинг, энди Бугунга қайтайлик. Ҳазрат Жалолоддин Румийда шундай бир «ФАСЛ» бор: «Қўлида қундуз ушлаб гурган одамга уникадан яхшироқ бошқа бир қундуз берсангиз, олмаса, лемак, у қундузни билмайди. Чунки унга кимдир, қундузнинг қундуз эканлигини айтган, холос. Яна бир мисол: ёнғоқ ўйнаётган болага, ёнғоқнинг мағзини ёки ёғини берсангиз олмайди. Чунки бола ёнғоқдан чиқаётган овозга ишқибоз. Мағиз ва ёғ эса сас чиқармайди. Тангрининг хазиналари ва илмлари беҳисоб...» «ФАСЛ»нинг моҳиятини энди англагандирсиз.

Яратган бизларга жуда катта бойлик — хазина берди: бу бебаҳо неъмат — ОЗОДЛИКдир. Тўғри, у ҳақда минг марта гапираверган билан унинг тотита, меҳрита тўйиб бўлмайди.

# ЎЗБЕКНИНГ «ОЛТИН»ЛАРИ



- Каратэ бу биздан чиққан,  
ёпонлардан қолган эмас
- Полвоннинг юлдузи бир марта  
чарақлаб ёнади
- Артур Григорян Ўзбекистон бай-  
роғини ўпаётганда... йиғлаган аёл
- Файзулла чавандознинг гинаси



...1994 йилнинг жазирама ёзи эди. Тошкент шаҳар қаратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов “Ўзбекистон овози” газетасига келди. У билан кунора кўришиб турардик. Анчагила ўнгла-ниб олган шаҳар федерациясининг қандай талбир-машварати бўлса Нурхон ҳалли сиғиб “ака, ҳамкасбларингиз жуда сипойи одамлар, ўзингиз бош бўлиб олиб боринг. Болаларимни кўришсин. Қаратэ фақат тепиш эмас, балки катта санъат эканлигини юртдошларимизга тушунтиришсин” дея менга тайинларди.

Спортни тушунадиган журналистлар ўзи ҳисобли-да. Ҳайлар Носиров, Ҳайдар Акбар, Аҳрор Аҳмад, Нормурод Мусом, Комил Жумаевларни айтмаганда.

Хуллас, йигитнинг сазаси ўлмасин дедим. Чунки 1993 йили иқтидорли шоир Исмоил Тўхтамиш пойтахтдалиқ пайтида бизларни бошимизни қовуштириб, тупканинг таги Чуқурсойга — Нурхоннинг биринчи клуби “Шарқ”қа олиб борган эди-да. Шушу шоирми, журналистми, ҳаммасини чорлаш менинг чекимга тушди. Уша кунлари Мустақиллик байрами олдидан мусобақа уюштирилганди. Кўпларга айтдим, ҳаммаси “хўп-хўп” деди, лекин биргина фотожурналист Даврон Аҳмад ваъдасида турди.

Чуқурсойга оқшом чўккан эди. Лекин каттакон спорт зали ҳам болаларга, ҳам ҳайқириқларга тўлганди. Бизларни кўргач, Нурхоннинг юзлари ёришди-ю... Бироқ мени секин чеккага имлаб, сочлари елкасига тушган, узун мўйловли Даврон Аҳмадга ишора қилди: “Ишқилиб аппаратининг плёнкаси борми! Ҳеч суратчига ўхшамаяпти...”

...Бирдан ўзи билан бўлган илк ҳангомани эслатдим.

Биринчи танишувимиз қизиқ бўлган. Исмоил ака қўнғироқ қилиб “бир йигит боради, гаплашинлар, менам спортни унча тушунмайман. Қаршидан Исроил укам (машҳур полков — муаллиф) айтувди, бўладиган бола, деб. У синчи, назари ўтқир».

“Туркистон”дан Сирожиддин Рауфниям чақирдим. Пастга тушдик. Таҳририятлар биносининг узун йўлагига бир озгин йигит у ёқдан бу ёққа қараб сабрсиз юриб-қайтиб келарди. Бир оз кузатдик. Охири Сирожиддин тўхтатиб сўради. “Нурхон сизмисиз” У кулимсираб бош силкиди. Сўнг...

Эртаси куни учрашмоққа келишиб хайрлашдик. Сирожиддин бўлса мени гурғиб “Муңча озгин бу бола, ҳеч қаратэчига ўхшамаяпти” деди қулиб.

Ўша куни шу воқеани эслаб кулдик. Нурхон қўл ташлади: “Биру бир!”

Орадан уч кун ўтиб икки-уч газетда Нурхон шогирдларининг суратлари эълон қилинди. У бўлса ҳазил аралаш “ишондим, яхши суратчи экан...” деб қўйди.

...Кўп ўтмай, 1994 йили Нурхон Малайзияга жаҳон чемпионатига жунаб кетди. Ёнида устози Хўжамқул Хўжакулов ҳам бор эди. Кутиб олишга чиқдик. Елкасида сумка, қулида муштини тугиб, бир оёғини кўтариб турган каратэчининг қоп-қора рамзий ҳайкалчаси бор эди. Кўришган заҳотиёқ сўрадим: “Нечанчи ўрин тегди?” Одатий кулгусини яширмай жавоб берди: “Кучли ўнлик-ка кирдик. Ўрин... Ҳали вақт бор, ака!”

**ВАҚТ** эса олий ҳакамлигини исботлади. Бу орада Ўзбекистонда илк марта Каратэ миллий федерацияси тузилди... Энди эса турт тарафида сурагчиям, мухбир ҳам кўп. Ҳар ҳафта Нурхоннинг ўзи, ўзидан кўпроқ шогирдлари — чемпионлар матбуот саҳифалари-ю радио-телевидениедан тушмай қолди. Ушбу суҳбат-мақола ҳам ўн йилликнинг бир сарҳисобига ўхшайди.





## “БИТТА МУШТ БЎЛСАК ХЕЧ ҚАЧОН ЕНГИЛМАЙМИЗ!”

*1965 йилда таваллуд топган. Урта мактабни тугатгач, Ҳарбий-денгиз флотида хизмат қилган.*

*1993 йили ТошДУни битирган.*

*1992-1994 йиллари Тошкент шаҳар “Шарқ” халқаро каратэ клубини бошқарган.*

*1994-1996 йиллари Тошкент шаҳар каратэ федерацияси раиси бўлиб ишлаган.*

*1996 йилдан бошлаб республика каратэ миллий федерацияси президенти. (Осиё каратэ федерацияси раислигига номзодлардан бири.*

*Отаси — Зиёд ҳожи Нафасов — 75 ёшда.*

*Онаси — Хосият мома кексалик гаштини сурмоқда.*

*Ошалди, 2 фарланднинг отаси.*

...Миллион ҳайрату ҳаяжон, миллионлаб қувончу ташвишга ҳўмилиб яшаётган улкан Тошкентнинг бир чеккасида, тўғрироғи, Чуқурсойда ғаройиб маскан бор. Бу даргоҳда вақт чегараланмаган. Тонг саҳардан ярим тунгача болакайларнинг қийқириқлари тинмайди. Бу ерга олис Қорақалпоғистондан ёки Сурхону Андижондан турли миллат вакиллари ташриф буюрадилар. Ҳар фаслда дунёнинг тўрт бурчидан, Эрон ва Туркиядан, Кунчиқар мамлакати бўлмиш Япониядан ҳам меҳмонлар келишади. Ёки бўлмаса, халқимизнинг маишур ҳофизлари-ю, манаман деган спортчиларини, хуллас, ўғил-қизларини етаклаган юзлаб ота-оналарни кўрасиз.

2000 йилнинг ўнинчи январ куни республика каратэ миллий федерацияси уч ёшта тўлди. Ўтган бу уч йил осон кечмади. Қанча заҳмату азоблар, тортишув ва мунозаралар, ғалаба ва мағлубиятлар бўлди.

Федерация тузилган куни янги сайланган президент шаънига айтилган кутловлар ва тилаклардан ташқари истеҳзо аралаш айтилган қуйидаги сўзлар ҳамон эсимда: “Миллий федерация дегани билан Тошкентдан пари утармикан?..”

Қисқагина давр орасида худди ана шу миллий федерация нафақат МДҲ давлатларини, балки Осиё ва Европани, ҳатто дунёни лол қолдирди, десам лоф бўлмайди.

Федерациянинг уч йиллик тарихини кўздан кечиринг:

Каратэ бўйича ўн марта мамлакат чемпионати, ёшлар ва катталар ўртасида 8 марта Ўзбекистон кубоғи, “Наврўз-97”, “Наврўз-

98" халқаро турнирлари ўтказилди. Шунингдек, ўнлаб хорижий сарфарлардаги сўнгсиз ғалабалар қўли киритилди. Қувончлар, кўз ёшлар, иштироблар... Ва яна...

Ўзбекистон қаратэ миллий федерацияси президенти, VI ДАН "қора белбоғ" соҳиби, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози" Нурхон Нафасов мақтанишни хуш кўрмайди. Ўзидан каттами-кичикми, барибир "ака" дея мутозамат қилишни ва доимо спортчиларга кўнам хос бўлмаган ўзбекона тавоже ила қўли кўксига бўлган бу камтарин инсон билан суҳбатлашиш, дардлашиш ҳам осон, ҳам мушкул. Нега десангиз, Нурхон қовоғга уч-тўрт саволни зўрма-зўраки қоралаб берадиган мухбирлар билан "тил топишолмайди".

— Ака, хафа бўлмайсизми, бир гап айтсам, — деб сўз бошлади Нурхон кутилмаганда. — Айрим журналистлар мендан "Чок Норрис, Жеки Чан ёки бўлмаса Брюс Лига муносабатингиз қандай?" — деб кўп сўрашади. Тўғри, мен уларнинг қарагэ спортида эришган буюк муваффақиятларини таи оламан ва ўз дунёларида қаратэнинг чексиз сирларини очганликларини эътироф этаман. Ва, табиийки, уларнинг яна бошқа бир санъати, яъни кинодаги ғалабаларини ҳеч қачон спортдаги ғалабаларига аралаштириб юбормаслик кераклигини айтаман. Бу кўтчиликка ёқмайди. Негаки, спорт бошқа, кино бошқа-да. Шунинг учун сиз ҳам мендан "шаблон" саволларга жавоб беришимни сўрамасангиз...

— Нурхон, мен "ур-сур" киноларини унчалик хушламайман. Билмадям, балки табиатим шундайдыр. Лекин оддийгина кураш майдопиди ҳақиқий, ҳалол усул ишлатиб, рақибининг яқин елкасини ерга теккизган нолвонини кўрсам ёки сизни мусобақаларда кузатганимда, шогирдингиз зўр усул билан "нишон"га урганида қувончдан елкасига қарсиллатиб уриб "Балли!" деганингизни кузатганимда беихтиёр юрагим зирқираб кетган. Энди айтсангиз, кейинги йилларда федерацияда президент бўлиб ишлаб кўпроқ қувондингизми ёки ўқиндингизми?

— Тўғрисини айтайми? Мени шу уч-тўрт йил ичида ундан аввалги умрим бўйи кўрмаган кунларни кўрдим. Бу яхши маънода. Ўзингиз айтинг, бир оддий ўзбек боласининг бундан саккиз-тўққиз йил бурун ўнлаб давлатларга бориб-келигини тасаввур қилиш мумкинмиди? Мен бирма-бир санайман, сиз ёзаверинг энди: 1997-1999 йиллар ичида Туркия ва Францияга Босфор кубогида, Жанубий Африка Республикаси, Малайзия ва Италияда ўтказилган жаҳон чемпиононаларида, Англия очик чемпионатида, Бразилияда катталар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида, Венгрияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон кубогида, Австралияда утган халқаро Гран при турнирида ўзбекистонлик қаратэчилар эришган муваф-

фақиятлар катта бўлди. Ёки Макаода ўтказилган Осиё чемпионатида бизнинг вакилларимиз Азамат Али Қаландаров ҳамда Баҳодир Исмаиловлар оғир вазн тоифаларида бронза медаллар соҳиб бўлиб, мамлакатимиз каратэ спорти тарихида биринчи марта халқаро тоифадаги спорт устаси деган шарафли номга лойиқ кўрилди. Булар осонликча қўлга киритилмади. Юқорида мен сизга санаган ҳар бир беллашувда неча бор осмонга чиқдим, неча бор бошим эгилди. Бу ёлғиз Яратганга аён.

Аммо оддий бир ҳақиқатни айтишим керак: бизнинг йигитларимиз дунёнинг қайси бир бурчагида татами (гилам)га чиқишса, ортларида миллионлаб ўзбекистонлик ҳамюртларининг иссиқ нафасларини ҳис қилиб туришди. Табиийки, агар ОЗОДЛИК бўлмаганида, мени-ку, қўйинг, боламнинг боласиям Тошкентдан нарини кўролмасди.

— 1999 йилнинг кузи эди шекилли, Тошкентта япон каратэ усталари келибди, деб эшитдим. Кўпинча ақсарият мухлислар каратэнинг Ватани Япония деб гўшунадилар. Лекин айнан японлар бизнинг ўзбеклар эришаётган галабаларни қандай ҳазм қилишяпти?

— Улар ажабланишмайди, қайтанга бошлари осмонга етади. Чунки қайси спорт тури қаерда бўлмасин, гуркираб кетса, яхши-ку! Мана, ўзимизнинг миллий курашимиз бутун дунё мамлакатларида тан олинди. Ҳатто ўзимизнинг полдонларниям доғда қолдиришяпти. Бундан ҳеч ўксинмаслик, аксинча суюниш керак. Жаҳон каратэ федерациясининг қароргоҳи Испанияда жойлашган. Президенти — испаниялик Эспиноза. Шу нуфузли Федерация каратэ спорти энди ривожланаётган мамлакатларга ўз мутахассисларини муттасил юборади. Жумладан, бизнинг Ўзбекистонга ҳам вакиллар келишяпти. Аввал Эрон ва Туркиядан ҳам мутахассислар келиб, семинар машғулотлари ўтказиб кетишди. Уларнинг ўз оғизларидан эшитган бир гапни айтишим керак: яъни Жаҳон каратэ федерацияси ўз вакилларини Осиёгами ёки Европанинг бирон мамлакатига юбормоқчи бўлишса, зўрға кўндиришар экан. Лекин Ўзбекистонга дейишса, бирдан жон-жон деб рози бўлишар экан. Мен атайлаб сўрадим улардан: нимага энди бунчалик қизиқишяпти, деб. Улар сизларда каратэга давлат миқёсида эътибор берилар экан. Сизнинг йигитларингиз каратэни санъат даражасида эътиборлагани учун Ўзбекистонга интилишяпти, деб очиқ эътироф этди.

— Бизнинг миллий федерациямиз Жаҳон каратэ федерацияси томонидан ўтказиладиган чемпионатлар ва ашжумаларда кузатувчи сифатида иштирок этадими ёки тўлақонли аъзо сифатидами?

— Нималар деяпсиз? Биз бутунги кунда тўлақонли, ҳатто ҳал қилувчи овозга эга бўлган федерациялардан биримиз. Дунёнинг

қайси бир бурчагида мусобақа ёки чемпионат ўтказилса, 160 мамлакат қаторида бизга ҳам биринчилардан бўлиб хабар келади. “Биринчилардан” дея урғу бериб айтишимнинг сирини билсангиз керак. Чунки, бизнинг федерациямиз мана шу уч йил орасида ўтказилган энг нуфузли халқаро мусобақаларда 60 та олтин, 42 та кумуш, 47 та бронза медалларини қўлга киритганининг узи узбек каратэ мактаби шаклланаётганлигини билдиради. Шунингдек, Осиё каратэ федерацияси билан ҳам яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Насиб этса, каратэ бўйича 2001 йилда Осиё чемпионатини ўтказишга даввогарлардан бири бўлиб турибмиз. Айниқса карагэнинг Олимпия ўйинлари спорт турига киритилиши ҳамда 2004 йилда ўтказиладиган ўйинларда каратэчиларнинг ишгирик этиши бизнинг йигитларимизда катта умид уйғотмоқда.

— Шурҳон, яна битта «оғрик»ли савол берсам, 1997 йили миллий федерация тузилган куни эсланг. Ўшанда, балки Сиз ҳаяжондан сезмагадирсиз. Янги тузилган миллий федерациянинг Тошкентдан парига чиқишига айрим кишиларнинг кўзи етмаганди. Шундайлар буғун сизлар эришган муваффақиятларни кўриб энди қандай баҳо беришаркан?

— Ака, менинг бир содда фалсафам бор: у ҳам бўлса, ортимдан айтилган ҳар қандай иғво, фисқу-фасод гап-сўзларга қўл силтайман. Биласизми, ўшанда бундай пичинглари мен ҳам эшитганман. Аммо мушгимни тутиб қўйганман. Юрагимдан “кўрасизлар, мен каратэдан узбек йигитларини жаҳон чемпиони қиламан, ҳали Ўзбекистон байроғини баладд кўтариб, мадҳиямизни баралла куйлаймиз” деган ёруғ ниятлар қилувдим. Мана худога минг қатла шукурки, каратэдан жаҳон чемпионлари, Жаҳон кубоклари соҳиблари чиқди. 1998 йили Венгрияда Жаҳон кубоги мусобақаларида Ўзбекистон байроғи беш марта ҳилпираб, мадҳиямиз беш бора янграганида дунёга сиғмай кетдим, ака! Ёки Отабек Қосимов, Рипат Кутуев, Рустам Тошназаров, Азамат Қаландаров, ғалаба қилиб оғод Ватанимиз байроғини кўзларига суртиб ўпанларида менинг кўнглимдан кечган ҳаяжонларни қандай тасвирлайин? Ана шундай лаҳзаларда миллий федерациямизнинг келажагига шубҳа билдирганлар ҳам охири ган беришди...

— Сухбатимиз бошидан бери шунча мусобақа- чемпионатларини, кубок ва турнирларни санаб ўтгисиз-у, лекин менам кўнглимда бошқача ўйлар туғилаяпти: яъни пунча сафарларга бориб келиш ва турнирлар ўтказиш осон кечмагандир? Биргина федерациянинг чўнтаги билан иш битмасе керак?

— Очиғини айтиб қўяй: федерация ҳеч қандай тижорат ишлари билан шуғулланмайди. Бизда ишловчилар сони 7 киши десам, балки ишонмасиз. Аммо ҳақиқатан ҳам шундай. Бизни биридги навбатда

давлатимиз қуллаб-қувватляпти. Қолаверса, республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси яқиндан ёрдам берапти. Яна бир томонда катта кўмакчиларимиз — спортчиларимизнинг ота-оналари бор! Ҳар қандай қувончли кунларни, байрам тантаналарини ўтказишда шулар бизга елкадош.

— Агар сир бўлмаса, айтсангиз, бугунги кунда Ўзбекистонда қанча қаратэчи бор?

— Эллик мингдан кўпроқ. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда ҳар бир вилоятда федерациямизнинг минг-минглаб аъзолари бор. Шу суҳбат баҳонасида яна бир сирни айтиб қўяй: Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биз илк бор Тошкентда “Қаратэ” ихтисослашган профессионал марказини очдик. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ўнга яқин клубларимиз фаолият кўрсатаяпти.

— Сизлар болаларни неча ёшдан аъзоликка қабул қиласизлар?

— Қабул қилинувчиларнинг ёшлари чекланмаган. Шартли қилиб айтадиган бўлсак, 5 ёшдан шуғулланишни бошласа бўлади.

— Беш ёшли бола қийналиб қомайдами?

— Аксинча чиниқади. Мана, беш-олти яшар болакайларимни кузатинг. Ҳайрон қоласиз. Мен юқорида қаратэчиларимиз 50 мингдан ортиқ, дедим. Бу — ҳали жуда оз. Масалан, японларда ўн миллион одам қаратэ билан шуғулланади. Бу кўрсаткични улар оз дейишади. Фидойиликни кўрдингизми?

— Ўслаб хорижий давлатларга шоғирдларингиз билан бориб-келаяпсиз. Эшитишимизча, сизлар бу сафарларга таржимонсиз кетаркансизлар. Чет элликлар билан қандай тил топишасизлар?

— Дунёда иккита нарсанинг қувонч ва изтиробини ҳеч қандай таржимасиз тушуниш мумкин: бу — Санъат ва Спорт. Бизлар кўп сафарларда юрганимизда кўпинча ўша жойдаги таржимонлар ёрдам беришади. Лекин менинг ўзим ҳам, спортчиларим ҳам бемалол инглиз тилида мулоқот қила оламиз. Нега десангиз, ишимнинг ўзи тил билишимни тақозо қилади, керак бўлса, баъзан тортишувларга ҳам аралашаман. Ноҳақлик бўлса, таржимонни излаб ўтираманми?

— Нурхон, озодингизнинг ўп йиллиги нишонланаётган иккиччи миля йилликдан қандай умидларингиз бор?

— Ака, мен башоратчи эмасман, бир оддий спортчиман, хос. Ҳар доим ёруғ ният қиламан. Юртимиз тинч бўлсин. Юртбошимиз келажаги буюк мамлакатимизни нурли манзиллар сари етаклаб бораптилар. Хуллас, улуғ манзилларни кўзлаб яшаяпмиз. Ана шу манзиллар ёруғ бўлсин. Энг муҳими, халқимиз омон бўлсин! Биз, спортчилар тили билан айтганда, битта мушт бўлолсак, ҳеч қачон енгилмаймиз!

Нурхон Нафасов суҳбатимиз сўнгида камтарона самимий кулгу аралаш “Сиз билан фақат каратэ ҳақида гаплашибмиз-у, бу ёқда ўзимизга бағишлаб ёзилган бир шеърни айтишни унутибман-да”, — деди хижолатомуз. Дилбар ва дардкаш шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг ўзбек каратэчиларининг мустақиллик йиллари қўлга киритган дунёвий ғалабаларидан тўлқинланиб битган “Нозик санъат” деб номланган шеърдан айрим сатрларни суҳбатимиз сўнгида келтирсак:

Билмаганга бир эрмак, бир лаззат эрур,  
Бу меҳнатдир, бондан оёқ захмат эрур,  
Сабру бардош, куч-гайрат ҳам қудратдир бу,  
Ўйлаб курсанг, жуда нозик санъатдир бу.  
Демак, бу иш ёмонлардан қолган эмас,  
Биздав чиққан, ёшовлардан қолган эмас.  
Бу гапларни менга Нурхон айтиб берди,  
Сўнг Хўжамкул, сўнгра Бурҳон айтиб берди.  
Унгай дилда эрк ва умид куртаклари  
Кўрсанг қатор оқ чалвор, оқ ятаклари.  
Уч юз бола бирданга ҳайқирса гар,  
Вужудингдав кўтарилган бор губор, гард...

*2000 йил*

## ПОЛВОН ЮЛДУЗ САНАМАСИН

Сиз билан биз юлдузларни яхши кўрамиз. Гоҳо тувларни эринмай саваймиз-да, улар орасидан «ўзимиз»ни излаймиз. Ногоҳ учиб кетганига кузимиз тушса... тескари ўгирилиб “туф-туф” лаб кўямиз. Полвон халқи эса уларни хуш кўрмайди. Нега дейсизми?

\* \* \*

“Ўн йиллар аввал Чироқчида бир тўй бўлди. Одам чумолидай айланади. Кечгача мана-ман деган ҳофизу яллачилар давра қизитди. Ҳуфтондан сўнг олиш-кураш бошланди. Баковуллар тўрт тарафга қараб ҳанқиради: “Ҳалоллаб олишасан. Икки елканг тегмаса бекор. Мени олдимга тарафкашлик қилиб келма. Фирромга зот йўқ”.

Полвонлар каттариб бораяпти дег. Энди шивир-шивир бошланди: “Мавдон полвон келганмиш. Э, анави мопинда Саиднаби билан Нормамат полвон олишни жим кузатиб ўтирибди. Сурхондан Жаббор полвон билан Холгўра ҳам бор эмиш. Биринчи товоқни ким оларкин-а?” Ҳамма безовта.

Хуллас, курашнинг зўри ҳеч тугамайди-да. Юрагингни ҳовучлаб ўтирасанки, баковул чоллардан фотиха сўрамасин деб. Тонгга яқин товоқлар тақсимланди. Биринчисига машина, иккинчисига “Урал” мотопикли, учинчисига туя қўйилди. Ҳеч кўринмаган полвонлар чиқиб келди. Менам ўтирибман умидвор бўлиб. Биринчи ва иккинчи товоқни олганларни биламан. Тараф йўқ. Учинчисини... таниёлмадим. Тавакал дедиму сакраб баковулнинг олдига бордим. Даврабоши таниди, “ҳалиги мастер спортни чархпалак қилдинг, етар энди, олган кўчқорингни оғайниларинг билан уч кун ётиб ейсан. Кейинги олишгача худо пошша” деди у секин. Бош силкидим. “Қайси бирига чиқасан?” сўрашди. “Фарқи йўқ” деб юборибман. “Гурр” этиб кулгу кўтарилди. Шу десангиз ортимдан биров “қайсиниси бўлсаям чиқавер, йиқитасан” деб нуқиб тургандай туюлаверди.

Қўл ушлашдик. Рақибим бўлса нуқул кўзимга термулади. Мен унинг оёқ босишини кузатаман. Оломонга барибир, мени унча танимайди, униям. Уч қўл олишдик. Тўртинчи қафасда у четлагандай бўлди. Яна айландик. Ҳамма жим. Биринчи билан иккинчи товоқ полвонлар қараб турибди. Бир пайт... тирсагимни ушлаганини биламан. Силтандим. Қўлим чиқмади. Туриши пай, қора куч экан зангарнинг... Кейин... Икки кўзимдан юлдузлар чиқиб кетди. Кўзимни очдим. Сув тутқазишди. “Нима бўлди, ким йиқитди?” дедим...

Шу-шу бўлди-ю, даврага қайтиб кирмадим. Осмонга ҳозирам қаролмайман...”

Бу бир пайтлар унча-мунча давраларни тан олмаган полвоннинг аламли ҳикояси. У бутун ҳам кураш-кўпкарилардан қолмайди. Завқи келса бақриб ҳам қўяди. У бир гал қувониб гапириб қолди: “Бизнинг замонда зўр полвонлар қўп эди. Лекин давлат эътибор қилмасди. Ҳайрон қолардим, бу катта-катта чемпионат-мусобақаларга бошқа миллат вакиллари қатнашарди. Мана, ҳозир энди йўллар очилди. Эшитиб, кўриб суюниб ўтираман. Абдуқодир, Эралли, Рустаму Ўрол, Бахрому Муҳаммадўстларга ҳавасим келади. Айниқса, Президентимизнинг шахсан ўзи махсус соврин қўйиб, бир йилда икки марта энг нуфузли мусобақалар ҳам ўтказаяпти. Термиз ва Шаҳрисабзда ўтган мусобақаларни кўриб ҳайрага тушдим. Бор экан-ку, бизнинг ҳам полвонлар деб гурурланаман”.

Сирларёда Шерали полвон дегани бор. Ҳамма танийди уни. Унинг ҳам билмаган, танимаган одами йўқ. Кўпчилик уни машҳур журналист Сафар Остоннинг укаси деб юради. Қайси бир ҳофиз бўлсан ё машҳур тижоратчими, шоир-ёзувчиними, Тошкентга келса, йўқлаб кетади. Пойтахтга келган кунидек, аввал машҳур Сайилтоҳ кўчасини бир айланиб чиқади. Ҳайқириб-ҳайқириб девдай қомати билан таниса-танимаса одамларни кучоқлаб кўришиб, ўзбекнинг полвонларини мақтагани-мақтаган. “Ўзингиз кимга талабгорсиз?” — ҳазиллашиб сўраймиз. Шарақлаб кулади-да “Мен Фарғонача тушаман. Белбоғи бўлса бас. Ким бор?” деб қўяди.

Ана шундай лаҳзаларда халқимизнинг полвонлари кўпчилигидан бошимиз осмонга етади. Ёки водийлик машҳур Турсун Али Муҳаммад полвоннинг Тошкент бозорларида тош ўйнатиб, тишлари билан оғир-оғир машиналарни тортаётган фарзандларига таҳсинлар ўқиймиз.

Ўзбекнинг қайси бир полвони даврага йиғилса, ўша жойда раҳматлик Хушвақт Рўзиқулов ёки ҳозирги кунда ҳам миллий спортимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган Сайфиддин Ҳодиев, Собир Қурбонов, Комил Юсупов ва яна ўнлаб номдор полвонлар номлари тилга олинади.

Ва шунда... Яна йигирма йиллар ортга қайтиб, ўзбек миллий адабиётининг забардаст адибларидан бири Тоғай Муроднинг умрида юлдуз санамаган полвонларига кулоқ тутамиз: “Бўри полвон ўзи билан гаплашар эди: “Биз полвошлик мактабида ўқимадик. Полвошлик бизга ота мерос, пуштдан-пуштга, қондан-қонга ўтиб келяпти. Полвошликнинг кўзга кўринмас, тил билан тушунтириб бўлмайдиган шундай сирлари борки, буни фақат томирида полвошлик қони борларгина билади. Биз биламиз. Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ. Мана, менинг ўзим. Сурхон воҳасида мендан йиқилмаган



полвоннинг ўзи йўқ. Ўша мактаб кўрган спорт мастерлариям яғримдан ошиб кетган.

Халқ пямаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ! Кўпчилигини бировлар... бировлар... бировлар ўзипики қилиб олди. Биз қулимизни бурнимизга тикиб қолдик. Шундай кетаберсак ҳадемай ўзимизиям бой бериб қўямиз. Уёғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқити деб йўқ қилдик».

Хайрият, халқ ўлмас экан, миллат ўлмас экан. Ўзининг минг йиллик боқий удумларини, анъаналарини сақлаб қола олди. Бу ҳақиқат ОЗОДЛИК замонида яна бир бор ўз исботини топди.

Тўқсонинчи йиллардан кейин, тўғрироғи, истиқлол туфайли ўзбек миллий спортида кескин ўзгариш сезилди. Энг қувончлиси, миллий курашимизнинг бир поғона юксақликка кўтарилишида полвонларимизнинг алоҳида ўрни бор. Шу ўринда муболағасиз айтиш мумкин, Абдуқодир Пирматов ҳам бир неча йил катта давраларни титратгани рост. Ҳозир эса...

Унинг курашларини тўйларда ҳам, расмий беллашувларда ҳам кўп кузатганман. Қувончли ва аламли кунларига-да гувоҳман. У руҳий жиҳатдан ниҳоятда тетик ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқара олиш қобилиятига эга полвон.

У билан ҳар гал гурунглапсак, доим мени бир савол қийнайверади: “Ўзингизнинг юлдузли дамларингиз ўтди деб ҳисоблайсизми?” У бир зум оғир ўйга толади. Биламан, унинг хаёлидан нималар кечаётганини. Полвоннинг ҳаёти тарозута ўхшайди. Бир тарафи муваффақият, бир тарафи мағлубият. У ўрғада мувозанатни кўп марта сақлаб турган ҳам. Лекин...

\* \* \*

“Аслида Тоғай Мурод билиб ёзган. Унинг ўзиям полвон ўтган шекилли. Бўлмаса бизнинг ҳаётимизни бунчалар чуқур ёзолмасди. Шунинг учун ҳам охир оқибат “Юлдузлар мангу ёнади” дея хулосага келган.

Дарвоқе, полвоннинг юлдузи бир марта чарақлаб ёнади. Мен ўзимни юлдузи сўнган деб ҳисобламайман. У ёниб турибди. Ва ёнимда Эралининг ҳам, Баҳром, Рустамларнинг ҳам юлдузлари нур сочаяпти. Барибир бир ҳақиқатга тан бераман: бугун Эрали ва Баҳромнинг куни туғадиган лаҳзалар келди. Чунки ёш барибир ёш-да. Улар айни қирчиллаган паллада. 22-25 ёш энг кучга тўлган, бетакрор давр. Шу пайтда кучни бой бермаслик керак”.

Яна полвоннинг дардини кўзгайман:

— Шулар орасида қайси бири сизнинг ҳақиқий рақибингиз?

Унинг юзида самимият уйғонади. Ҳазилнамо оҳангда гап бошлайди:

— Одамларни тушунмайман. Қасрга борсам рақибларинг билан қандайсан? — деб сўрайди. Ҳам кулгим келади, ҳам аламим. Негаки, уларнинг бирортасиям менга рақиб эмас. Даврадош, қолаверса, елкадош тенгқурларим. Майли, даврада ҳар хил гап-сўзлар кечади. Кейин-чи? Уларнинг бариси менга майдонда чап келган. Аммо кураш сенинг ўнгу-сўлингни танлаб ўтирармиди? Кучингни кўрсатишинг керак.

— Бир полвон сифатида зўлнинг-чи, мусобақаларда қатнашадиган гап ҳакамлардан кўнглингиз тўладими?

Абдуқодир ўйланиб қолди. Сўнг секингина:

— Инсофдиллари кўп. Шундай бўлса-да айтайин, биз бундай беллашувларга чет эллардан меҳмонларни таклиф қиляпмиз. Ҳеч бўлмаса, грузиялик ҳакамлардан тажриба ўрганайлик. Улар жуда ҳалол баҳолашади. Тарафкашлик қилишмайди.

— Полвон полвонга тан берса, мард ҳисобланади...

— Ишорангизни тушундим. Менми, Эралидаги кучга, Баҳромдаги илмга, Муҳаммадлўстаги тиришқоқликка, Рустамдаги тезкорликка тан бераман. Яна Косонда Бахтиёр полвон бор. Ҳали ёш. Ҳеч кимдан чўчимайди. Юраги катта-да унинг. Ҳазиллашиб “ўзимизнинг Тайсон” деб қўямиз. Тўлқин, Яшин, Шерали, Баҳодир, Исоқлар ҳам яхши курашяпти. Бухоролик Шухрат Хўжаев келажаги куладиган полвон. Э, бизнинг зўр полвонларимиз беҳисоб...

“Балли, полвон, балли! Менинг қўлим эмас, Ҳазрати Алланинг қўли, деб олиш! Ҳазрагга Али полвонларнинг пирини, ҳа! Полвон, пиринини ҳаминиша ёд эт, мадад беради!”

Азизлар, қани ният қилинг: ҳеч бир полвон юлдуз санамасин!

1997 йил

## БЎЛАР ЭЛНИНГ БОЛАЛАРИ

*Тўйда ўтирувдик. Элнинг эрка адилларидан бири Эркин Аъзам секин шивирлади: “Бу Сурхонга Алломишни излаб келдим, деб эдингиз. Бир эмас, беш алли вояга етказган одам билан таништирайми? Тўғримизда ўтирган девқомат кишига эътибор беринг...”*

*Термизлик Абдуҷаббор ака Ҳасанов билан шундай танишдик. Жуда камгап ва камсуқум бу инсон мақтанмади. Айтган гапи шу бўлди: “Эл қатори болаларни ўстираяпмиз”.*

## АРТУР ГРИГОРЯН ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ ЎПАЁТГАНДА... ЙИҒЛАГАН АЁЛ

— Дадаси, хув, ўшанда йиғлаганимни айтиб берайинми?  
Абдужаббор ака ерга қаради. Сўнг оҳиста “ўзинг биласан” деб қўйди. Опа шундай ҳикоя қилди:

— Телевизор кўраётган эдим. Бир маҳал Артурни кўрсагишди. У тиз чўкиб Ўзбекистонимиз байроғини ўпаётган экан. Ғалати бўлиб кетдим. Йиғлаб юборганимни билмай қолдим. Бир маҳал дадаси ҳовлидан ичкарига шошилиб кириб келди. “Ҳа, нима гап, нега йиғлаяпсан?” Тилим айланмайди. Нуқул “менинг болаларим ҳам байроқ кўтарармикан?” дейман. Сўнг телевизордаги манзарани айтиб бердим. У киши босиқ оҳангда “яхши ният қил, насиб этса, кўрасан, кўтаради ҳали”, деди. Орадан кўп ўтмади...

Ойчучук опа ўша кунни уй юмушлари билан банд эди. Бир пайт телефон жиринглади. Уртанча ўғли Баҳром экан. Ундан “Онажон, суюнчи беринг, Ботирингиз чемпион бўлди” деган хабарни эшитиб, қулоқларига ишонмади. Она-да, сўраган гапи “сафарга кетгунича озгина лат еди деб эшитгандим, ишқилиб тузалиб кетибдими” бўлди. Баҳром бўлса ҳайрон. Кейин опа бошқа таъшишлар билан қўшниларникига чиқиб кетди. Ортидан кичкинтойи Хусанбой югуриб борди. “Она, эшитдингизми, Ботир акам самбодан чемпион бўлибди” десаям, қўшниларнинг олдида сездирмади. Кечқурун Ботирнинг ўзи сим қоқди. “Биринчи ўринни олдим” деса, опа “у ҳар доим биринчи ўринни оларди, шунинг учун мен яна шундай воқеа экан-да, деб ўйлабман”, — дейди соддалик билан. Эртаси кунни Термиз аэропортида Ботирни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Ойчучук опа Ботирни кучоқлаб йиғлади. “Болажоним, Ўзбекистон байроғини сенам баланд кўтардингми, Артурга ўхшаб ўқдингми? Балли, қани қўлларингни кўрсат-чи, ҳеч нарса қилмаганми?” дея ҳаяжон ичра сўрарди.

Бу — Ойчучук опанинг бир умрлик армони ушалган кун эди. Чунки болалари уйда йиғилиб қолса, кўнглини ёрарди: “Бешаланг ҳам ҳеч кимдан кам жойинг йўқ. Тўй бўладими, томоша бўладими, ҳамма мендан сўрайди. Болаларингиз бирон соврин опкелишдими, деб. Менга сенларнинг омонликларинг керак. Қайда бўлсаларинг ҳам юзимизни ерга қаратманглар”.

### “ЎҒЛИМ ОЛИМПИА ЧЕМПИОНИ БЎЛСА, УЙЛАНТИРАМАН”

Абдужаббор акадан шу ҳақда сўрадим: “Ишқилиб, бу гапни қизик устида айтиб юбормоддингизми?”. У киши бош силқиди.

“Йўқ, қатъий сўз бу. Ботирнинг ўзиям рози”. Сўнг ўз явлод-аждо-лари ҳамда 1993 йили самбо бўйича Омскда ўтказилган жаҳон чемпионатида ўғиллари Баҳодир, Баҳром ва Ботирларнинг қандай совриндор бўлганликларини айтиб берди.

— Сурхондарёда ҳам жуда кўп кураш-мусобақаларда болаларим даврага тушса, чеккароқдан кузатиб гураман. Енгадими, енгиладими, давра тарқалгандан кейин уларнинг олдига бораман. Кўпинча, ҳар хил одамлар бор-да, даврада полвонлар ё баковуллар фирромлик қилишса, мени туртишади. “Қарамайсизми, сизам анов полвоннинг тарафкашларига ўхшаб аралашсангиз-чи” деб танбеҳ беришади. Мен эса қўл силтайман. “Кўйинглар, менинг авлодимда фирромлик билан олишадиган полвон ва улоқ чопадиган чавандоз ўтмаган”. Ўзимам от чопганман. Бобомни Ота чопаров дейишган. Отамнинг акаси Соқи полвон 96 ёшда. Ҳозир ҳам мендан гоҳо сўраб қўяди: “Абдужаббор, болаларинг ҳалол олиш-яптими?”.

Энди Омскдаги мусобақани бир эслайин. Уч ўғлим даврада. Одамни ҳаяжон босар экан. Чеккада томоша қилиб ўтирибман. Ўртага тушгунларича елкаларига қоқиб “ўғилларим, Ўзбекистондан яхши ният билан келганмиз. Ишончли оқланглар”, дедим. Чемпионат яқунланаяпти. Учаласи ўз вазн тоифалари бўйича совриндор бўлишди. Уч марта Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, уч бора мадҳиямиз янгради. Уларга ҳайбатли спорт саройининг тўрида мукофотлар топшириляётганда... юрагим ҳанқариб кетди. Кўзларимга қандай ёш тўлганини билмай қолдим. Сўнг Жаҳон самбо федерациясининг президенти мени даврага чорлади. Таржимон унинг сўзларини менга айтиб турди: “Сиз энг бахтли отасиз. Ҳали дунё самбо спорти тарихида бир оиладан уч ака-ука совриндор бўлмаган. Ўзбекистонда шундай оталар ва болалар бор экан”.

Менгаям махсус соврин топширишди. Тўғриси, у ёқда фарзандларим медал олади деб ўйламовдим. Энг муҳими, уларнинг жаҳон чемпионатида қатнашиши катта бахт эди.

## БЕШ ПОЛВОН ҲАҚИДА БЕШ ОҒИЗ СЎЗ

1. БАҲОДИР — 28 ёшда. Халқаро тоифадаги спорт устаси, б-синфдан бошлаб кураш билан шуғулланган. Самбо бўйича республика чемпиони. 1993 йили Осиё чемпионатининг совриндори бўлган. 1992 йили дзюдо бўйича Францияда ўтказилган очик чемпионатда МДХ терма командаси таркибиде 100 кг. вазн тоифасида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган. Нияти — Осиё ўйинларида қатнашиш.

2. **БАҲРОМ** — 24 ёшда. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Самбо бўйича 1993 йили ўтказилган республика биринчилигида чемпион бўлган. 1993 йили Омскда ўтказилган жаҳон чемпионати совриндори ( 90 кг).

3. **БОТИР** — 22 ёшда. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Уч карра Осиё чемпиони (1993 — Алмати, 1994 — Красноярск, 1995 — Бишкек). 1997 йили самбо бўйича Ақтубинск (ҳозирги Остона шаҳри)да ўтказилган жаҳон биринчилигида чемпион бўлган (140 кг.). Устозлари — Рузи Ўтаев ва Владимир Питаев.

4. **БОБИР** — 19 ёшда. Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган (90 кг.). Плеханов номидаги академия талабаси.

5. **ҲУСАН** — 14 ёшда. Сурхондарё вилоят мактаблари ўртасида ўтказилган биринчилик голиби ( 100 кг.).

## ПОЛВОНЛАРНИ ҒУРУР КЎТАРАДИ

### *Ойчучук ошанинг ҳикояси:*

— Бир куни Ботир кўчадан мунгайиб кириб келди. Кимдир гапирибди: “Сени жаҳон чемпиони бўлибди, деб эшитдик. Тошкентда шов-шув хабарлар тарқалибди. Термизда эса кўпчилик билмадиям”. Ўша кунлари у негадир ғалати кайфиятда юрди. Ёнимга чорладим. Отаси ҳам бор эди. Бир гап айтаман, ўғлим, эсингдан чиқмасин. Ҳеч қачон ўксинма. Майли, Сурхондарёда билишмаса ҳам, вилоят спортининг мутасаддилари келиб бир оғиз табриклаб кетишга имкон тополмаса ҳам, бутун дунёда донинг таралди. Мана, мени айтди дерсан, ҳали кўрасан, сени ўзлари йўқлаб келишади, дедим. Яхши гапимга фаришталар “омин” деган экан. Тошкентдан Питаев деган хизмат кўрсатган тренер уйимизга Ботирни сўроқлаб келди.

### *Абдужаббор аканинг гаплари:*

— Омскда совриндор бўлгандан сўнг ота-болалар Тошкентга қайтаётсак... Уч-тўрт тренер ва шаҳар раҳбарларидан бирови келиб самимий табриклади. Кейин уларнинг бирови мени ёнига имлаб чақирди. Бордим. Ботирга ишора қилди. “Бизда қолиб шугулланса, нима дейсиз? Уй-жой, машина...” Бошқа гапни эшитмадим. Бош силкидим. Тўғриси, орим келди, ғурурим кўзиди. Очиқчасига айтдим ҳам: “Оғайни, мана учовиниям чақираман. Сўрайсан. Қани, қайси бири қолар экан? Қололмайди. Чунки уларнинг ортида Ўзбекистон деган давлат бор. Уларнинг нияти битта: у ҳам бўлса, ана шу мамлакат шон-шарафини ҳимоя қилиш, байроғини кўтаришдир!”

... Барибир ҳайрон бўласан, киши. Беш нафар алп келбатли полвонларни тарбиялаш, вояга етказиш, қолаверса, эл-улусга таништириш осонми? Чунки ўзидан ортмаётган инсоннинг турли шаҳарларда ўғиллари изидан бориб, бир чеккада уларнинг қураш гушаётганини томоша қилганда туйган завқини, ҳаяжонини бизлар тушуна олармиканмиз? Ёки... мунис она муборак Ҳаж сафарига борганида Яратгандан аввало ўз элига, озод мамлакатига тинчлик ва осойишталигу, шу юрт гурурини кўтаришга уринаётган полвон ўғилларига омонлик, тани-сиҳатлик тилаганини эшитганингда кўнглинг тоғдай кўтарилиб кетади-да, ахир! Ўзбекистон байроғини ўлиб, юз-кўзларига суртмоқни орзу қилган шундай ўғлонлар бор экан, бу мамлакат обод бўлажак.

Шунда... Суюкли шоиримизнинг дардли ва ҳаяжонли сатрлари юракка нур бағишлайди:

Бу болалар гурур                   бор деб олишади,  
Пуя учунмас, номус,               ор деб олишади,  
Амир Темур қони                   бор деб олишади,  
Ори йуқлар ушбу                   элга ўғлон эмас.

1998 йил

## ФАЙЗУЛЛА ПОЛВОННИНГ ГИНАСИ

Агар мендан биров «луҷеда энг бой халқ ким?» деб сўраса, Ўзбеклар деб жавоб берардим. Ўша одам «энг бой-у, лекин гоҳо лоқайдлар я ҳам кўп-да» деса, кўпгим оғрийди. Чунки... Йўқ, гап бу ўрнида минглаб йиллик тарихимиздан узлиб қолганимиз ёки кўпшаб тарихий обидаларимизнинг йўқ қилиб ташланганлиги ё қаровсиз ҳолда бўлганлиги ҳақида ҳам эмас. Янглишдингиз: бой, лекин бу кун ғариблаган тилвимиз тўғрисида ҳам сўралмаяпти.

Гап спортимиз хусусида кетаяпти.

Хўш, «ўзбек спорти» ҳақида нималарни биламиз? Деярли ҳеч нарсани. Аммо бу бир қарашда...

Келинг, аввал «бойлигимиз» ҳақида мулоҳаза юритайлик. Муқбул тошотарни эсланг: палаҳмондан тош отиш — спортми? Спорт! Узукдан найза отиб ўтказиш-чи? Спорт! Кураш-чи? Чавгон-чи? Улоқ-чи?.. Буларнинг ҳаммаси спортга киради. Демак, спорт турларидан ўтмишда камбағалитигимиз сезилмаган.

Бугун-чи? Юқорида саналган спорт турларидан қай бирини оммалаштира олдик? Тўғри, ўзлаштирдик, ғарбона, ғарибона ўзлаштирдик.

Бугун палаҳмон десак, кўпчилик нималигини тасаввур ҳам қилолмайди. Кўпқари-улоқ ҳам шу аҳволда. Бухоро ва Фарғонача кураш аввалига «икки дарё оралигида» эди. Ниҳоят, озодликдан сўнг шахсан мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва катта мадади туфайли миллий кураш қайтадан «гирилди». Аммо биз барибир ҳалиям ота-боболаримиз меросига лоқайдмиз. Ахир спортнинг янги тури ҳар кун и яратилавермайди-ку! У минглаб йиллар ичида шаклланади, халқ руҳига сингади.

Бугун ўзим кўрган бир кўпқари ва ўша лаҳзаларда юрагимни ўртаган ўйлар ҳақида ёзгим келди...

...Томоша бошланаяпти. Тўрт тараф айлана қирлик. Ўртада катта майдон. Зап томошабоп жой. Ҳаммаёқни отларнинг ҳовури тутиб кетган. Бақир-чақир. Бир пайт «улоқ келди» деган овоз янтради. Чавандозлар қийқариб юборишди. Бақовул (даврабоши) ҳайқирди: «Ҳой чавандозлар, эшитмадим деманглар. Ҳалюлайсан. Қайиш йўқ. Чилвир тортдингми, тамом, зот бермайман, домангир бўлма. Фақат тақим қилганники ҳалол бўлади. Қани, улоқни ташла!»

Агар четда кузатиб турган ё бундай даврага биринчи бор тушиб қолган одам бўлса, бу сўзларга дарров тушунмайди. Аслида эса оломонни ҳалоллик ва мардликка чорлаётган сўзлар ўзимизнинг асл ўзбекона лутфларимиздир.

Сур-сур, бақир-чақир бошланди. Ҳамма ўзини ўртага уради. Қамчилар қарсиллайди. Баланд пошнали нўғой этик, бошига танкчиларнинг шлемини кийиб олган чавандоз бўйи барабар ерга ўзини ташлайди. «Кўтарилди, ҳа, қўйма, отини қамчила» деган овозлар босиб кетди. Юзлаб отлар пишқириб дарё тўлқинидай оқади. Жим кузатиб турибман. Яна ўша чавандоз. Четтирлар ҳам унга эргашолмайди. Буриб кетди занғар. Юз-қўзлари зўрға кўришади. Ўртадан ёриб чиқиб келди. Ва «ҳов-ҳов» дея баланд ҳайқириқ остида улоқни ташлаб юборди. «Ҳалол! Файзулла полвоннинг зотини беринг!» Баковулнинг буйруғи янгради.

Файзулла полвон! Шошма, бу ўша ўзим яқиндан биладиган чайир ва қотма бола эмасми? Ҳарбийга бирга жўнаганмиз. Йўл-йўлакай «э, худо, оти бор жойга тушайлик-да. Ҳамманг чавандоз бўлиб келасан», деганди у ҳазиллашиб. Ярим йўлда айрилиб кетганмиз. Уни орадан ўн йиллар ўтгач, бугунгидай катта тўйда кўрганман. Яна учрашдик. Кўпқарига «омин» берилгач, гурунгимиз қизиди. У ҳазин оҳангда дардлашиб кетди: «Э, жўра, менинг томиримда қон гупурыпти. Манаман деган чавандозлар билан юрт кездим. Туркменистон, Қозоғистонгача бориб давраларни гитратдик. Ҳамма тан берди ўзбекларга. Лекин кўпқари йил сайин биздан узоқлашиб бораётгандай. Болаларда қизиқин йўқ. Отларнинг зотини билмайди. Лекин Брус Ли, Ван Дамм деганлари қайси киноларда қандай рол ўйнаганини адашмай айтиб беради. Бундан суюнмаслик керак, аксинча, хавотирланиш керак. Авваллари вилоят, туман миқёсларида ҳар доим кураш-кўпқарилар ўтарди. Зўр-зўр полвонлар каниф қилинарди. Ҳозир-чи?

Хайриятки, 1996 йили Амир Темур бувамизнинг қутлуғ тўйлари шарафига Қашқадарёда катта кўпқарилар ўтди. Қани энди, бу соҳага ям эътибор кучайса. Ахир битта Қашқадарёнинг ўзида юздан ортиқ энг машҳур чавандозлар бор. Абдумўмин полвон, Урол полвон, Абрай полвон, Холиёр полвон, Жамолхон, Шерали, Санжар полвонларнинг издошларини кўрмайман. Бор, лекин кам. Бу ёғи Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах тарафларда ҳам доврўкли чавандозлар кўп. Уларнинг ҳар бири дoston бўлулик».

Ўша куниям Файзуллага худо берди. Энг сара совринларни олди. Мен билан хайрлашаётиб шундай деди: «Негадир кўпқари ҳақида кам ёзаяписизлар-да. Ғози Раҳмон дегани ҳар-ҳар замонда бир нималар битиб юрарди. У ҳам ҳозир жимиб кетди. Бу ахир ўзбекнинг, қолаверса, туркийларнинг энг суйган удуми-ку! Халқ омон бўлса, ўз бойлигини асраб қолаверади».

Унинг гинасини тушунадим. Мана биз, четдан, яна кўпинча Ғарбдан андоза излаймиз. Ғариблик эса худди ана шу қадамимиздан бошланишини гоҳо унутиб қўямиз. Бизларнинг кўз қорачиғимиздай асраб келаётган бундай қадриятларимиз олдида Ғарбники нима деган гап?



# ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАВЕРАДИ



- Мукаррама Турғунбоеванинг қайтаётган «Баҳор»и
- Италияларни «сеҳрлаган»  
Муножот
- Миллий эстрада  
миллийлашадими?



## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БАҲОР

Баҳорни яхши кўраман... Учга сўз озлик қилар-ов. Яна бир қайтарай-чи: Баҳорни... йўқ нафасим етмади. Нима қилай. Сиз айтгини? Одамни Сўз «юки» босар экан. «Яхши кўраман» деганим билан қайта бораман? Йилда бир марта айтганим билан... Баҳор ҳар йили қайтиб келаверса... Унда кунлар, ойлар, йиллар ҳам шамолдек утиб кетаяпти-ку. Умр-чи? У гухтаб турармиди? Йўқ, асло. Унда не дейин? Яхшиси (секингина «Баҳор»га бор дефисизми?)... Бордим ҳам дейлик. Не бўлади? Баҳор уч озлик эмас... Йўғ-е, қанча экан?

Кеча «Баҳор»ни кўриб келдим. Эзилиб-эзилиб қайтдим. Суюниб-суюниб қайтдим. Биринчи сўровим «Мукаррама онанинг ўрни билиняптими?» деганим бўлди. «Баҳор» сукутга боғди. Жимлик. Менинг ҳам юрагимга жимлик чўкли. Кейин...

Апсамблнинг бадний раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти Маъмура ЭРГАШЕВА билан бўлган суҳбатдан:

— Шундай қутлуғ кунларда раҳматлик Мукаррама она яна бир эслайлик...

— Э, нимасини айтасиз, ул зогни ҳар кун эсласак ҳам оз. У киши ёшимизда, ўлмаган. Ишонаверинг. ҳагго бизлар билан бирга нафас олаётган ҳам.

Мана, ўн олти йилки, она жисман орамизда йўқ, лекин руҳан ҳар биримизнинг юрагимизда яшаётир. Ҳар лаҳзада майин ва ҳазин овозини, дупур-дупур қадам товушларини соғинамиз.

— Биз эсимизни ташиб қолган пайтларда кексаларнинг гурунгла-рида эшитиб қолардик: «Бу аёлнинг иқтидорига балли-е. Шунча қизни бир жойга йиғиб, дунёга олиб чиқди» дейишарди. Шахсан мен у кишини фақат саҳна ва ойпан жаҳон орқали курганман. Барибир гал олмоқ керак, Мукаррама Турғунбоева ўзбек миллий рақс санъатида қагга бир академия яратиб кетди. Шу ўринда Сиз бир шогирд сифатида, ҳеч бир хавотирсиз бу мактабнинг талабалари бугун ҳам ўз устозларининг урнини сездирмагани дея оласизми?

— Опанинг вафотидан кейин тўғриси, бизлар сал эсанкираб қолдик. Қагга бир ўғнининг устун кулаб кетса қандай даҳшатга гуна-сиз. Бизда ҳам шундай бўлганди... Хайриятки, у кишининг тенг-дошлари, қолаверса, умидли шогирдлари ўрнини оз бўлса-да сез-дирмасликка ҳаракат қилдилар. Муштни бир жойга қўйиб, ўзи-мизни қулга олдик. Она бошқа бир дунё эдилар-да. Бу балки менинг бевосита улар билан доим бирга бўлганим учунми, ёки қаггиқ суяниб қолганим учунми, ҳуллас, у кишининг ўрни жуда сезилди. Бугун ҳеч шубҳасиз, айтмоғим мумкин, ўзбек рақс санъатида она-

нинг муносиб шоғирлари хизмат қилаяпти, демак, катта рақс санъати яшайтир.

— Барибир, ҳали бугунги «Баҳор» ҳақида сўрамасимдан аввал истасак-истамасак, энди опа ҳақида кўнглимда кўп саволлар туғляпти. Айтгиларича, сизви ҳам ансамблга биринчи марта у киши етаклаб келган экан...

— Эшитган бўлсангиз керак, менинг онам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўхтаҳон Ирисметова опанинг шоғирларидан бири. Уттиз йил саҳнада ўйнаган. Муқаррама опа билан аввалдан борди-келдилари жуда қалпин бўлган. Шунинг учун ҳам опа болалитимдаёқ мени «кўзларининг остига олиб» қўйган экан. Ўзи ўқишга бериб, билим юртини бигирганим заҳоти «Баҳор»га олиб келди. Кумри опа, Галия опа, Бернора Қориева, Ҳалима опалар ҳам унинг шоғирлари. Ҳаммасини бирдай кўрарди. Кўнгли дарё инсон эди.

— Опани жуда қаттиққўл бўлган эди дейишадими?

— Бу гап рост. Шубҳасиз, катта санъаткор, шу билан бирга яхши раҳбар ҳам эди-да. Оддий мисол: қизлар орасида бўладими, ёки уларнинг уйларида оилавий гап-сўзлар чиқиб қоладими, эшитиб қолсалар шу кунидек ҳақиқий «эркакчасига» гаплашиб қўярди. Яна бир қизиқ феъли, «уйдаги гап кўчага тўғри келмайди» деган ақидага қаттиқ амал қиларди. Ёлғон-ялтиқ миш-мишларни тарқатганларни сира аяб ўғирмасди ҳам. Ўша лаҳзалдек елкамизга уриб «хафа бўлма қизим, бу иш-да» деб кетаверарди. Койишни ҳам, кечиришни ҳам биларди. Яна бир томони: биз ҳам кўрқардик, ҳам яхши кўрардик.

— Опа тинимсиз машғулотлардан, ҳар хил бўлар-бўлмас ғийбатлардан чарчаб кетсалар, юраги оғриб қолса «Эй, худо, мен кимга ёмоялик қилувдимки, бу юрак қурғур кўтаролмаяпти» дея ўксиниб йиғлар экан...

— Тўғри, ўша пайтлари у кишига жуда оғир бўлган. Қизлар билан ишлаш осон дейсизми? Жуда қийналган. Опанинг кўнгли нозик эди. Юрагига оларди. Балки бизлар эшитмаган яна қанча таъна-дашномларни ҳам билдирмай ичига ютгандир. Дам олмасдан ишлар, ҳар кун турли хил учрашув-концертлар чарчашиб қўярди. Ҳатто айримлар кўролмай гоҳо очикчасига «энди ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолди, дам олсангиз бўлмайдимми?» дея кинолар ҳам қилган. Бундай гапларга парво қилмасди. Айтган гаплари «ўлсам ҳам майли, саҳнада ўлай. Лекин ўйнамасам туролмайман» дерди.

Опа билан 1969 йилдан 1978 йилгача бирга ишладик. Йўқ, мен шунча йил ёнида бўлиб у кишининг йиғлаганини сира кўрмаганман. Ниҳоятда иродали эди. Янаям ким билади дейсиз, бизга кўрсатмай йиғлагандир ҳам. У ёғи Худога аён.

Гоҳо кўча-кўйларда оғпоқ рўмол ўраган, ёпинчиқ ёпинган молларни кўрсалар ҳаваслари келиб «менам шу кампирлардай юрсам эди» дея орзу қиларди.

— Биласиз, ҳам театрда, ҳам кинода энг зўр роллар яратган ажойиб ўрас актёри Евгений Леонов ҳам ўлаётган куни саҳнада роль ўйнагани керак эди. Афсуски, ўша куни театрга йиғилган минг-миглаб мухлислар спектакль бошланишидан аввал унинг вафот этганини эшитиб, йиғлаб-йиғлаб одатий аъъягани бузиб, типимсиз қарсақ чалдилар. Бу ахир шинавандаларнинг ўша буюк санъаткорга бўлган улуғ эҳтироми эмасми? Бизлар ҳозир хотирлаб ўтирган, бетакрор раққоса Мукаррама опанинг ҳам умри охиригача саҳнадан кетмагашлиги буюк жасорат эди-ку?

— 1978 йил Қаршига сафарга жўнаётган эдик. Шоппилиб юрүвдим. Ойим «опангнинг сал тоби қочибди. Бир сим қоқиб қўйсанг бўлармиди» деди. Кечқурун телефонда гаплашдик. «Опа, ҳадеб уйда ётаверасизми энди? Юринг биз билан бирга Қашқадарёга. Чарчонгизни ёзиб келасиз» дедим. Чунки у кишисиз қизларимизнинг ҳам кетишга оёқлари тортмаётган эди. Сабаби, бир неча кундан бери мазаси қочиб ишга чиқмаётганди. Устига устак яна бир хижолатлик томони, қаерга борсак одамлар дарров Мукаррама опани сўрарди. Уларсиз камдан-кам сафарга чиқардик. Ўша сафарги концертимизда у киши Бахтиёр Алиев билан биргаликда тайёрлаган иккита рақсни қўйиши керак эди. Телефонда шу гапларниям эслатдим. Бироз жим қолди. Овози ҳазин эшитилди. Кўнглимни чўктиргиси келмадими ёки ўксинмасин дедими, «Маъмура қизим, майли тузалиб кетайин, кейингисида бораман. Сизлар ўрнимни билингтирманглар» деди. Ана шу гаплари юрагимни бир умр ўртади. Ҳалиям эсласам йиғлагим келади. Энди ўйласам шу чоғда опа мен билан видолашаётган экан...

Маъмура опа у ёғини айта олмади. Сўнг...

«Баҳор» ўша куни кечки Китоб поездида Қашқадарёга жўнаб кетади. Негадир қизларнинг ҳам руҳи ҳорғин, кўнгиллари нотинч экан-да, концертлари ҳеч қовушмайди. Бор-йўғи бир марта саҳнага чиқадилар. Эртаси куни шум хабар туфайли Тошкентга қайтиб келишди. Опанинг ўлганига қизларнинг бироргаси ишонмайди.

Маъмура Эргашева ўша куни кечқурун телефонда «Опа Қаршига бормасамми, деб турибман. Чунки Америкага уч ойлик сафарга кетиш учун тайёргарлик кўряпман-ку» деса, у: «болам, эди шу саҳна сизларники. Айниқса, сенинг елкангда катта масъулият бор. Оғир сивоёлар олдида. Менинг ишончлими оқлашинг керак. Америкага кетишдан аввал ўз халқингнинг дусини олиб кел. Кейин чет элнинг олқини татийди. Довм олдинга интил, шу эл сени бошига кўтаради, қўллайди» дебди.

Маъмура опа яна бир қизиқ воқеани гапириб берди:

— Мен ва ака-ука доирачилар — Исломовлар 1978 йили Гава-нага — Ёшлар фестивалига кетаётган эдик. Ушангда опа Москвада лаволанарди. Йўл-йўлакай кўргани кирдик. «Қани, Кубага қандай рақс билан кетаяпсан» деб сўради. Тайёрлаганларимни айтдим. Кўнгли тўлмали шекилли, хаста ҳоллари билан менга коридор-нинг ўртасида ўйин кўрсатди. Фалакнинг гардишини қарангки, худди ана шу ўрганган ўйинларим фестивалда энг яхши баҳо олди, совриндор бўлиб қайтдим...

«Баҳор»... Сухбаг баҳонасида кўч саволларга жавоб изладим. Айниқса, бутунги ўткинчи иқтисодий қийинчиликлар замонида ансамблнинг аҳволи қандайлиги мени қизиқтирди.

Бир ҳақиқатни тан олмоқ керак. Муқаррама Турғунбоева ҳаёт-лик пайтида 300 дан ортиқ ўзбек рақсларини сахнага кўйган экан. Бутун уларни яна қайтадан «тирилтирмоқ» осонми? Йўқ! Нега десангиз, ҳар бир мумғоз ёки замонавий рақсларни сахнага олиб чиқмоқ учун алоҳида либос ва безаклар керакми, керак! Хайриятки, ансамблнинг ҳақиқий филофилари унинг эртаси ҳақида қайғу-риб яшаяптилар. Бундан 20-30 йил аввал тайёрланган кийим-ке-чакларни бутун ҳам авайлаб-асраб келишяпти. Йўқолиб кетганла-рини излаб топмоқдалар.

Шу ўринда ансамбль аъзолари билдирган мулоҳазаларни кел-тираман:

**Бахгёр АЛИЕВ, Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон халқ артисти:**

— «Баҳор» жула катта санъат ва ҳаёт мактаби. Опанинг бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди: «Биз ҳар доим халқнинг кўзи олдида-миз. Бизларга қараб улар тўн бичадилар». Мени яна бир нарса қий-найди. Ҳар бир жамоанинг, ансамблнинг, у кагга бўладими, ки-чик бўладими, ўз юзи, ўз йўли бўлиши шарт. Шу маънода, бу мақтанишмас, «Баҳор»нинг ҳам халқ ўртасида ўт овози, ўрни бор. Олайлик, Ўзбекистонда ҳозир фаолият кўрсатаётган турли хил ансамблларнинг сони-ҳисоби йўқ. Аслида ҳар бир дастанинг сахна асари: у қўшиқми, рақсми барибир, халққа манзур бўладиган дасту-ри бўлади-да. Афсуски, санъатнинг, айниқса миллий рақс санъа-тининг аҳволи танивишли. Сабаби, тақтид ва ўлангириш ниҳоят-да кўпайиб кетди. Оддийгина мисол, бизнинг 15-20 йиллик ёки узоққа бормайлик 3-4 йил аввал сахнага олиб чиқилган рақслари-мишди айрим жамоалар кўр-кўрона «ўғирлаб» олишяпти. Балки сиз айтарсиз «бу яхши эмасми?» деб. Йўқ, улар фақат бу асарларнинг оҳорини, обрўсини тўкали, қадрига етмайдилар. Эртага яна бош-қасиши кўйиб кетаверишади. Ана шуниси ёмон.

## Талъат САЙФУТДИНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— 1965 йилдан бери шу жамоадаман. Дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатини кўрдим. Ажойиб доирачи Қахрамон Дадаев билан доим бирга ҳамнафасмиз. Гоҳо ўзимча ўйлаб қоламан: «Баҳор» менга нима берди?». Очиги, бу даргоҳга келиш осонмас. Ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бахт. Муҳими, бизнинг қизлар жуда фидойи ва куюнчак. Ҳозир айрим раққосалар, ҳофизлар қайси жамоа мўмайроқ пул тўласа, шунга ўтиб кетяпти. Бизникилар эса «сотилмайдим».

## Олима ЁҚУБОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Кўз тегмасин, неки ният қилган бўлсам ҳаммасига «Баҳор» туфаёли эришдим. Бу кутлуг жой қанчадан-қанча кагга санъаткорларни вояга етказган. Биласизми, бизда яна бир ажойиб анъана бор. Айримлар нега сизлар тўйларда қатнашмайсизлар, деб сўраб қолишади. Шунда Мукаррама опанинг катта раққоса опаларимиз доим айтиб юрадиган бир танбехлари эсимга тушади: «Баҳор» бу ойнага ўхшайди. Эҳтиёт бўлинглар. Тўй яхши нарса, лекин меҳмон бўлиб бориш бошқа, ўйинчи бўлиб бориш бошқа. Одамлар «Баҳор» отарда юрибди деса, уят-а».

Ана шундай, биз бу ажойиб номни доим авайлаб яшаймиз.

\* \* \*

«Қандай муаммолар бор?» дея сўрайман ансамбль аъзоларидан. Кимдир ҳазил аралаш «бир чимдим холос» деб кўяди. Кейин у ёқ бу ёқдан гап бошланади.

• Аксарият ўйяшларни тасмага ёзиб олиш масаласи қийпаяпти-да!

• Кийим-кечақларни тактириш, машгулотларда кийиладиган либосларни топиш, мусиқа асбобларини созлатиш ва сотиб олиш мушкуллик туғдираяпти. Яна...

Маъмура опа кўшиб кўяди:

— Ҳозир кимга осон дейсиз? Бугун оғир, қийин деб ўтириш бизга ярашмайди. Шунингдек, четдан ҳеч ким келиб бахт қасрлари ҳам куриб бермайди, ўзимиз кураимиз. Албагга, сал кам юз кишилик жамоани бошқариш, боқиш осон кечмаяпти. Лекин шукрки, ҳукумат қўллаб-қувватлаб турибди. Имкон етгунича ёрдам бериляпти.

У кишидан бугунги «Баҳор»нинг фидойилари ҳақида сўрадим. Кулди-да, «нима дейин, бири яхши, бири дангасароқ дейинми? Э, қўйинг, ҳаммаси санъатнинг ҳақиқий куюнчаклари. Айниқса Мукаррама она пайтида ишлаб кетганлар, устозлар доим бизнинг ёнимизда. Галия Измайлова, Жаҳон Фаниева, Сайёра Эшмуродова, Розия Адамбоева, Гулнора Жониева, Малоҳат Маҳмудовалар қўларидан келган ёрдамларини аяшмаяпти. Хайрулла Лутфулла-

ев, Қахрамон Дадаев, Музаффар Муҳамедов, Нажот Тўрахўжаев, Холида Шарипова, Назира Абдурасулова, Эркин Рузиматов, Талия, Лена, Гузал, Ширин, Гулшаной... Қай бирини айттайин? Ҳамма-ҳаммаси «Баҳор»нинг суянчиқлари...

\* \* \*

... Кеча «Баҳор»ни куриб келдим. Катта саҳнада чарх уриб ҳайқираётган раққосларнинг, ҳофизу-созаңдаларнинг оққушлар янглиғ латиф хиром этишлари-ю, хоҳишлари кўнглимни эритди. Юрагим бир дувё павога тўлиб кетди.

Йўқ, Баҳорни уч ой, деб бўлмайди, бизнинг суюкли «Баҳор»ни-миз ҳамон навқирон ва фусушкор.

Баҳор таровагиня йиллар давомида жанму жонинг орқали маъжлаштириб юриш қатта масъулият талаб қилган — Савъатдир.

1994 йил

## МУНОЖОТНИ ТИНГЛАБ...

*Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,  
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам!*

Абдулла ОРИПОВ

## ҚЎШИҚ ВА МУҲАББАТ

Йигирма йил булди унинг овозини эшитганимга. Ўшанда ҳам ўзимнинг болалик тасаввуримда бу фаройиб овоз соҳибасини қандай “кашф” этган бўлсам, бугун-да у шундай соҳир ва майин.

Одам Ато ва Момо Ҳаво бошлаган йўлнинг чек-чегараси йўқ. Уни излаган билан топиб бўлармиди? Гоҳо ўзимизча одамга жону руҳ бағишловчи МУСИҚА қачон яралган экан? — деб ўйлаб қоламиз. Дарди дунёмиз ёниб кетаётганда... бир наво истаб қолишимизнинг боиси недандур?

“Ўткан кунлар”ни эслап:

“Машшоқ Отабекнинг сархуш куладап бир пиёла бўзани ячғач, дуторини чертиб сўради:

— Қандай куйин чалай, бек ака?

Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб жавоб берди:

— Балсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!



Машшоқ ажабсизган эди:

— Дунёда булдай куйлар борлигини умримда бирюочи марта эшитмаган, бек ака!

— Дунёда булдай куй йўқ деб уйлайсизми, сиз эшитмаган бўлсангиз, менинг эшитганим бор... Билмасангиз, билган куйингизни чалдингиз!”

Уша куни йигирма йиллик кузатувим бир бўлди, Муножотнинг икки сўздангина иборат саволи бир бўлди. Охири сўрадим: “Мени кўздан бери бир савол қийнайди. Айниқса сизнинг ангулаларингизни эшитсам... Қўшиқ ўзи нима? Қўнгил эрмагимми, қисмат ё бир исмсиз дардми?”

У узоқ ўйланиб турди-да, жиддий оҳангда: “Келинг, энди мен сиздан сўрайин-чи: “Муҳаббат нима?” — деб сўради.

— ...

— Биладан, билмайсиз, таърифи йўқ унинг. Аслида қўшиқ ҳам шундай. Муҳаббат ҳар бир юракда янгидан туғилаверади, деймиз. Қўшиқ-чи? 30-40 йил ёхуд асрларга татигулик дардли, ҳасратли оҳангларга қандай таъриф айтайин?

## ПАРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ ЁХУД «СЕҲРЛАНГАН» ИТАЛЬЯНЛАР

Гурунгимизга Муножот Йўлчиеваннинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Шавкат Мирзаев қўпилди:

— Уттан йили биз учун катта имтиҳон ва синовлар йили бўлди, — десам муболаға эмас. Негаки, Муножот Парижга бориб, жуда нуфузли концертда қатнашди. Балки сиз ҳам эшитгандирсиз. Европада ғалати гап юради. “Париж тан олмаса, тамом”, яъни мана-ман деган санъаткорларни Париж синовдан ўтказди, дейишади. “Халқаро концерт” деб номланган мусиқий йиғин бор. Ҳақиқий эътироф шу ерда айтилади. Муҳокама-мунозара қаттиқ бўлар экан. Муножот ўша концертда қатнашиб, жуда юқори баҳо олди.

— Шарқ мусиқаси билан европалик мухлисларни лол қолдириш осонмас-ку? Айниқса, тил масаласи...

— Гап тилда эмас. Мана олинг, Рембрант ё Микеланжелонинг дунёга машҳур полотносини ҳеч бир изоҳсиз ўзбек мухлисларига кўрсатишса, таржимон керак бўладими? Албатта шарт эмас, чунки тафаккури кенг, ҳис қила олиш қудратига эга бўлган одамга изоҳ зарур бўлмайди. Мусиқани ҳамма яхши тунгунади.

— Операнинг ватани ҳисобланмиш Италияда қандай таассуротлар бўлди? Эшитишимча, Муножот гомошабинларни сеҳрлаб қўйгани ҳақида гап бўлибди?

— Концерт бошланаётганда бизларни огоҳлантиришди: “Меҳмонлар, тагин ажабланманг, бу итальянлар концертда бемалол

гаплашиб ўтираверар экан-да, деб. Олигимиз шундай. Лекин бутун диққат-эътиборимиз барибир сахнада бўлади”. Муножот куйлай бошлагач... зал сув қуйгандай жим бўлиб қолди. Бир пайт концерт тамом бўлгач, ҳаммаёқни мухлисларнинг гулдурас қарсақлари, олқишлари босиб кетди. Атрофимизни ўраб олишди. Ва бизни огоҳ этган кишилар хайрон бўлиб сўрашди: “Бу қизингиз ҳаммани сеҳрлаб қўйди шекилли. Ҳаля шу пайтгача бизнинг шинавандалар бунақа сокин бўлиб қўшиқ тинглашмаган”.

— Бу бир ижодий сафармиди ёки бирон байрам баҳонасида чақиришганмиди?

— Италияда Шарқ халқлари мусиқаси фестивали ўтказилди. Эрондан Шожарийён, Озарбойжондан Олим Қосим сингари таниқли ашулачилар ҳам боришди. Беш кун давом этган бу фестивалда Муножот Ўзбекистон ва халқимиз санъатини муваффақиятли намойиш эта олди.

## ЕВРОПАНИНГ ЎЗ ТАРОЗУСИ БОР

Ўзбек санъаткорларидан кўп эшитганман авваллари. Улар аксинча, Европадан кўра, Шарққа мойиллик билдиришади. Яъни Фарб бизларни тушунмайди, деган хавотирларини айтишади. Сўнги йилларда Фарбда Шарқ санъатига бўлган қизиқиш кучайиб бораётганининг турли хил сабаблари бор.

Барибир тан олмоқ керак: Шарқ ўз номи билан Шарқ! Унинг минг-минг йиллик мероси ҳали-ҳануз Фарбни ҳайратта солишида фаройиб ҳикмат бор.

Бу ҳикматни Муножот шундай таърифлайди: “Мен санъатни икки кутбга бўлиб тушунмайман. Ёки бўлмаса яхши ё ёмон, деган мезонга ҳам қаршман. Биз бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Европадаям ўлмас маънавият ва маданият бор. Айниқса бизда ҳам худди шундай. Шарқда-чи? Ҳоят катта тажриба мактаби бор-ку! Шу ўринда мен ўзининг эътирофларимни ҳам айтай. Европа сахналарида куйлаб ўз санъатимиз кадр-қиммаги нечоғлик юксаклигини, ноёблигини ҳис этдим. Уларнинг тинглаш маданиятига қўйил қолдим. Боллида чўчиб турасиз-да. Тушунишмаса нима бўлади, деган хавотир қийнайди. Берилиб, бошларини чайқаб, ҳатто йиғлаб ашула тинглаётган мухлисларни кўриб, улуғ ўзбек миллатининг вакили эканимга минг шукроналар ўқидим. Ахир, истиқлол замонигача қайси бир давлатда бундай ҳурмат, эҳтиромларни кўрган эдик? Хайриятки, озодлиқ шарофати билангина дунё халқлари назарига тушдик”.

## ШАРҚ КЎПРИГИ

— Қаерда? — деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмай Ўзбекистонда, янаям тўғрироғи, Самарқандда! — дердим. Чунки 1997 йилнинг августида Шарқ халқлари ўртасидаги кўприкка ана шу қадимий шаҳарда асос солинди. Ва... Энг қувончлиси, Ўзбекистон Президентининг бу хайрли тапаббустга бош-қош бўлганлиги бутун дунё миқёсида эътироф этилди ҳам.

Мен “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг яқунловчи босқичи ўтаётган куни Самарқандга журналист дўстим Гули Чехрага сим қоқдим. У ҳал қилувчи “кўрик” тутаётганлигини айттар экан, ўз ҳаяжонини яшира олмади: “Биласизми, ҳозир мисрлик ҳамкасбимизни касалхонага кўргани борувдик. Ўзи бир аҳволда ётибди-ю, яна нима дейди денг: “Ким Гран при ва биринчи ўринни олганини менга зудлик билан хабар қилинглр. Ўз мамлакатимга кечикмай етказишим керак...”

Фестиваль бошланаётган кунлари Муножот Йўлчиеванинг оиласида нотинчлик бўлганини, ўзи жуда ноқулай аҳволда Самарқандга жўнаб кетганини эшитган эдим.

У пундай изоҳ берди: “Ҳа, ўшанда турмуш ўртоғим машинада қаттиқ шикастланиб касалхонада ётувдилар. Икки йўл орасида қолдим. Бормайин десам, биринчи халқаро фестиваль. Борсам, бу ёқда... Охири хўжайиним ёруғ ниятлар айтиб, оқ йўл тилаб розилик билдирдилар. Устига-устак, ўзимнинг саломатлигим кўнгилдагидек эмасди. Устозим далда бериб, руҳимни кўтарди.

Самарқандга жуда иқтидорли санъаткорлар келишувди. Очиги, фестиваль ниҳоятда юксак савияда ўтди. Тапқилий тадбирлар ҳам яхши уюштирилди. Айниқса анжуманнинг қадим Регистон майдонида ўтказилишида оламшумул рамзийлик бор. Мен ўз тасаввуримдаги Шарқни Регистонда кўрдим, десам ишонаверинг. Гран прига сазовор бўлган озарбойжонлик ёш санъаткор Симара Имонова ва унинг ёнидаги ажойиб чолғучиларнинг хайратини сўз билан айтолмайман”.

## САНЪАТ ҲИСОБНИ КЎТАРМАЙДИ

Айримлар қайси бир кўшиқчи ё бастакорнинг қанча кўшиқ айтганини-ю, қанча куй басталаганини ҳисоблашни яхши кўради. Мен эса тўғриси, бундай ўлчовни ҳазм қилолмайман. Нега? Олайлик, дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатлари саҳналарида мухлисларни лол қолдирган Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг сизга қайси бир аңгуласини санаб берайин? 10, 20, 50, у ёғи... тингловчига ҳисоб шарт эмас. Унга халқоналик ва жозибат

дорлик керак. Сиз айтарсиз, ахир, бутунги ўзбек қўшиқчилик санъатида биз ҳам номини тополмаётган ғалати йўллар кўпайиб кетаётганига нима дейсиз? Мусиқасини қўяверинг, ҳатто матнида маза-матраси йўқ қўшиқлар қаердан пайдо бўлаётир?

Менинг бу мулоҳазаларимни Муножот шундай шарҳлади: “Йўқ, истаимизми-йўқми, ҳар бир даврнинг, замоннинг ўлмас ва ўткинчи куй-қўшиқлари бўлади. Ҳакамлик қилмоқ, баҳосини айтмоқ фақат халққа хос фазилат. Ҳар қандай баҳо, ҳар қандай санъат асарини у яхшими, ёмонми, шу халқ баҳолайди”.

## ЎЗИМ БИЛАН ҚОЛГАНИМДА...

— Гоҳо ҳар биримиз табиий равишда Ёлғизлик истаб қоламиз. Ва... ўзимиз билан ўзимиз қолмоқни тусаймиз. Кўнглимиз софиган қўшиқми, куйми ё бирон асарними, эзилиб-эзилиб эшитгимиз, ўқигимиз келади. Ўзимдан қиёс: юрагимга ҳеч нарса сиемай қолса, “Ўткан кунлар”ни варақлайман. Ёхуд ўзбек миллий насрининг ажойиб намуналари бўлмиш “Галатепага қайтиш”ни, “Ойдинда юрган одамлар”ни, “Бир оқшом эртаги”ни мутолаа қиламан. Сиз-чи, Муножот, шундай лаҳзаларда кимни эшитгингиз келади?

— Сиз айтаётган ҳолат мендаям кўп кечади. Шундай пайтда ўзбек халқининг ўлмас ва бетакрор ҳофизи Маъмуржон Узоқов ашулаларини тинглайман. Ўзим йиллар давомида излаётган оҳанг ва руҳий кечинмаларни топиб оламан. Шунингдек, Ҳалима Носирова, Жўрахон Султонов, Берта Давидоваларнинг ашулаларини ҳам соғиниб эшитаман.

— Сиз юқорида мусиқа, қўшиқ нима ўзи, деб сўрадингиз. Келинг, мен ҳам ўз мулоҳазамни айтгайин, дедилар Шавкат ака. “Мана, сизга бир муқояса: ҳаммамиз телевизор кўрамиз, радио эшитамиз. Шеър ўқилаётганда секин мусиқа чалинади. Мусиқа чалинганда нега шеър ўқилмайди? Бунда қандай сир бор? Ёки бирон таъсирлироқ, қайғулироқ воқеа шарҳланса, оғир оҳангдаги мусиқа қўйилади. Нима у? Юпанчми, таскинми? Мен ўн олти ёппимдан бери (Шавкат Мирзаев халқимизнинг суюкли бастакори Муҳаммаджон Мирзаевнинг ўғаллари — Н.Ж.) мусиқа тинглайман. Лекин ҳалигача унинг қиёсини тополмадим. Илоҳийлик бор унда. Бўлмаса Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Турғун Алиматовлар бунчалар шухрат қозонмас эди”.

## МУНОЖОТНИНГ МУНОЖОТИ

Кеча келгумдур дебон ул сария  
гулрў келмади,

Кўзларимга кеча тонг отгунча  
уйқу келмади.  
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим  
йўлида янгиюр,  
Келди жон оғзимгаю ул шўху  
бадхў келмади.

Ҳар қандай тош кўнгилни-да эритиб юборгувчи ҳазрат Навоийнинг бу байтлари қай бир юракни гитрагмаган дейсиз? Билмадим, сизу биз бўлсак оддий ўқувчи ё тингловчимиз, бул ўтли сатрларга сингиб кетган Муножот Йўлчиева не дер экан?

“Шунча йил баҳоли қудрат ашула куйлаб, англаган ҳақиқатим шу бўлди: гўё ҳазрат Навоий ҳаммамизни осмондан кузатиб тургандай туюлавереди менга. Ўзимам гоҳо ҳайрон қоламан. Ҳар бир сатрни қайта-қайта хиргойи қиляверсам, сеҳрланган одамдай ҳис қиламан. Кейин улқан куч пайдо бўлади. Келинг, ул зоти шарифдан яна бир байт келтирайин:

Толбня содиқ топиламас, йўқса  
ким қўйди қадам  
Йўлқаким, аввал қадам матишуқа  
ўтру келмади...

Одамни ва хаёлни олиб, учиб кетади-ку, бу сатрлар!..”  
.. Бошқа яна қандай таъриф керак? Ана, сизу биз излаётган АШУЛА ва МУСИҚАнинг сеҳри! Ана, Муножотнинг асл муножоти!

1998 йил

## “ЯЛЛАМА ЁРИМ”НИНГ ЁШИ

қанчалигини ҳеч ким билмаслиги рост. Нега десангиз унгача сиз мусиқа ё оҳангнинг қачон пайдо бўлганлигини топишингизга тўғри келади. Бу осон эмас.

Биласиз, энг қадимий манбалардан бири бўлмиш “Авесто” китоби (зардуштийлик асосчиси Зардушт ибн Сафид Тумон томонидан ёзила бошланган) эрамиздан аввалги VI-VII асрларда пайдо бўлган. Айрим қисмларигина бизгача етиб келган бу ноёб асарда Хоразм мусиқа маданияти ҳақида сўз бориши... ёки “Авесто”даги маросимларнинг ижро услуби, мусиқа, қўшиқ, пантомима рақслари ҳақида

эшитиб ҳайрон қоласиз. Табиийки, шу ўринда савол туғилади: бу китоб билан биз яшайтган XX асрнинг энг сўнгги ўн йилликлари орасида еру осмонча фарқ бор-ку, бугун “Авесто” туғул, ҳатто “Қаро кўзум”ни ёхуд Ботир Зокиров ижро этган ўлмас кўшиқларнинг тарихини зўрға биладиганларга нима дейсиз?

Йўқ, тарих ўз номи билан тарих. Уни ҳеч ким ортига қайтара олмайди, ўзгартиролмайди ҳам. Мусиқа ҳам шундай водир мероски, биз ўз тарихимизни қанча қадрласак, бетакрор мусиқамизнинг нуфузини шунча азиз билмоғимиз шарт. Шунинг учун Кеча ва Бугун ўртасида “Хитой девори” эмас, балки Бузилмас Кўприк туриши керак. Озод ва ҳур Ўзбекистонда бу Кўприкнинг бунёд бўлаётганига эндигина етти йил бўлаётир. Тарих учун лаҳзаларга тенг ҳисобланмиш бу муддат аслида бизнинг назаримизда Миллий Уйғониш фаслини ўтаятти, десак муболаға бўлмас.

Дарвоқе, энди бевосита Бугунимиз ва сизу бизнинг ҳам ташвишларимизга айланиб бораётган миллий мусиқамиз, тўғрироғи, эстрада санъатимиз хусусида сўз юритсак.

Мамлакатимиз Президентининг яқинда телеэкран орқали миллий санъатимиз ҳақида куйиниб айтган гапларини кўпчилик кўрган ё эшитган бўлса керак. Бу куйинчаклик ва безовталиқ замирида ҳаммамизнинг дардимиз, қолаверса, миллий санъатимизнинг эртанги тақдирига боғлиқ жиддий муаммолар борлиги очикчасига айтилди.

Энди ўйлаб кўринг, мусиқада чек-чегара йўқ. У ҳар биримизнинг ҳатто сўз билан ишғол этиб бўлмайдиган кўнгиш тубларимизгача етиб боришида қандай сир-синоат бор? Умуман, бугун бизлар қайси мусиқий дунё билан яшайтмиз-у, қандай апула-кўшиқларни энитаятмиз?

... Кеча ўзимизча кичик бир “эксперимент” ҳам ўтказдик. Дуч келган турли ёшдаги ўн кишидан “Сиз кимларни ва қандай мусиқаларни эшитасиз?” деб сўрадик. Ўн хил жавоб:

— Маъмуржон Узоқов ва Комилжон Отаниёзов ашулаларини тинглаймиз...

— Ботир Зокировни!

— “Ялла”ни!

— “Шаҳзод” гуруҳини!

— Насиба Абдуллаева ва Кумуш Раззоқовани!

— Муножот Йўлчиева, Марям Сатторовани!

— Филитш Киркоров, Татьяна Буланова, ўзбеклардан Равшан Намозовни!

— Маъмуржон Тўхтасинов, Даврон Ғойиповни!

— Италиян, француз эстрадасини!..

Хулоса қилмоққа шонилманг. Мусиқа гинглаш, ашула-қўшиқ эшитиш Кўнгилнинг иши. Уни ҳеч ким мажбурлаб эшиттирмайди. Истаса, радио-магнитофон қулоғини бурайди, истаса, телевизор ё видеомосламани биланд-паст овозда қўяди. Лекин ҳар биримизда билиб-билмайдиган, сезиб-сезмайдиган даражада эшитиш ва тинглаш маданияти, савияси бор. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Барибир биз истасак-истамасак-да, ҳар қандай замондаям мусикадан, оҳангдан аввало Ўзимизни, Миллий руҳимизни излаймиз. Ана шу Мезон билан дунёдаги қайсидир бир миллат ё элат санъатига баҳо берамиз. Шу ўринда энди бевосита ўзбек миллий эстрада санъатининг кеча ва бутуни ҳақида икки калима сўз.

Дарвоқе, бизда миллий эстрада санъати қай даражада шаклланган? Хўш, унинг пойдевори, замини бор дейлик, лекин у қанчалар мустаҳкам, илдизи бақувватми, ё?.. Дардли саволлар туғилаверади. Жавоблари...

**Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири:**

— Президентимизнинг самимий ва ошкора мулоқотларига ўзим гувоҳман. Жудаям ҳақ гапни айтдилар: Ахир, ўпа “Яллама ёрим”лар, “Бешқарсак”лар асли миллий эстрада-ку? Туғма ўзбекона оҳанглар шулар эмасми? Энди ўйланг, биз уларни мақом ё катта ашула деб атамаймиз-ку!

Ҳозирги кунда-чи? Истаймизми, йўқми, тан олиш керак, ҳақиқий халқона айтилаётган қўшиқлар халқ орасида тез сингиб кетаяпти. Олайлик, “Ялла”нинг айрим қўшиқлари шундай, миллий руҳни ўзига сингдирилгани учун обрў қозонди.

Мен гингловчиман. Йўлбошчимиз айтдилар-ку, томошабинлармиз, деб. Ҳар қандай даврнинг ўз қўшиқлари ва ижрочилари бўлади. Шунингдек, шинавандалари ҳам. Шул боис ҳам бутун миллий эстраданинг ютуғи-ю камчилигини рўйи-рост кўрсатиш вақти келди!

**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор:**

— Ўзбек мусиқа санъатида миллий эстраданинг ўзига хос ўрни бор. Бир пайтлар Икром Акбаров, Шариф Рамазонов, Хайри Июмов, Дони Зокировлар жуда яхши мусиқалар ёзишган. Ёки Ботир Зокировнинг “Раъно”сини ҳаммамиз ёддан айтиб юрардик-ку! Раъно Шарипова сингари ижрочиларимизнинг халқ йўлидаги қўшиқларини эслайлик. “Гул сотаман, гул сотаман”лари қандай машҳур бўлган. Шундай руҳдаги ўнлаб қўшиқларни санашим мумкин. Улар миллий эдимми? Албатта-да.

Бугун-чи? Лоф бўлмасин, ҳар ҳафта битта янги гуруҳ пайдо бўляпти. Бир кунда ўнлаб қўшиқлар ёзиб олинапти. Радио-телевиденида эса юзлаб қўшиқлар берилляпти. Лекин энди айтинг, қани, уларнинг қанчаси халқ ичига сингиб кетяпти-ю, қанчаси?.. Санъатни тарбия воситаси, деймиз. Одамлар санъатдан, мусикадан маънавий отуқа олиши керак, деймиз. Лекин енгил-елпи, на матнида, на мусикасида маза-матра бор, ёки аралаш-қуралаш — туркча, эронча ё ҳиндча оҳанглардан иборат қўшиқларнинг кўпайиб кетаётганлигини қандай изоҳлаймиз?

Тўғри, яхши, миллий руҳ сингдирилган асарлар ҳам яратилляпти. Рустам Абдуллаев, Мустафо Бафоев, Алишер Икромов, Анор Назаров, Дони Илёсов, Алишер Расулов ва бошқа бастакорларимиз ёзаётган айрим мусикалар аллақачон ўз мухлисларини топиб олган. Бу ҳақиқатни тан олган ҳолда барибир унутмайлик, ҳали биз жуда катта меҳнат қилишимиз зарур. Мен аввал ҳам айтганман. Бизда профессионал даражадаги мактаб йўқ. Бадиий кенгашлар фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермайди. Қачонки, улар таркибида мусиқани санъат даражасида ёки миллий эстрадани том маънода миллийлик мезонида тушунадиган мутахассислар бўлсагина халқчил, савияли қўшиқлар кўпаяди, деб ўйлайман.

### **Насиба АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Аслида миллий эстрада нима ўзи, деган саволга жавоб излашимиз керак. Энг ташвишланарлиси, ҳозир эстрададан хабари йўқ, кутилмаганда бир “юмалаб” қўшиқчи бўлиб қолаётганлар унинг нуфузини гушпиряпти. Улар бу жанрни энг осон ва енгил деб ўйляшяпти. Йўқ, эстраданинг ҳам такрорланмас ўтмиши бор. Унинг шаклланиши, дунёга чиқиши осон кечмаган. Қанча йўллар, йўналишлар босиб ўтилган. Дунё эстрада мусикаси аллақачон классика даражасига кўтарилган. Агар биз ҳам шу йўлдан борсак, асло ютқазмаймиз. Миллий мусиқа қачонки, тингловчининг савияси, маънавиятига мос келса ва профессионал ижро услубида тайёрлансагина муваффақият қозонади.

Кимларни миллий эстраданинг ҳақиқий намояндалари дейиш мумкин? Ҳеч кимга ўхшамайдиган, ўз ижро йўлига эга бўлганларни-да! Мен ўлмас санъаткор, ўзбек миллий эстрадасининг асосчиси Ботир Зокировни ана шундай баҳога лойиқ кўраман. У пайтлари бизнинг эстрада Уйғониш босқичида эди. Агар ўша талабчанликни, даражани сақлаб қололганимизда эди, эҳ-ҳе, қанчалар ўсган бўлардик.

Ҳалиям кеч эмас. Хайриятки, энди миллий эстрадага муносабат кескин ўзгариляпти. Энг муҳими, бизда пойдевор бор. Ҳозирги мухлисларниям тушуниш керак. Улар кечаги, 60-70-йиллардаги



авлод эмас. Дунёни кўряпти, эшитяпти. Талаби ҳам, ўлчови ҳам шунга яраша. Жаз, рок, поп йўналишларини кузатишяпти. Ёшлар ҳам турли хил экспериментлар қилишяпти. Уларга тўсқинлик қилиш керакмас. Бу ўттинчи бир ҳолат. Муҳими, миллий мусиқага ҳурмат уйғотиш зарур.

### **Усмон АЗИМ, шовр:**

— Менимча, учта муаммонинг ечимини топсак, миллий эстрадамиз тақдирини ойдинлашади. Биринчиси, Сўз, яъни матн масаласи. Ҳозир хонандаларнинг кўпчилиги ўзича шоир, бастакор ва ҳоказо. Қофиясиз, бўгинсиз, чала ярим кўшиқлар кўпайиб борапти. Иккинчи муаммо, Миллий руҳнинг бузилиши. Яъни четдан, бошқа халқлар оҳанглари кўр-кўрона кўчириб олиш кучайди. Бу — энг ёмон иллат. Томошабинни савиясизлик, руҳсизлик томон етаклайди. Тўғри, Ботир Зокиров ҳам арабча кўшиқ айтган. Лекин у киши ўзбекча эмас, айнан араб тилида куйлаган-ку, ахир! Учинчи, яъни энг жиддий ва оғриқли масала — Савъятнинг коммерциялашуви.

Яқинда телевидениеда бир хонандаларнинг ижоди ҳақида ярим соатча кўрсатув кетди. Охири чиқолмадим, айтдим: “Барака топгурлар, шу кўшиқларни ким ҳазм қилади?” Жавобини эшитинг: “Тижорат йўли билан тайёрланган...” Мен не дейман, кўбизим не дейди, деганлари шу-да. Бу масала Фарбдаям жуда оғриқли. Лекин мухлислар талаб-эҳтиёжи ҳисобга олинади. Ҳар қандай шароитда ҳам миллий чегарадан чиқмаслик керак.

### **Сайёра ҚОЗИЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Бойсунда яшаб, “Шалола”да ижод қилиб, халқ йўлидаги кўшиқлар билан кўзим очилган десам ҳам бўлади. Асл маънодаги миллий эстрада эл-улуснинг ичиди. Фақат уни излаш керак.

Энди замонавий эстрадага келсак, кўшиқ кўп, кўшиқчи ҳам. Бунинг устига турлича услублар, йўллар изланипти. Ўзимдан қиёс: аксарият кўшиқларимда фольклор-поп услубини сақлаб қолишга баҳоли қудрат ҳаракат қилаяпман. Улар халққа қанчалик сингапти, у ёғини айтолмайман. Нима бўлганда ҳам бизнинг миллий эстрадамиз энгил-елпти, чала ярим оҳанглари ўзида акс эттирмаслиги керак.

\* \* \*

... Бу фикрлар ортида ҳали қанча баҳсу мулоҳазалар борлигини билиб турибмиз. Очиғини айтганда, миллий санъатимизнинг бу-

гунги аҳволи, ўрни ва даражаси кўпчиликини ўйлантираётгани сир эмас. Лекин ҳар биримиз ўзимизнинг оддий томошабин ёки шинаванда сифатидаги муносабатимизни энди ҳолис айтадиган кунлар келди.

Миллий эстраданинг жон томирлари шу халқнинг руҳиятида, юракларни нола-ю, афғонлари билан титратувчи соҳларида, терма-лапарлари, “ёр-ёр”ларида яшаётир. XX асрнинг буюк адиби Чингиз Айтматов “Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини мусиқа айтади, зотан биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз” дейди. Зеро, бизлар излаётган оҳанглар, пардалар олисда ёхуд четда эмас, ёнгинамизда, руҳимиз-пууримизда, “Яллама ёрём”, “Омон ёр”ларда!

1988 йил

## **Тоғай МУРОД: «МЕН ЕР БИЛАН БОРДИ-КЕЛДИ ҚИЛАМАН»**

### **1994 ЙИЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН СУҲБАТГА МУАЛЛИФ ИЗОҲИ:**

Ўшанда айни баҳорнинг илк кунлари эди. «Отахон» газетда ишлардим. Муҳаррир кутилмаганда «зўр бир шоир ё ёзувчи билан суҳбат тайёрланг, эртанги номерда кетади» деб қолди. «Ўзбекистонда зўр шоир, ёзувчиём кўп бўлса, қайсинисини чиқарасиз?» дея олдиндан шарт ҳам қўйдим. «Истаганингни танла, фақат шовшув бўлсин, айтилмаган гапни айтсин» деди. Хаёлимга биринчи келгани Тоғай Мурод бўлди, муҳаррир бош ирғади...

Айтишга айтиб, энди Тоғай акани кўндириш минг азоб эканлигини билиб турибман. Хуллас, у дедим, бу дедим, рози бўлди. Фақат «битта сўз қисқарса ё ўзгарса, кетмайди» деди қатъий. Суҳбат тайёр бўлди ҳам. Кутилгандан зиёда — газетчилар тилида «мих» суҳбат эди. Фақат...

Саҳифага қўйилгач, бир-икки жойи «қайчиланди». Ўринбосарлардан бири ўзича «хушёрлик» қилди. Бу менга оғир ботди. «Ахир, бу одам кичкина адиб эмас, ака...» Бош силкиди: «Бўлмайди. Сал қаттиқ кетибди. Менман деган даҳолариниям қисқартирганмиз, таҳрир қилинган. Бу газетчилик, ука...»

Тоғай акага қўнғироқ қилиб бор гапни айтдим. «Ука, сени азбаройи яхши курганим учун сазанг ўлмасин деб қўнувдим. Бўлмаса «онахон» газет десаям интервью бермасдим. Йўқ, мен битта гапираман, майли, суҳбат чиқмасин, ўлиб турганим йўқ, биласан-ку!» дея трубкани қўйиб қўйди...

Уч-тўрт жойи «кесилгани» учун қайтариб олинган ўша суҳбатни асраб қўйган эдим. Бугун озодлигимизнинг ўн йиллиги баҳонасида излаб топдим. Ўтган етти йил орасида қанча дарёлар оқиб кетди. Тоғай Мурод эса ёзишдан тўхтамади. «Отамдан қолган далалар» романи учун юксак мукофотга сазовор бўлди, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилди.

Энг қизиғи, «эълон қилинмаган» ўша суҳбат назаримда кечагина тайёрлангандай...

## СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ:

Тоғай Мурод Сурхон воҳасининг Денов туманида таваллуд топган. Ўзбек миллий адабиётининг йирик намояндаларидан бири. Уни ўқувчиларга илк бор тапиган «Юлдузлар мангу ёнади» (1976) асария чоп этилганидан сўнг, ёзувчининг кетма-кет «От кишигага оқшом», «Ойдида юрган одамлар» каби қассалари эълон қилинди. Ўзбек насрига янгича руҳ, ўзгача овоз кириб келгани каттаю-кячик давраларда эътироф этилди. Ниҳоят, ёзувчи ўтган йили турли хил расмий ва адабий машаарат-гурунгларда тилга тушган «Отамдан қолган далалар» романини эълон қилди.

Тоғай Мурод камган, бироз қайсарлиғи бор. Сўзини яхши кўради. Чертиб-чертиб гапирмасаям, чертиб-чертиб ёзади. Шу боисми, у ҳақда гап кетса, баъзилар «прозаник шовр» дея ҳазиллашиб ҳам кўяди. Яхшиси...

\* \* \*

— Уйивгизининг олди ҳам зироат, ортв ҳам зироат экан...

— Олд деразам олдида йитирма гуп атиргулим бор, орт деразам олдида ҳам йиширма туп атиргулим бор. Жами қирқта. Битта настар гулим ҳам бор, настар. Олти туп токим бор, бари хусайни тоқлар. Бу йил ҳосилга кирар дейман-ов...

— Бари ўз қўлинигизданми?

— Барини ўз қўлим билан экиб, ўз қўлим билан парваришладим. Қоғоз-қалам жонимга тегса, зироатларим парвариши билан мангул бўламан.

— Теракларингиз...

— Теракларим... ҳали ёш. Бир йилги, Ўзбекистон юртимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлди. Юртимиз соҳибқирон, жаҳонгир бобомиз Амир Темур давридан кейин илк бор мустақил давлат бўлди. Шу кунга мен дунёга сизгадим! Осмонга тўп отиб, салот берайин дедим — замбарагим бўлмади. Босиб-босиб ичайин дедим — дўқонда ичимликнинг нархи... Нима қилишимни билмай, ўйлаб ётдим-ётдим — саҳарда турдим. Аёлимизга «кетдик» дедим. Аёлимиз билан шаҳар четдаги дендропаркка бордим. Қоровулнинг қўлига юз сўм узатиб «ана шунга терак беринг» дедим. Қоровул узунлиги бир қулоч келадиган ўнта терак берди. Мен тераклар белини дастурмол билан бойлаб, елкамга олдим. Йўловчи машинага қўл кўтарсам-ку, бир этиб олиб бориб қўярди. Бунинг тавқи-шавқи қолмайди-да. Шу боис, йўл ёқалаб елкамда кутариб келдим. Аёлимиз кетимдан эргашиб келди. Йўловчилар: «Бор қилай дебсиз-да?» — деди. Мен: «Ҳа, БМТ, БМТ» дедим. Йўловчилар бир-бирларига қаради. Ўзаро елка қисди. «Ҳа-а, уям яхши терак» — деди. Уйга олиб келиб, олд деразам олдига битта терак экдим, орт деразам олдига тўққизта терак экдим. Во ажаб, ўнтасиям экишим биланоқ олди-ей! Мана, теракларим Ўзбекистон юртимиздай — икки ёшга тўлди. Мана, теракларим Ўзбекистон юртимиздай — кун сайин кўкка бўй чўзмоқда!

— Энг яқин дўстингиз ким?

— Аёлим.

— Сиз доим ўзим ёлғиз бўлсам, дер экансиз?

— Бировнинг кучи мансабида бўлади, бировнинг кучи бойлигида бўлади, бировнинг кучи эса гуруҳбозликда бўлади. Менинг кучим — ёлғизлигимда! Мен ёлғиз бўлсам... ўзимни йўлбарсдай ҳис қиламан, йўлбарс! Айтмоқчи, йилим ҳам йўлбарс! Ёлғиз бўлсам, каллам компьютердай тиниқ ҳам аниқ ишлайди. Шу боис ёлғизлигимни гоят эъзолаб яшайман.

— Вақтни бешафқат ҳакам, дейдилар. Мана, вақт жуда кўп тевгдошларингизнинг пикобини юзидан олиб ташлади. Оқибат, оқ оққа, қора қоратга ажралиб қолди. Айнан сиз — ёзувчи Тоғай Мурад Вақт деган ҳакамга қуллуқ қилсангиз бўлади. Энди, кўнглини бироз кенгроқ қилиб, яхши-ёмонлар билан салом-алик, дегандек?

— Мен... Одам ҳидини ёмон кўраман. Шу маънодаким, мен билан «дўстим» дея кучоқлашиб кўришадилар — изимдан фисқи-фасод тарқатадилар. Мен билан «отам» дея ўлишиб кўришадилар — изимдан фитна тарқатадилар. Амал-мансабга етишиш учун бир-бирларини сотадилар — сотқинликларини менинг устимга ағдарадилар. Шон-шуҳрат, мавқе-мартаба учун она Ватанга хиёнат

қиладилар — хиёнатларини бегуноҳлар устига ағдарадилар. Сохта обрў, сохта ном учун улуг ўзбек адабиётига тупуриб, Ёзувчилар уюшмасидай бир табаррук жойни булғаб кетадилар-да «Ватан, Халқ, Ҳақиқат» дея кўкракларига урадилар. Ёлғиз... Ёлғиз одамни бадном қилиш осон, осон-да! Бундан кўра гулларимга сув сепаман! Ер шалоббо бўлади. Ана шунда... ердан ажиб бир ҳид келади. Мен ана шу ер ҳидини ҳидлаб ўтираман — Мен Ер билан саломалик қиламан! Ерга қараб бош ирғайман — Ер билан борли-келди қиламан!

— Қизиманг, энди ўзбекчилик, ёлгондакам бўлсаям, қўл олиб — қўл бериб юрсангиз дейман-да?

— Қўл?! Бундайларнинг қўлини олгандан кўра... ердан бир сиқим тупроқ оламан! Кафтимда тупроқни-ер қўлини сиқиб-сиқиб қўяман. Бойси, ер менинг устимдан мағзава тўкмайди, менинг тагимни қовламайди, йиқилсам — ер кўтаради!

— Ажаб феъл-атвор, ажаб...

— Мен нимагаки эриша олмаган бўлсам — барча-барчаси учун ана шу феълимдан ўпкалайман. Мен нимаики нарсага эришган бўлсам — барча-барчаси учун ана шу феълимга қуллуқ қиламан. Мен нимаики асар яратган бўлсам — барча-барчаси учун ана шу феълимга таъзим қиламан. Мен ана шу феълимдан кечган куним — асар ярата олмайман! Мен ана шу феълимдан айрилган куним — ўзимни ўзим йўқотган бўламан. Сут билан кирган — жон билан чиқади.

— Бир кунлик иш тартибингизни айтиб беринг-чи?

— Мен тонг вақти — соат беш-олти орасида тураман. Стадионга бораман. Саккиз-ўн километр югураман.

— Саккиз-ўн километр югураман, дейсизми?

— Шундай. Кейин машқлар қиламан, бассейнда сузаман. Уйга қайтиб, нонушта қиламан. Кейин қоғоз-қалам оламан. Тушлик қилиб, бир соатча ухлайман. Тагин қўлга қалам-қоғоз оламан.

— Эртадан кечгача ёзиш...

— Сен ёзиш деганда эртадан кечгача ёзишни тушунасанми? Бир ой ўттиз кун бўлса, мен шундан ўн кунини асар ёзиш учун ажрагаман. Қолган йигирма кунини ўқиб-изланишга бағишлайман. Шаҳар кутубхонасидан деярли барча газета-журналларни олиб келиб ўқийман. Ижгимоий-сиёсий китобларни ўқийман. Масалан, «Отамдан қолган далалар» романимни яратиб учун... юзлаб қиллоқ хўжалик дарсликлари, сиёсий қўлланмаларни ўқиб чиқдим, юзлаб! Далама-дала юриб, ўнлаб пахтачиликка оид дарсликларни... пахта пайкалларига солиштириб-солиштириб ўқидим! Аини

купларда Шолоховнинг «Тинч Дон» романини ўқияпман. Аланмасам мазкур романи ё тўртинчи, ё бешинчи бор ўқисим. Ҳар ўқисимда бадиий кўзим қайтадан очилади. У зимни... гўдак бир қаламкаш ҳис этаман! Ана шу гўдакликдан улғайиш учун тагин кўлимга қалам оламан.

— Романингиз журналда чоп этилар-этимас, янги сени боплаб юборган эмисиз?

— Ёзувчи ўлганда тинади!

*1994 йил.*



# АНГЛАЁТГАН АСРИЙ ҲАҚИҚАТЛАР



- **Одамлар фаслларга ўхшайди**
- **Сумалакни бир йил сақлаш  
мумкинми?**
- **Рўзимбой Ҳасан ҳайрати**





1997 йилнинг марти. Биз ўзимизча фаслларни санаймиз: совуқ киш утди, энди дилбар баҳор бошланади, э, ёз курғур сал чарча-тиб, шошилтириб кўйди-да. Мабодо адашган бўлсак... Куз эса ўзи-мизни топиб беради, дея кўнгилга таскин излаймиз. Фасллар эса...

\* \* \*

Оролбўйида яшаётган дўстимдан хат келди: “Билмадим, ошна, сиз тарафларда ёмғирдан безор бўлган одамлар кўндир. Тўғриси, мен кунлар очилиб кетсайди деган ўйда яшаётганларни жиним суймайди. Ун йиллар бўлди, ҳавога тўймай қолдим...”

\* \* \*

Қаршининг тандирдай қизийдиган чўлида ишлаб, қорайиб қайтган амаки қаҳратон киш кунларида сандалнинг бир кунжаги-ни олиб, гурунг беради: “Бу табиатни ҳеч тушунмайман-ей. Бир йил айни керак маҳали томчиям тушмайди, иккинчи йил эса ер сал қизиб, ҳовур кўтарилай деганда сатилаб қуйиб берса денг. Ҳайронман, йил сайин фасллар ҳам алмашиб кетаяпти, дейман-да. Утган йилги мавсумда бир ой осмонга қараб яшадик...”

\* \* \*

Булар бир деҳқони, жайдари гаплар. Сиз ҳам кўп эшитгансиз. Шунда гоҳ кулиб қўйгансиз, гоҳ ачингансиз. Лекин бу сўзлар менинг кўнглимда андак ғалатиноқ гуйғулар уйғотади. Очиги, тўрт фаслни ўзимизга менгадим. Энди билсам, одамлар ҳам фаслларга ўхшар экан. Сиз бўлсангиз...

Бир шеъримда ёзганимдек:

Ота, одамлар фаслларга ўхшайди...

Барибир, ўйлаб кўринг, Йилбошимиз — Наврўзнинг, Баҳорнинг тарозуси оғир тош босар экан. Нима дедингиз. Шамолдай тез ўтиб кетади, дейсизми? Э, омон бўлинг, баҳорсиз қани бир уйғониб кўринг-чи.

Талқарига қаранг. Ер, дарахтлар, бори жонзот уйғоняпти. Тириклик кўз очаяпти. Сизнинг-да, чап тарафингиз сал бошқачароқ уряпти, шекилли. Ҳа, Юраклар уйғоняпти, юраклар! Бу ёғи энди Уйғониш фасли бошланади. Хайрият, шундай кунларга етказганига шукр!

\* \* \*

Кечаги Рамазон ҳайитида эшитдим: қишлоқ кампирлари пишиқ-да. Бўлмаса, ўтган йилги бугдойни асраш осонми? Нима дейишди денг, ўзимизнинг бугдойимиздан айирмасин, бирам бўлиқ-ки, асл сумалак чиқади. Сен ишонмайсан-да, сумалакни тобиға етказиб пиширса, тортиб узолмайсан. Олти ой асраса бўлади. Бу бугдойни кўмгунимизча дуонинг катгароғини олувдик.

\* \* \*

Юзга етган бобой “Илоё, келаси йилги Наврўзгача етказгин!” дея ният қилувди. Мана, ой бир айлангунича Йил боши келиб турибди-я!

## ЙИЛГА ТАТИГУЛИК КУНЛАР

Ҳазрат Навоийни ўқиймиз: “Ҳар гунунг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!” Беш аср аввал бу байрамнинг қадри, файзи шунчалар улуглангани барибир одамни ҳайратга солади. Ким биллади дейсиз, балки Наврўзнинг ёши халқимизнинг ёши билан тенгдир. Балки...

Тўғри. Ер юзида байрамлар кўп, қанча миллат ва элат бўлса, уларнинг шунча қутлуғ айёмлари бор. Лекин Шарқда, айнан Ўзбекистон тупроғида Йилбоши — Наврўзнинг ўрни, қиммати беқиёс. Уни ҳеч бир тантанага менгзаб бўлмайди.

\* \* \*

1998 йил эди. Бир машваратда америкалик ватандошимиз, Ўзбекистонга озодликнинг ҳур эпкинлари энган йиллардаёқ келган гижорагчи Саййид Муҳаммад Насафий айтиб қолдилар: “Ўз она юртимда Наврўз тапталарини кўриб... кўзларимга ишонмадим. Очигани айтايин, мен шунча йил океан ортида яшаб бу байрамнинг қадрини билмаганимга афсус чекдим. Авваллари оталаримиз ҳам гапиринларди-ю, аммо ўз кўзимиз билан кўрмагандик. Ўша йили америкаликларга бу ҳақда гурурланиб, фахрланиб сўзлаб берсам, аввалига ишонинишмади. Охири, ўтган йилги тапталарни видео тасвирга олиб кўрсатдим. Лолу ҳайрон қолишди. Наврўзнинг буюк ва тепсиз, беназир қудратини шул замида яшаб сездим”.

\* \* \*

Энди кечагина ўзим гувоҳ бўлган гурунгни эшитинг.

— Хориж сафарига қачон жўнамоқчисиз?

— Кейинроқ. Москвадан қариндошлар телефон қилишди, 5-6 киши бўлиб келишяпти.

— Қерга? Қачон?

— Тошкентга, Ўзбекистонга. 20 март куни кутиб оламан. Доим мақтайсизлар, зўр бўлади деб, яхшиси, Наврўзларингни ўз кўзимиз билан кўрайлик, дейишди. Улар умрларида сумалак, ҳалим деган ширин таомларни татиб кўрмаган. Бир мириқиб томоша қилишсин. Сафар қочиб кетмас...

Менимча, бу суҳбатга ҳеч қандай изоҳ шарт эмас. Чунки Наврўз яна қайта “туғилган” маҳаллари бу байрам фақат ўзбекларга хос деганларнинг тасавури энди бутунлай бошқача. Яъни мамлакатимиздаги энг катта бойлик — ТИНЧЛИК ва БАРҚАРОРЛИК Наврўзни ҳақиқий халқ байрамига айлантирди. Энди уни ҳамма соғиниб, интиқиб кутадиган бўлди.

Барибир ўйлаб қоласиз ва табиийки турли-туман саволлар туғилади: Наврўз ўзи қандай байрам? Нега уни Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар бирдай нишонлашди? Унинг бир купмас, бир неча ойлаб давом этишида қандай сивоат бор экан?

Хуллас, бу сўровларга ҳамманинг ўз жавоби бор. Бу жавобларни истасак-истамасак, минг-минг йиллар давомида суйиб, ардоқлаб, кўз қорачўғидек асраб, авайлаб келаётган ХАЛҚ ичидан топамиз ва нуроний отахон ва онахонларимизнинг қуёшдай иссиқ, нондай мўътабар бўлмиш дуолари (бежиз “э, Худойим, Наврўзга етказганингда шукр, энди саодатли кунлар келади, омонлик бошланади”, демайдилар)да зоҳир бўлган асрий ҳақиқатларни англаймиз.

\* \* \*

... Ўтган йил апрелнинг охирлари эди. Қашқадарёнинг олис тоғли қишлоқларидан бирига бордик. Катта майдон тўла тумонат одам. Бир тарафда кўпқари, бир тарафда кураш қизиган. Ҳофизу бахшилар... Иссиқдан чарчаб келганмиз, тоғ ҳавоси этларни жунжиктирди. Қалинроқ кийиниб олдик-да, ҳайратомуз сўрадик: “Бирон бели бақуватроқ киши тўй бераяпти-ёв?” Мезбонлар ярим ўзбекча, ярим тожикча талаффузда “акун, биз тарафда Наврўз энди бошланди ахир. Биринчи келишларими ё?” деб сўрашди. Кейин билсак, у то-

монларда қорлар эриб, бойчечак-чучмомолар очилиб, энди кунлар исиган экан, Ушанда биринчи марта тоғ сумалагини татиб курган ҳамроҳим чинни косадаги неъматни зўрға кесиб олаётган тоғлик аёлдан “Бизлар ялайдиган сумалакни тортса узилмайди, бемалол олти ой, бир йилгача сақласа бўлади, деярсиз, у қандай тайёрланади, ахир?” дея ажабланиб сўраганида у бундай қадимий таомларнинг тайёрланиши сирларини фақат уларнинг авлод-ажлодларигина билишини айтди. Шунда меъдон отахон Наврўз шарафига йилтирма-ўттиз хил таомлар пиширилишини эътироф этди.

Наврўзда биз фақат она табиат, дала-дашт уйғонади, деймиз. Аслида-чи? Аввало, одамзоғ уйғонади. Унинг руҳида, юрагида покланиш, тозариш бошланади. Йилбошининг бир куни йилга татийди, деганлари ҳам рост. Шундан-да, баҳорий насимлар эсаётган озод юргимизда яна имтиҳон ва синовлар фасли бошланаётгир. Бу кунларнинг қадри асрларга тенглашса, ажаб эмас.

## ОҚҚАН ДАРЁ...

... Хонам деразасидан бемаврид ёғаетган ёз ёмғирини кузатиб ўтирибман. Бу йил ёмғир бекам ёғди-да. Ҳатто саратон ўргасидаям «осмоннинг таги тешилди-я». Ва бирдан “лоп” этиб хаёлимга Орол тушади. Дарвоқе, Оролга сув тушли, деб эшитлим, ростмикан? Ахир қиши қордан, баҳори ёмғирдан, ёзи табиат илжиқликларидан аримаган бу йилда Худога беалад шукурки, ниҳоят, денгиз дарё билан юз куришди.

... Тушга яқин Амударё соҳилидан хоразмлик дўсгим, қайсар Рўзимбой Ҳасан йўқлаб келди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. “Дарё қалай?” — салом-алигимиз тутар-тутамас сўрадим. “Дим зўр! Бу йил Жайхун Жайхунга ўхшади. Тўлиб-тошиб оқаяпти. Икки ойки одамлар дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш билан овора. Дарё раиятта ҳам, раҳбариятта ҳам ташвини гуғдирди...”

— Оролга сув тушибди-я?

Орол фожиасини ўз фожиаси сифатида қабул қилганидан дўстимнинг юзида қувонч пайдо булди: “Сув баҳордаёқ денгизни тошиб борган эди, ошпа! Оққан дарё асоляшса, ўз ўзашини гонади, деганлари ҳақ экан. У ўз йўлидаги вақтинчалик тусиқлардан охиб, денгизга бориб етди! Кимдир ҳисоб-китоб ҳам қилибди, яна уч-тўрт йил дарё шу зайл оқса... Мўйвоқ тагин денгиз портига айланааркан!”

Унинг юз-кўзларида гаройиб ҳайрат бор эди. Шунинг учун ҳам у тўлиб-тўлиб сўзлади. Халқнинг тақдири денгизга пайпаидлашган юрт фарзандидан бундан бошқача гап олиш қийин-да.

Беихтиёр хотиримга кечаги кунлар, империя замонасида кечган ғалати воқеалар келади. Ўшанда Сибир дарёларини Оролга келтириш масаласи кун тартибига қуйилган кезлар эди. Ўрисларнинг машҳур ёзувчиларидан бири “Биз Оролга бир пақир ҳам сув бермаймиз” деди энг юқори минбардан туриб. Бу ўша пайтда пахта яккаҳоқимлиги қурбони, дунёнинг ярмини уст-бошли қиламан деб ўз денгизини пахтазорларга оқизиб, шўр ялаётган, қум ютаётган халққа айтилган “раҳматнома” эди.

Кейин яна кўп сувлар оқди. Кўп дарёларнинг ўзанлари қуриди. Соҳилларини қум босди. Аёллари бепушт бўлди. Болалари ярим жон туғилди. Эрқақлари... Сўнг Оролнинг фожиаси ярим дунё фожиаси эканлигини ва бу даҳшатли кўргулик шўролар империяси томонидан олиб борилган мудҳиш сиёсий найрангбозлик ўйинлари ҳамда зўравонлик устига қурилган салтанатнинг махсус режалари оқибатида рўй берганлигини Ўзбекистон Президенти жаҳоннинг энг нуфузли минбарларида ошқора айтди. Кейин...

... Тушдан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидаги мутасаддилар билан сим орқали боғландим. Саволим битта эди: “Оғалар, Оролга сув қачон етиб боради?”

“Денгизга сув тушаётганига икки ойча бўлди. Аввал бошда 200 куб секунд миқдорига тушганида дўппимизни осмонга отдик. Ҳозир эса ўртача 1700-1800 куб секунд сув тушаяпти, Орол сатҳи 25 сантиметр кўтаришган, экваторияси ҳам кенгая бошлади...”

Очиғи, Оролнинг қуришидан энг кўп азият чеккан ва жабрланган ҳудуд вакилининг бу сўзлари жарангдор ва ўқтамлиги мени ғоят суюнтирди. У бир қатор рақамларни санади. Самолётда бир неча бор денгиз устидан учиб ўтганини, дельтада тўрт чақиримча масофадаги сув лойқалигини, пайдо бўлган бир неча катта-кичик сунъий оролчалар энди кўринмай қолганини айтди. Ҳозиргача Оролга хомаки ҳисоб-китобларга кўра 10 миллиард кубдан кўпроқ сув қўшилган эмиш. Агарда Туямўйин сув омбори мажмуида тўпланган сув ҳажми 8 миллиард куб атрофида эканини айтсак, Орол табиат эҳсонидан ўз улушини етарлича олаётганини пайқаймиз. Ахир ўйланг, сўнги ўн йилликларда денгизга бу қадар сув тушмаган!

Яна хотирадаги воқеалар уйғонади. Денгизни сунъий тарзда тўлдириш учун қанчадан-қанча лойиҳалар ўртага ташланмади. Кимдир Каспийдан қанал тортамиз, деб айюҳаннос солди. Ҳатто японлар сунъий ёмғирлар билан Оролни тўлдиришимиз, деган гапларни ҳам эшитганмиз. “Кутқариш” жамғармалари эса катта-кичик машваратларда узундан-узоқ ҳисоботлар ўқидилар. Орол эса... сокингина, секингина қуриб, битиб боради эди.


Аслида-чи! Барибир Яраттанинг карами кенг экан. Табиат инсон олдида эмас, инсон табиат олдида ожиз эканлигини Орол бизларнинг кўзимизга кўрсатиб қўйди.

Яна бугунга қайтаман. “Эй ошна, уяммас-буяммас, билсанг ЕТГИ рақамида сирли ҳосият бор”, — деб ўз фикрини тасдиқлади дўстим қуйиниб. Истиқдолнинг еттинчи йилида денгизга сув етиб борганининг ўзи мўъжиза эмасми? Илло, етмиш йил давомида тилкаланган, топгалган Орол Озодликнинг еттинчи йилида яна қайтадан кўз очаётгани, қолаверса, Оролбўйи халқларида эртанги ёруғ кунларга бўлган ишонч ва умид уйронганлиги рост бўлсин!

*1998 йил*



# ЎЗИНИ ЕНГГАНЛАР



- **Ўн йилда юз йилни яшаган одам**
  - **Қундузхон опанинг кўшиғи**
  - **Қуёшга тик қараб бўладими?**
  - **Жавҳарбекнинг бобоси**





*На қуёшга, на ўлимга тик қараб бўлагай...*

*ЛАРОШФУКО*

*(Француз ёзувчиси, XVII аср)*

## **МЕН КИММАН ЎЗИ?**

Билмадим, шоир «Барябир ҳам Озодликдир бахтнинг бутуни» деб куйлаганида бахтиёрликнинг қайси қирраларини, шукуҳнинг, фараҳнинг қайси лаззатларини назарда тутган экан? Барибир ҳар қандай одам ёлғиз қолса, ўзини сўроққа тутади: Мен кимман ўзи? Нимага қодирману нимага ожизман, мен озод одамманми?

Ўзини енголган одам менинг назаримда озод инсон саналади. Минг афсуски, аксариягимиз ўзимиздан ўзимиз енгилиб яшаймиз. Бу мағлубиятлар алами аччиқ бўлади.

Озодлик туйғуси нима ўзи? У қачон пайдо бўлади, у қандай англанади-ю қандай ҳолатда юксалади?

## **БУГУННИНГ ОДАМИ**

*Ёки иқтисодчи Рустам Қосимов ҳикояси:*

— Раҳматлик отам Мирсаид Қосим ўғли ОЗОДЛИК замони-нинг етти йилинигина кўролди. 1998 йили қазо қилдилар. Ўзлари тижоратчи эди. Тошкентнинг Хастимомида яшардик. Бир куни ота-бола узоқ дарлмашдик. Ҳиссалорлик компаниялари, пайчилик жамиятлари, хусусий фирмалар тузила бошлаганди ўшанда. Отам сўраб қолди: “Рустам, бу пай, улуш, ҳисса деганлари қадимдан бор нарса ўзи. Лекин мен шунча йил тижорат юргизиш шулардан фойдаланолмадим. Тўғриси, йўл қўйилмасди. Уринганмиз, суришгирганмиз, кескин рад жавобини эшитганмиз. Мумкин эмас. Ҳамма тенг яшаши керак!”

Отамга аслида шу айтаётганлари мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг жонли асослари эканини айтсам, бошлари осмонга етиб “ана энди яшайдиган, ишлайдиган замонларнинг келибди, ўғлим. Ўзбекнинг замони келибди энди. Бозор иқтисоди қийин бўлади, деса ҳеч чўчимаслик керак. Ахир бизнинг халқда “отанг бозор, онанг бозор” деган нақл бекорга айтилмаган. Бу дунёнинг, ҳаётнинг ўзи катта бозор” деганлари ҳеч эсимдан чиқмайди.

У киши Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” ини ўқиб, ашуласини йиғлаб эшитарди...

Бугун биз ўн йиллик истиқдол дарахтининг меваларини кураятмиз. Бу ҳали эртачи мевалар. Катталарини болаларимиз кўради...

Рустам Қосимовнинг ўзидай содда фалсафаси бор. «Бугун ўтди, эртага бир гал бўлар...» дейдиганларни жини суймайди. Ҳаммани эшитилади. Чунки унинг доимий ҳамроҳлари — маърифат элчилари яъни эл-улуста газета-журналларни беминнат тарқатувчилар. Улар билан ака-укадай, ога-боладай дардлашади, фикрлашади. Агар бирор соат қайсидир вилоятга нашрлар юбориш кечикса борми, юрагига қил сиғмайди. Гоҳо ўзи ёзгириб қолади «Мен йигирма йил олдин гуғилганман-да, агар ҳозир 20-25 ёшда бўлсайдим, бугунлай бошқача иштардим, бошқача яшардим...»

Аммо тан олиш керак, бугун Рустам ака бошқача ишляпти. Ҳурлик замонининг руҳини гуғри англаб, ўзига хос «тажриба мактаби» яратаётган бу инсоннинг кўпчилигимизга сабоқ бўлулик яна бир фазилати ҳақида сизга ҳикоя қилмоқчиман.

\* \* \*

Ҳар душанба Рустам Қосимов матбуот тарқатувчилар билан очикча диллашиб олади. Бир гал кутилмаган баҳс-мунозара устидан чиқдим. Ҳеч овозини бандлатиб галлашмайдиган одамнинг сўзларини эшитиб, аввал ҳайрон бўлдим. Кенин...

Икки кун аввал Рустам ака пойтахт бозорларидан бири яқинидаги дўконда хорижий нашрлар сотилаётганини курибди. Кўрган-даям «антиқа»роғини. Яъни «СПИД-Инфо» ва «Декамерон»ни кўз-кўз қилиб, энг «кўнгилоҷар» жойларини очиб қўйган экан, дўкончиси тушмагур. Ўша дўкондорни кагта йиғинда ўз ҳамкасблари олдида мулзам бўлиш ўрнига айбини тан олмаётганини курган Рустам ака тутақиб кетди:

— Минг марта айтганман, яна такрорлайман: «Матбуот тарқатувчи»га алоқадор дўконларда фақат мамлакатимизда чоп этиладиган ва шартнома тузган хорижий нашрларгина соғилади, пассалом. Қўйинглар, ўшанақа газета-журналларда зур бериб тарғиб қилинаётган сизу бизнинг миллий қадриятларимиз, ўзлигимизга зид бўлган мавзулар, қарашларни пулга ўлчамайлик. Бозор ўз йўлига. Лекин маънавиятни бозорга солиб бўлмайди. Маънавият ҳам нондай азият ва қадрли. Мен сизларга очигини айттайми, бебилиска пул илинжида сотилаётган битта «СПИД-Инфо»нинг пулига бир дона «Тафаккур» журнаши билан бирга ўғлим ё қизимга яхшигина ўзбекча китоб соғиб оламан...

Дарвоқе, куйиниб айтилган бу сўзлар замирида бир эмас, миғминглаб зиёлиларимизни ўйлангирётган миллий тарбия, миллий тафаккуримизга оид айрим саволларга жавоблар ҳам бор эди.

Чунки бу мулоҳазалар бигта газета дўкончисига эмас, балки ҳаммамизга тегишли эканлигини кўпчилигимиз гоҳ англаймиз, гоҳ... Бироқ нима бўлганда ҳам БУГУННИНГ ОДАМЛАРИ энди кечаги кун одамларидан кескин фарқ қилади. Бу табиий. Негаки, маънавият соҳасидаги ўн йиллик жараёнлар янгича тафаккур соҳибларини вояга етказди. Рустам Қосимов ҳам ана шундай инсонлардан биридир.

## ОТАМНИНГ АРМОНИ УШАЛГАН КУН

Раҳматлик отам Қодир ЖАЛИЛ КАРВОН угли 1988 йилнинг майида Тошкентга келди. Умрида қишлоғидан ўзга ерни кўрмаган одамни катта шаҳарнинг катта шовқини ва салобати босдимми, икки кун ўтиб-ўтмай «кетаман»га тушди. Сал кунгли ёзилсин, деб пойтахтнинг машҳур жойларини кўрсатдим. Қаерда, ҳеч очилмади. Охири, эртаси куни кузатадиган бўлдим.

Уша куни ярим тунда уйғониб «болам, босинқираяпман, акам раҳматлик тушимга кирди. Ўзини зўрға эслайман. Урушга кетиб қайтмаган. Ўлик-тириги номаълум» дея тонггача ухламади. Поезд кеч жўнарди. Эрталаб ўзим айланиб келаман, сен ишингдан қолма, деб шаҳарни айлангани кетди...

Ишдан келсам, отам хомуш ўтирибди. Ҳайрон бўлдим, нима бўлди ота, деб сўрадим. Ниҳоят, ёрилди: «Кеча сенга айттолмадим. Эрталабгача Мейли акам ухлатмади. Нуқул «бизларни олиб кетинглар юртга» дейди қўлини чўзиб. Шунга Ғалаба майдонидаги мангу олов ёнига бориб, кун бўйи дуойи-фотиҳа ўқиб, йиғлаб ўтирдим. Зора, руҳи шод бўлса, нима қилай, қачон, қаерда ўлганим номаълум-ку?!»

Отам барибир қишлоққа дилгир ва маҳзун жўнаб кетди. Менинг ҳам кўнглим ҳеч ёришмади. Нима қилсам экан, уч-гўрт жойларга мурожаат этдим. Қашқаларёдан урушга кетиб қайтмаганларнинг рўйхатларини ўқидим. «ЖАЛИЛОВ М.» деган фамилия чиқмади...

Ҳар гал қишлоққа борсам отам салом-алигимиз тутамасданок, «Мейлидан бирон хабар йўқми, ўғлим» дерди. Сўнг раҳматлик Ҳазратқул тоғам билан ўз хотираларини сўзлаб қоларди. Қайтишимди эса яна тайинларди. «Сен ишинг баҳонасида у ёқ-бу ёқларга борасан, суриштириб кўравер. Кўзим очиқлигида Мейлидан бирон хабар эшитармиканми?»

Минг афсуски, отам раҳматлик яқасининг номаълум тақдирдан беҳабар бўлиб, ҳагто Ватан оюқлигиниям кўролмади бир дунё армон билан 1990 йили дунёдан ўтди.

Орадан тўққиз йил ўтиб... Ниҳоят, галаба кунида эмас, балки ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ кунида отамнинг бир умрлик армони ушалганини кўриб... йиғладим. Президентимизнинг ташаббуслари билан бунёд этилган ХОТИРА майдонида зарҳал ҳарфлар билан битилган китобдаги «ЖАЛИЛОВ М. 1942» деган ёзувни ўқиб... дунёга сизмай кетдим.

## ТУПРОҚДАН УЗИЛМАНГ, ТУПРОҚДАН

Ўзбекнинг дарёдил ва дилбар шоири, раҳматлик Шавкат РАҲМОНИНГ «Озодлик кўшиғи» деб номланган шеърини китоблик Зариф Бурҳон ҳар кўришганимизда айтиб беради:

Бу қушқоқ ажойиб қушиқлар,  
сўзлари куйдирар томоқни.  
Ўлимни назарга илмайсан,  
сезмайсан сурғуну қамоқни.  
Шалдироқ кинашлар ҳўқмига  
ачинмай берарсан ёншиғинг.  
Юзларинг буришмас оғриқдан,  
фароғат бағишлар очлигинг.  
Куйласанг, чекинар разолат,  
чекинар кадарлар, полалар.  
Унчалик қурқипчи эмасдир  
кўксингда ёзилган долалар...

«Билмадим, ҳаётимда кўп шеърлар, дostonлар, китоблар ўқидим. Лекин шу шеърчалик бирортаси юрагимни гитратмади», дейди у секин ёнбошлаб. Сўнг сўлим Мингчинорнинг олис-олис-лардан бир митги оролчадай кўринувчи арчазорларига термулиб ҳикоясини бошлайди:

### ЗАРИФ БУРҲОН ҲИКОЯСИ:

— Эллиқдан ошдим ука. Одамнинг феъли қизиқ бўлар экан. Эллиқ йил яшаб нима кўрдим, эл-улусга қанчалик нафим тегди, кимчи шод қилдим, кимдир эшигимдан норизо бўлиб чиқиб кетди, ҳамма-ҳаммаси кино тасмаларидай секин айланаркан. Тунлари уйғониб кетаман. Саволлар, сўроқлар... Ҳаммаси юрагимни қийнайди. Шунда биласизми?..

Сиз қирққа бордингизми? Озгина қолди, дейсизми? Мен сиздан ўн бешталар кўпроқ кўйлак йиртган эканман. Мана, сиз, ҳеч ўзингиз билан гаплашгансизми? Қандай қилиб?! Мен эса кул гаплашаман. Ҳеч кўнглим тўлмайди. Худога шукур, шунча йил яшаб,

дунё кўрдим, юрт кўрдим. Аммо юз марта сафарга бориб ҳам бир-икки кун ўтиб-ўтмай она юртим — Китобга қайтгим келаварди. Билмайман, мен ўзим бир боғбон одам бўлсам. Юрагимнинг каттароқ томири тупроққа боғланган экан, шекилли-да. Хушимдаям, тушимдаям Ерга боғланиб қолавераман.

Кўпинча адоқсиз далаalarda чиқиб кетаман. Ўзим ёлғиз қолгим келаверади. Ҳатто одамларнинг овозларини ҳам эшитгим келмайди. Шунда ишонасизми... бир сизим тупроқни кафтимга ол-и-и-б эзиб, кўнглимни кўгараман. Ана шунда... ҳали сиздан ҳам сўрадим-ку, ўзингиз билан гаплашганмисиз, деб. Бекорга сўрамадим. Чунки сизлар катта шаҳарнинг шовқини, темир-бетон ҳавосига ўрганиб кетгансизлар. Хафа бўлманг-у, катта шаҳар одамнинг ҳайратини, ҳаяжонини ўлдириб боради. Тупроқдан узилманглар, гупроқдан.

Энди бир сирни айтайин, сизга. Менинг юрагимга таскин, дарду аламларимга малҳам бўлаётган шу тупроққа ўн йилки меҳрим бўлакча. Лоф деб ўйларсиз, аммо чин, мен бутун Қашқадарёни пойи-пиёда айланиб чиққан одамман. Минг афсуски, у замонларда бу ерлар бизники эмас эди. Бугун эса ўзимизники.

Мен бутун кўксимни тўлдириб «менинг тупроғим» деб керилиб юрган ерларни муҳтарам Президентимиз ҳам кўп марта кўрган, айланган. Бизларнинг боғларимизни, узумзорларимизни кузатиб доно маслаҳатларини берганлар.

Эллик йил яшаб, кейинги ўтган ўн йилни ҳеч бир таърифга сиздиrolмайман. Болаларимга ҳар доим айтаман: «Биз кўрган кунлар эртақдай ўтиб кетди. Ҳатто «юргим» деган сўзни айтишга кўрқардик. Сизлар Ватаним — Ўзбекистоним, дея гурур билан айтиш бахтига муяссар бўлдинглар. Шу юртни севинглар, биз учун ҳам севинглар».

Бу гаплар жайдари гаплар-да. Бир деҳқони кўнгилнинг айтимлари дейсизми ёки олис-яқин хотираларми, нима деб айтсангиз, ўзингиз биласиз. Ўн йилда мен юз йилни яшадим...

## «БУҒДОЙ НОНИМИЗ ШИРИН»

Ўзбекистон телевидениесига Нуриддин Қосим деган ажойиб режиссёр бор. «Жаҳолат», «Азизим», «Бурч», «Аср вабоси» сингари ўнлаб видеофильмлар муаллифи. Куйди-пишди бўлиб ҳеч тиним билмайдиган шу йигитни уч йилдан бери биламан. «Маънавият» таҳририятидан ким жануб тарафларга сафарга кетаётса, секин имлаб чақиради. Мен авваллари парво қилмасдим. Кўнглимга ҳар хил гаплар ҳам келгани рост.

Лекин бир куни Сурхондарёга кетаётсак, хонасига имлади. Кейин одагдагидек ҳазили билан, «ошна пулингиз борми?» деб сўради. Кулдим. «Нима қилди?» «Шу бир хизмат бориди. Агар малол келмаса...» Тоқатим тоқ бўлиб гурибди. Яна сал эзмаланса сўкаман, деб тўрға гурибман.

Охири очилди: «Менга икки донагина тегирмонда тортилган уннинг нонидан олиб келсангиз. Пулини...»

«Шу гапни айтиш учун шунча тагдорлик шартмиди. Бир оғиз сўзингиз» дейман кетаётиб.

Нуриддин Қосимни кўп кузатдим. Кейин ҳам ким борса, айтарди. Бир куни ҳамкасблардан бири сафардан қайтиб келиб тўғри, унинг хонасига кириб кетди. Кирсам, бугдой нонларни сумкасига жойлаётган экан, биттаси қўлида, кўзларига суртиб мамнунлик билан деди: «Бундай ширин нонларни ялғари смагавдим. Мана уч-тўрт йилдан бери ўзимизнинг бугдойимиздан бўлган нонлар қапчалар ширин эканлигини аниладим. Ҳозир болаларим ҳам ўрғаниб қолди...»

## ЎЗИНИ АНГЛАГАН АЁЛ

Наманганда Қундузхон Қодирова деган бир аёл бор. Уч-тўртта халқаро тилни сувдай биладиган бу аёл дунёнинг ярмини кўрган. Айни мустақилликкача ва мустақиллик йиллари хизмат тақозоси билан хорихда яшаган. Фарзандлари ҳам чет элларда туғилган. Умр йўлдоши Аҳмаджон Луқмонов машҳур олим, шоиртабиат одам.

Қундузхон опа Тошкентга қайтгач, шаҳарга сиғмай қолди. Ниҳоят, ўтган йилнинг ўрталарида Наманганга кетди...

«Майли, ким нима десин, лекин мен бутун четда томошабин бўлиб туролмайман. Кўп чиғириқларни кўрдим. Мусофирликда кечган ҳаётимнинг ўзи бир китобга сиққулик мавзу.

Мени кўргани келган айрим дўстларим ҳайрон. Нима қилардинг овора бўлиб келиб, пойтахтда тинчгина яшайверсанг бўларди-ку, дейишди ҳам. Узоқдаги бир қишлоқда жойлашган коллежда ишловини ўзим танладим. Аввалига Миллий дастур билан пухта танишдим. Билсам, ҳукуматимиз ниҳоятда катта имкониятлар берган экан бизга. Фақат ишнинг кўзини билсак, бени-ўн йилда жаҳон миқёсида танилиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас экан.

Ўзбекистонда бундай коллежлар сони кўп, сифати эса... Ўйланг, коллеж деб номини ўзгартирган билан ичкаридаги муҳит, тарбия, иш услуби ўзгармаса нима фойда? Лекин мен ишни бошқача танладим. Энг аввало муаллимларни саралаб олдим, кейин талабаларни. Бир йил орасида бутун мамлакатта танилиб қолдик. Ҳозир болаларим мен билан бемалол инглизча гаплашади, десам

ишонамайсиз. Уларнинг ўз ери, ҳатто «Кейс» комбайнларигача бор. Дунё талабалари даражасига етиш учун интилягимиз. Талабалар хорижга чиқиш ниятида. Яқинда Германиянинг «Ройдлинг» халқаро бизнес академиясига 20 нафар талаба учун ўрин келди. Энг қувончлиси, биз учун ҳукуратимиз махсус грант ажратди. Ахир ўйланг, бизнинг болалар қайси ёпон ёки немис боласидан кам? Куч бўлса, гўрт тараф очик бўлса энди?...»

Бу ўзини таниган ўзбек аёлининг бир йил орасидаги ҳаловатсиз меҳнати самаралари. Ҳали компьютер сабоқлари билан боғлиқ тажрибалар ёки коллежнинг ўз магбуот наприни чоп этишгани каби ўндаб ҳайратомуз мисолларни санамадим.

... Бир пайт телефон жиришглади. Қундузхон опа талаба қизлари билан гаплашаётганди. Режиссёримиз Расулжон гўшакни кўтарди. Сўнг ажабланиб менга қаради. Нима гап, деб сўрадим. «Наманган-даям Тошкентдагидай «робот қизлар» бор экан шекилли, уланиб қолибди», деди. Қани менга беринг-чи, дея гўшакдан келаётган овозга қулоқ тутдим: «Ҳелло, аэм соррэ, Қундузхон» тушунганим шу сўзлар бўлди. Кулиб юбордим. Расулжон эса ҳайрон. Котиба қизга «югуринг, опани хорижликлар сўраяпти-ёв, гаплари инглизча» дедим. Опа шошилиб келиб бийрон тилда сўзлаша кетди. Режиссёримиз эса хижолат тортиб, тасвирчини ишга солди: «Ўзбекларимизнинг инглизлардан қолишмаслигини исботлайлик...»

Қундузхон опа хайрлашгач, «Дехқидан бир дугонам Наврўз ҳақида сўраяпти, ўзимизнинг миллий таомларимиз сумалик, ҳалимлар қандай тайёрланишини ёзиб берувдим, йўқоғиб қўйибди, си-наб кўриб китоб қилмоқчи экан, шунга...» дея изоҳ берди.

Менинг саволим чала қолувди, ўзи эслатди: «Сиз мендан Озодлик туйғуси нима? — деб сўрадингиз. Мана, менинг озодлигим! Шунча йил кутган умидларим рўёбга чиқаяпти. Бир коллеж баҳонасида чекка бир қишлоқ гуллаб қолди. Ҳамманинг назари бизда. Мен ҳар тонгда, ҳар намозпомда мунистгина онаизорим 80 ёшли Оймача аямдан дуолар сўрайман. Онамнинг ёруғ дуолари торагимга қувват беради. Юрагим дея бежиз урғу бермаяпман».

Опанинг кўзларида ёп халқаланди. Сўнг сумкачасидан бир сураг олиб узатди. Унда улуғ ватандошимиз Бобур Мирзо ҳазратлари ҳинд тупроғида бино қилдирган бетакрор Тоғмаҳал мақбарасининг олдида кулиб турган қизнинг нафисгина сиймоси аке этган эди.

— Гулдай қизим Муҳайё қадимни букиб кетди укажон, кутилмаганда фожеали... — овози чиқмай қолди опанинг.

Ёлғиз қизидан ёлғор бўлиб қолган Шаҳриёрнинг ҳайрагли ҳайқириви жимликни бузиб юборди. Опа кўз ёшини кўрсатмай, болакайни кучоқлаб олди. Сўнг руҳланиб гапини яна давом эттир-

ди: «Ўзимни қўлга олишим қийин бўлди. Топниям аёлдан яратмасин экан. Чидар экан ҳамма кўргуликларга. Узр, сал чалғиб кетдим мавзудан. Биласизми, гоҳида айрим калтабин ва худбин кимсаларнинг ортимдан «аёл бошинг билан нима қилиб берардинг бизга, гинчгина шаҳарингда яшаб юравермайсанми?» дея истеҳзо билан пичинг отишлариниям эшитаман. Ўзимни қўлга оламан. Шунда биласизми, одамларимиз бугунги куннинг қалр-қимматини англай бошлаётганларини кўриб руҳим кўтарилади ва ўзимни энга бошлайман, ўзимни англай бошлайман. Озодлик туйғуси шу бўлса керак...»

Бошқа сўз айтмади бу аёл. Сўнг секингина компьютерни улади. Экран ёришди. Юлдуз Усмонованинг янграқ овози кела бошлади:

Болам-а, болам, жоним болам,  
Вужудимда тўққиз ойлаб ётган болам.  
Онажонинг дўзахларга отма, болам,  
Борингни сот,  
лек Ваташви сотма, болам.  
Не қилсанг қил,  
лек Ваташни сотма, болам.  
Сочн оппоқ онажонинг сотма, болам...

Кундузхон опа беихтиёр қўшиққа жўр бўлади...

## ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ...

Бугун... ана шу сатрлар айтилини биланок, юрагингиз титроққа тушади. Беихтиёр ўзингиз билмаган ҳолда қўшиқ куйлай бошлайсиз.

**«... Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!»**

Бу қўшиқ бугун ҳар биримизнинг жўр бўлиб айтадиган қўшиғимизга айланди. Негаки, ҳур водийнинг улкан бир ўйингоҳида янграган овоз олис Сурхоннинг тоғларга туташ қишлоқларида садо беради. Эсланг, бир халқона ашулада куйланганидай: «Фарғонада ўт ёқсам... Андижонда...» бугун ана шу ўтлар юракларга тутатиб кетаяпти.

Мен ўтган йилнинг кузида Сурхондарёда «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон» шиори остида ўтказилган байрам дастурини кузатдим. Баҳайбат стадионга сув сепсангиз ерга тушмайди. Тумонат одам. Ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам меҳмонлар келишган экан.

Бир пайт... Давра бошловчисининг: «Саҳнага хушовоз хонанда Маҳмуд Намозовни таклиф этамиз!» деган овози янгради. Бўлди қарсак, бўлди қийқариқ. Сўнг Жанубнинг тандирдай офтобида болалити кечган ҳофиз даврага чиқди. Бошидаги дўшти, устидаги



яктак, ҳамма-ҳаммаси соф сурхонча либосда эди. Жайлари ва тўпо-ри овозга минг-миг йиллардан бери халқимизнинг кўнглига чуқиб кетган қадимий куйлар ҳамоҳанг бўлди. Дўмбиранинг ҳазин садолари дилларга инди.

Маҳмуд кўшиқларини айтаётиб осмонга қараб-қараб кўяр эди. Ўша куни унинг ҳар гал одатга айланиб қолган бу ҳаракатини кузатган муҳлис ўзича минг битта хаёлларга бориши тайин. Нега десангиз Маҳмуднинг овози ерга эмас, осмонга сиғаётган ва сингаётган эди. У ҳар гал кўшиғи тугаётганида ёнидаги йигитларга бир қараб оларди. Балки кейингиларга навбатни берайлик дегандай. Йўқ, қайда дейсиз, унинг охири нолалари айтилаётганда қарсақлар, ҳайқириқлар бошланиб кетарди. Бўлмади, яна айтиш керак.

Ниҳоят, Маҳмуд билан шом тушганда дардлашиб қолдик. «Э, оғайни, Сурхонга келсам ўзимни, кўшиғимни топаман. Тўғри, пойтахтта бориб, катта муҳитга кўшилдим, ҳозир ёнимда дўст кўп, биродар кўп, лекин... сурхонча кўшиқларни ҳар ким ҳам берилиб эшитолмайди. Менинг миллий ўзлгимни, соф ўзбекона оҳангларни топипимда айнан истиқлол йиллари ниҳоятда бетакрор ўрин тутганини айтишим шарт. Чунки 6-7 йил орасида турли хил оҳангларни излаб кўрдим. Бироқ ўзимизникидан кўймасин экан. Айниқса, мана бугун Термизга келиб «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон» фестивалида айтилаётган ва куйланаётган ҳар бир кўшиқ, лапар Озодлигимиз шаънига айтилаётган мадҳиядир. Иллю, бу шиор Ватанимизнинг ўзини билган, юрагида халқ, миллат деган туйғулар уйғонаётган ҳар бир фарзандининг ўлмас шиорига айлансин».

Маҳмуд билан яна кўришдик. Бу гал унинг боши осмонда эди. Чунки мамлакатимиз Президентининг Фармони билан мукофотланган бир гуруҳ санъаткорлар орасида унинг ҳам номи бор эди. «Халқда бир гап бор: ўзанини топар дарёлар, дейишади. Шу маънода бизнинг халқимиз ҳам ўп йил орасида ўз миллий ўзатини, илди-зини топди. Мен ҳам ана шу дарёнинг битта томчисиман. Бу улуф дарёдан сув ычганлар икки дупё ҳам хор бўлмайди».

Бу соф миллий ўзбекона оҳангларда ҳаммамизнинг юракларимизга ўтмиш ва бугуннинг гоза руҳларини сингдираётган халқчил ҳофизнинг бир содда эътирофидир.

## КУЁШГА ТИК ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Жуда кўп эшитгандайман. Лекин Шарқнингми, Фарбнингми, қайси кутбнинг фалсафаси экан бу фикр, дейман ўзимга ўзим. Бу бир қарашда оддий гапдай туюлади. Бироқ...

1994 йили ўн уч йил бир-биримизни ғойибона билган ДЎСТ билан кўришдик. Тангри учрашгирди, бандаси эмас. Негаки, ўтган ўн бир йиллик ғуборли ҳаётимнинг айрим саҳифаларини у ҳеч иккиланмай айтиб берганида энг аввало Оллоҳнинг қудратига, қолаверса, одамзотнинг илоҳиёт билан боелиқ тилсимли тасаввурига тан бердим.

Хуллас, ўша кунни ўтган, кечган Хотиралар уйғонди. Сўнг Қўлимга ўзининг бир дафттарини қолдириб кетди.

Варақлашга юрак бетламади. Орадан бир ойлар ўтгач, ўқидим. Ҳайратга тушдим. Ундаги ёзувлар чинданам ғалати эди:

«Эшитган чиқарсиз, ўзи берганини ўзи олади, деган гап юради. Лекин мени бошқа саволлар қийнайди:

«Одамзот неча йил яшайди?

Минг хил рапгларда тоқлангувчи капалаклар-чи?

Ер ости-ю, ер устиди бир макон деб ўйлагувчи топбақалар-чи?

Саволлари ўйлатар мени,  
Жавоблари йиғлатар эй, дуст...  
Биринчи жавоб — 10-50-90 йил!  
Иккинчи жавоб — БИР ЛАҲЗА!  
Учинчиси... юз йил!

Менинг осмондай кепг кўнглимга, қафас бурчагидай тор кўнглимга ана шу БИР ЛАҲЗА сингади. Нега дерсиз? Капалак Озодликни яхши кўради, Озодликни! Билмадим, мен капалакни яхши кўраярман, капалакни!

Мен куёшни-да яхши кўраярман, ҚУЁШНИ! Фақат унга қараб бўлмайди. Куёш...»

Орадан саккиз йил ўтди. Дўстнинг бошидан ҳам не-не савдолар кечди. Умрида шеър ёзмаган одам бир дунё ўтлимг шеърлар ёзди, китоблари чиқди. Ҳаммадан кўра ЎЗИНИ кўпроқ ёзди. Аввалига ой, сўнг ярим ой ва ниҳоят... Куёш ҳақида ёзаверди.

Куёшдан нур олай,  
заминдан қувват.  
Юдузлар чорлайди  
доимо кўкка,  
Ойнинг шугъалари  
чўқар юракка...

Бир кунни сўрадим: «Эй, дўст, ойу куёшдан бошқа тимсол топарсиз энди?» У секингина шивирлади: «Ойга қарасам йиғлагим келади. Чунки у кўнглига ўхшайди. Куёш эҳ-ҳе... ҚУЁШГА ТИК ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ!»

«Хуррият дафтари»нинг ўн жойига ўчмас қилиб ёзиб қўйсам арзийдиган сўзлар эди бу. Чунки ўтаётган ўн йиллик тарих ана шу ҚУЁШЛИК истаган дилдошларимнинг ҳаётига айланиб бўлди...

## НАМАНГАНЛИК «СИНЧАЛАК»

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асарини бутун ўттиздан ўтган юқори авлод бир замонлар ҳаяжон билан ўқиган. Тасаввурлар, хулосалар ҳар хил. Лекин бутуннинг ҳам ўз «синчалак» қизлари борлигини, бироқ улар бутунлай бошқача тафаккур дунёси билан яшаётганини бир кузатувим баҳонасида мисол келтирмоқчиман.

Наманганда ўтган йили вилоят миқёсида тузилган «Соғлом авлод» маркази бор экан. Унинг фаолияти билан тасодифан танишиб қолдим. Билмадим, мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида бундай масканлар йўқлиги учунми, аввалига бир синов тариқасида тузилган бу жой ҳаёти менга ғалати туюлди. Аммо унинг дадил, доим бирон ташаббус билан раҳбарларни тинчитмайдиган фидойи раҳбари Раъно Муҳамедованинг гапларини эшитиб, тўғриси, миллий маърифатимизнинг теран илдиэлари ана шундай масканларда ўсишини англадим. Бу ерда мингта яқин ўғил-қизга ўнлаб миллий ҳунар сирлари ўргатилар экан. Энг муҳими, болалар бўш қолишмас экан. «15 йилдан бери болалар билан биргаман. Лекин ўн йилки, тасавуриим бўлакча. Ўзимни ва ўз фикримни қандай ҳимоя қилишни яхши биламан. Бу гоҳо айримларга ёқмайди. Узоққа борманг, менам кузатмайман сизни, тўғри «Маънавият» сабоқлари ўқитилаётган хонага кириб, болалар билан савол-жавоб қилиб кўринг. Булар кечанинг эмас, бутуннинг болалари эканига гувоҳ бўласиз. Кўзимизнинг олдида улғаяётган, эндигина ўн ёшдан ўтиб-ўтмаган бу болакайлар сизу бизнинг тасавуриимизга ҳам сифмаган ҳақиқатларни кўриб улғаяпти».

Бу сўзлар синчалаксифат, қайсар, қолаверса, ўз болакайлари тақдири учун гоҳ яхши, гоҳ ёмон кўриниб ишлаётган ва яшаётган замондошимиз Раъно Муҳамедованинг айтганлари. Зеро, шундай соғлом фикрли, жонкуяр ва озодликнинг моҳиятини тўғри англаётганлар афсуски, ораминда ҳали кўп эмас...

## ЭЛИК ЁШ БИР БАҲОНА...

«Комил Йўлдош деган дўхтир акамиз бор. Тиббиёт фанлари доктори. Бу йил элликка кирапти. Тўрт ўғли тўрт ёнида. Кеча ҳалди

сиғиб маслаҳат сўради: «Эллик йил яшабмиз. Шу йил ёз охирида уч-тўрт оғайниларни чорлаб, бир эл олдидан ўтсамми девдим».

Ўзи кўринишидан жиддий бўлган бу одамнинг гаплариям ғала-ти. Ҳазил деса, ҳазилга ўхшамайди, чин деса чинга. Хуллас, менам ҳазил аралаш «бу, Комил ака, кўшлар эллик ёшни нишонламайди дейишади. Сиз бўлсангиз...» деб балота қолдим. «Журналист халқига бир гапни айтгин-у, қочгин-да. Қилдан қийиқ излайсанлар. Сизларга нима, асакаларинг кетадими, жуда бўлса бирон мақола ё кўрсатув тайёрлайсизлар, шунгайм...» Охири «хўп» деб қутулдим.

Сўнг ўзи кулиб гапириб қолди: «Эллик деганим аслида бир баҳона ошна, Озодликнинг ўн йиллигига бағишлаб тақдир экан, ярим асрлик тўйни улаб юбормоқчиман. Бу ёғи, бўйдоқ ўғилнинг бирови қурғур бўлгуси келинга байрамда, ўн йилликда тўй қила-миз, деб ваъдани қуюқ қилган экан...»

## ТОШКЕНТДА АДАШГАН ЎЗБЕК

Ниҳоятда ўзбекфеъл акам бор. Юз марта гапиринг, битта сўз билан жавоб беради. Ҳатто манаман деган даврани мот қиладиган Қурбон Эшмат ҳам соф ўзбекча гапириб, ёзадиган Эшқобил Шукур, таниқли тележурналист Рўзибой Қўлдош деганлариям гапир-тиролмаган.

Раҳматлик онам Тўғиой ОРОЛ қизи куйиниб айтиб қоларди ёшлигимизда. «Мен-ку Самарқанднинг бир чеккаси Жом (ўзбек мивлий адабиётининг энг йирик нақилларидап бири Мурод Муҳаммад Дўст таваллуд топган ва ўзининг асл ўзбекона асарларида кўп бор ёзган Галатепа — муаллиф)да туғилиб, қадим Самарқандни бир марта кўролмадим, шу эркатой болам ҳеч курса Тошкани кўрармикан?...» дея армон қиларди.

Яратаннинг марҳаматини қаранг, бизлар онам кўрмаган, тушлариям кирмаган кунларни, замонларни кўраятмиз. Акам бўлса...

Ўн йилдан бери пойтахтта келиб кетади. Авваллари «Пахтакор»нинг ўйинларини баҳона қилиб келарди. Энди эса қандай каттароқ иншоот қурилиши бошлангани-ю ишга тушганини билгани, кўргани келади.

Энг қизиғи бошқа: яъни ҳар келганида адашиб юради. Фақат сездирмайди. Уйга кечроқ қайтса, ҳазил аралаш сўрайман: «Бу, янгамиз қишлоқда қолганда, сўроқлайдиган одам йўқ, ё биронтасини...» Одатий оҳангга кулимсираб жавоб беради: «Биз бир янтоқни остида ўсган одам бўлсак, ким ҳам қарарди? Айланиб

юриб...» Ҳеч адашиб кетдим, демайди. Охири шаҳар айлангани келган дўстлари Эшмурод ё Умар ака айтиб қўяди: «Айтсак, ишонмайсан, бизам билмаймиз шаҳарни, лекин бу бизга йўл бошловчи, ўзини йўқотиб қуйиб бугун кечгача метрода кутиб ўтирдик. Мелисалар ҳам ҳайрон бўлиб сўрайди. Кейин билсак, Навоий бекати билан «Пахтакор» оралиғидаги ҳамма станцияларни роса айланибди...»

Ўзиям тан олади. «Адашмасам ўзимдан хафа бўламан. Кеча қизиқ бўлди. Юнусобод билан «Собир Раҳимов» метролари ёнидаги кўприкларни томоша қиламан, деб чалғидим».

Яқинда футбол кўргани келиб яна адашибди ва бир илож қилиб уйни топиб келгач, «ҳали кўрасан, насиб этса, Озодликнинг ўттиз-қирқ йилликларига худо етказса, Тошкентни кўзимни бойлаб айланиб чиқарман» деб қўйди мақтаниб...

## НАВОИЙ БОБОСИНИ ТАНИСИН...

2001 ЙИЛ 27 АПРЕЛ! Ўғлим Жавҳарбек бир ёшга тўлди. Одамларни, рангларни ажратади.

Аёлим шу кунни ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг каттакон сурат-полотносини кўтариб келди. Ҳайрон бўлдим. Аввалига сир бой бермади. Кейин «энди тили чиқадётган болакайга Навоий бобосини танитайлик, кейин бемалол ўзбекча гапираверади» деди кулиб...

Опаси Моҳинурнинг «совға»си қизиқ бўлди. Йил бошидан бери икки ҳайитда теккан «сайлхарж»и-ю, 8 март ва Наврўз байрамларида йиққан пулларини тўплаб Алишер тоғаси билан шаҳарга чиқиб кетувди. Жилмайиб кириб келди ва укасининг елкасига Ўзбекистон байроғини илиб, ёдлаб олгандай «Нурхон Нафасовнинг болалари (қаратэ бўйича чемпиошлар — муал.)га ўхшаб ё боксчилар бор-ку, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаевлардай Ўзбекистонимизнинг юлдузли байроғини ўпиб юрсин» деб қучоқлаб пешонасидан ўпиб қўйди...



## СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

... «Хуррият дафтари»да ҳали оққа кўчирилмаган ёзувлар, битиклар кўп. Бу битикларнинг аввали ўн йил нарида, охири...

Насиб этса, эллик, юз йил ва яна минг йиллардан сўнг ҳам ёзилаверади.

Балки қирқ ё эллик йилдан сўнг ўзбекнинг мунис ва озоддил шоираси Қутлибеканинг бундан уч-тўрт йилча аввал кўнгил дафтари-нинг бир чеккасига ёзиб қўйган ушбу сатрларини ўқитанлар «аждодларимиз бежиз ҳурликни, озодликни шунчалар осмондайин баланд кўтариб улуғламаган экан-да» дея ҳайратланса, бу бизнинг бахтимиз, саодатимиз бўлади:

Озод Ўзбекистон,  
озод ўзбеклар,  
Айтсам, ҳар товшимдап  
сачраб чиқар чўв.  
Ҳар товш кўксимда  
Ёнартоғ тиклар,  
Дунёда буздан-да  
балад унвон йўқ.  
Фақат шу унвон, деб  
куйса бўлади,  
Фақат шу арзийди  
инсон жонига,  
Байроқ каби қадаб  
қўйса бўлади,  
Фақат шу унвонни  
юрак ёнига...

Мустақиллик... Истиқлол... Озодлик... Ўн йилки, юрагимизга тобора ботиб. илдилари улканлашиб бораётган бу муборак сўзлар ҳар биримизнинг умримиз дафтарига зарҳал ҳарфлар билан битилаётир.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	5
Энг катта юрак .....	6
Ватanning бир парчаси .....	8
Озодлик сурати .....	12
«Хуррият дафтари»га битиклар .....	12
Ой ёнади осмонимда .....	14
Бир сафар хосияти .....	15
Ҳижратдаги кўлар катта бўларкан .....	16
Юрагимизда яшайдиган бойлик .....	17
Чуқурсойга оқшом чуққанда .....	23
«Битта мушт бўлсак ҳеч қачон ситилмаймиз» .....	25
Полвон юлдуз санамасин .....	31
Бўлар элнинг болалари .....	34
Артур Григорян Ўзбекистон байроғини ўпаётганда... йиғлаган аёл .....	35
«Улгим Олимпия чемпиони бўлса, уйлантираман» .....	35
Беш полвон ҳақида беш оғиз сўз .....	36
Полвонларни гурур кўтаради .....	37
Файзулла полвоннинг гинаси .....	39
Ўттиз еттинчи Баҳор .....	43
Муножотни тинглаб... ..	48
Кўшиқ ва муҳаббат .....	48
Парижликлар эътирофи ёхуд «сеҳрланган» италянлар .....	49
Европанинг ўз тарозуси бор .....	50
Шарқ хўлиғи .....	51
Санъат ҳисобини кўтармайди .....	51
Ўзим билан қолганимда... ..	52
Муножотнинг муножоти .....	52
«Яллама ёрим»нинг ёши .....	53
«Мен ер билан борди-қелди қиламан» .....	58
1994 йили эълон қилинмаган суҳбатга муаллиф шўҳри .....	58
Суҳбатдош ҳақида икки оғиз сўз .....	59
Баҳор кетма, бизнинг бошлардан .....	65
Йилга татигулик кунлар .....	66
Оққан дарё .....	68
Мен кимман ўзи? .....	73
Бутуннинг одами .....	73
Отанинг армони ушалган кун .....	75
Тупроқдан узилманг, тупроқдан .....	76
Зариф Бурҳон ҳикояси .....	76
Бугдой номимиз ширин .....	77
Ўзини англаган аёл .....	78
Ҳеч кимга бермаймиз... ..	80
Кўёшга тик қараб бўлмайди .....	81
Наманганлик «Синчалак» .....	83
Эллик ёш бир баҳона... ..	83
Тошкентда адашган ўзбек .....	84
Навий бобосини танисин... ..	85
Сўнги сўз ўрнида .....	86

**Нордобил Жалил**  
**ҚУЁШГА ТИК ҚАРАБ БЎЛМАС**  
Ехул «Хуррият дафтари»га биттиклар  
(Бадиалар, мақолалар, суҳбатлар)

*“Истиқлол” нашриёти — Тошкент — 2001*

**Муҳаррир Рауф Субҳон**  
**Мусаввир Габзалилов Ю.**  
**Техник муҳаррир Бекиева Ж.**  
**Мусаҳҳиҳ Аҳмедова М.**

Теришга берилди 09.07.2001. Босишга рухсат этилди 01.08.2001.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/32. Босма тобоғи 2,75. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 187. Баҳоси шартнома асосида.

«Истиқлол» нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий, 30.  
Шартнома №Т-49.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази босмахонасида chop этилди.  
Тошкент, 700113, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.